


195

УМАР ХАЙЁМ  
НИШОПУРИЙ —  
ШАРҚНИНГ БУЮК  
МУТАФАККИРИ



TOSHDO'TAU



0000000786

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕ-  
КИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ МАДАНИЯТ ИШ-  
ЛАРИ ВАКОЛАТХОНАСИ

**УМАР ХАЙЁМ НИШОПУРИЙ –  
ШАРҚНИНГ БУЮК МУТАФАККИРИ**

Халқаро илмий анжуман материаллари

«Ал-Худо»  
халқаро нашриёти



«Мовароуннахр»  
нашриёти

Техрон - Тошкент  
2004

4140  
2.2.2016

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
**ToshDO'TAU**  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

## МУНДАРИЖА

<b>Ш.ШОМУҲАМЕДОВ.</b> <i>Умар Хайём</i> .....	9
<b>А.РУСТАМОВ.</b> <i>Ҳаким Умар Хайём ижодининг таълимий аҳамияти</i> .....	13
<b>Р.НОСИРОВ.</b> <i>Умар Хайёмнинг илмий-маърифий қарашлари</i> ....	18
<b>Х.АЛИҚУЛОВ.</b> <i>Умар Хайёмнинг гуманистик қарашлари</i> .....	27
<b>А.КУРБАНМАМАДОВ.</b> <i>Философско-эстетическое содержание мгновения в творчестве О.Хайяма</i> .....	36
<b>Ҳ.БОЛТАБОЕВ.</b> <i>Абдурауф Фитрат — Умар Хайём тадқиқотчиси</i> .....	42
<b>А.ҚУРОИБЕКОВ.</b> <i>Умар Хайёмнинг рубоийларида “май”нинг маънолар олами</i> .....	57
<b>С.ЙҮЛДОШЕВ.</b> <i>Умар Хайём меросининг Ўзбекистонда ўрганилиши</i> .....	65
<b>А.АҲМЕДОВ.</b> <i>Умар Хайёмнинг юқори даражали тенгламаларни ечиш услуги</i> .....	73
<b>Ш.ГАЮПОВА.</b> <i>Хайём ижодиётида инсон эрки ғояси</i> .....	80
<b>М.УСМОНОВ.</b> <i>Умар Хайём рубоийларида инсонни ижтимоий моҳият сифатида талқин қилувчи ғояларнинг тарбиявий аҳамияти</i> .....	86
<b>Д.ПУЛАТОВА.</b> <i>Умар Хайём ижоди — эркин фалсафий тафаккур тимсоли сифатида</i> .....	100
<b>Ў.ЖАЛОЛОВА.</b> <i>Умар Хайём ахлоқий фазилатлар хусусида</i> ...	110
<b>М.МАҲМУД, М.НУРМАТОВА.</b> <i>Умар Хайём ва унинг даври</i> .....	115
<b>Г.РЎЗАМТОВА.</b> <i>Бутун мавжудотнинг сарвари инсон</i> .....	122
<b>Г.ҚОБУЛНИЁЗОВА.</b> <i>Умар Хайём ижодида руҳий муҳаббат масаласи</i> .....	129
<b>М.ШАРИПОВ.</b> <i>Умар Хайём фалсафий ва хусусий-илмий тушунчалар тўғрисида</i> .....	137
<b>Ш.ҚАҲҲОРОВА.</b> <i>Умар Хайём дунёқарашининг моҳияти</i> .....	145
<b>Д.ФАЙЗИХҲАЕВА.</b> <i>Умар Хайём ижодида тақдир ва ирода эркинлиги масаласи</i> .....	161
<b>Н.АБДУЛЛАЕВА.</b> <i>«Наврўзнама» - боқий асар</i> .....	166
<b>В.ГУЛЯМОВ.</b> <i>Калокагатия Омара Хайяма</i> .....	169
<b>М.РАШИДОВА.</b> <i>Предмет философии в воззрениях Омара Хайяма</i> .....	174
<b>Д.АБДУЛЛАЖОНОВА.</b> <i>Миллий тарихий хотира мутафаккирлар талқинида</i> .....	177

## بنام خدا

خیام نیشابوری از حکیمان و ریاضی دانان برجسته ی ایران است که آوازه ی شهرت او در سرتاسر گیتی از شرق تا غرب پیچیده و همه را مفتون اندیشه های علمی و شعری خویش ساخته است. در بین بزرگان علمی و فرهنگی ایران، تنی چند شهرت جهانی یافته اند و خیام یکی از آنان است که مورد عنایت و اقبال جهانی قرار گرفته است.

خیام در علوم حکمت، استاد نامی ای بوده است و از اندیشه های شیخ ابوعلی سینا تأثیر به سزایی یافته و در این مسلک پای بر جای پای او نهاده است. وی در علوم دیگر از جمله لغت و فقه و تاریخ نیز صاحب نام بوده، لیکن شهرت او در ریاضیات و علوم عقلی بیش از آنهاست و در بحث و مناظره علمی نیز قوی دست بوده است.

در تاریخ، گفتگوی وی با امام محمد غزالی در خصوص نجوم مشهور است که تا نیمروز و وقت بانگ مؤذن، در خصوص یک جزء از اجزای قطبی فلک با غزالی سخن گفت و غزالی در رفع و دفع اندیشه ی وی با خیزش بانگ اذان برخاست و گفت: جاء الحق و ذوق

الباطل!

استاد ارجمند دکتر صفا در تاریخ ادبیات جلد ۲

می نویسد:

«خلاصه ی سخن درباره ی خیام آن است که وی از مشاهیر و حکما و منجمین و اطباء و ریاضیدانان و شاعران بوده است. معاصران او وی را در حکمت، تالی ی بوعلی می شمردند و در احکام نجوم، قول او را مسلم می داشتند و در کار های بزرگ علمی از قبیل ترتیب رصد و اصلاح تقویم و نظایر این ها بدو رجوع می کردند».

افزون بر علوم مختلفی که این دانشمند بزرگ ایرانی بدان وقوف داشته است، در شعر نیز دستی تمام داشته و رباعیات حکیمانه ی او آشنای هر کسی است. رباعیاتی که شهرتش مرز ها را درنوردیده و به اغلب زبان های دنیا ترجمه و نشر یافته است.

او افزون بر رباعیات فارسی در اشعار عربی نیز طبع خود را آزموده است. توجه بی شمار مستشرقان و محققان به رباعیات خیام، به کثرت اندیشه ها و نظریات در باره ی ایشان دامن زده است. آنچه که مسلم می نماید، رباعیات خیام بر تافته از اندیشه ی فلسفی و حکیمانه ی اوست که با زبانی ساده و دور از تکلف و تصنع با کلامی استوار به رشته ی نظم درآمده است و بیانگر اندیشه و افکار اوست و در آن ها مطالبی را از قبیل تحیر یک متفکر در برابر اسرار خلقت و تأثر از پیدایی سرنوشت آدمیان است، بیان می کند.

مرحوم صفا می نویسد: «این رباعی ها را خیام غالباً در دنبال تفکرات فلسفی خود سروده و قصد او از ساختن آنها شاعری و در آمدن در زی شعرا نبوده و به همین سبب در عهد خود شهرتی در شاعری نداشته و به نام حکیم و فیلسوف شناخته می شده است و بس. اما بعد که رباعی های لطیف و فیلسوفانه ی وی شهرتی حاصل کرد، نام او در شمار شاعران درآمد و بیشتر در این راه مشهور شد. (۱)

در میان علاقه مندان به افکار و اندیشه های حکیمانه ی خیام و شعر او، مردم ازبکستان نیز سهم بزرگی داشته و دارند. از دیر باز نویسندگان نامی و مشهور این سرزمین، همانند نظامی سمرقندی و دولتشاه سمرقندی و محمد بن علی ظهیری سمرقندی و دیگران به معرفی و تحلیل آثار وی پرداخته اند.

از معاصرین نیز محققان بسیاری درباره ی آثار و احوال و اشعار او قلم زده اند و اشعارش را به زبان ازبکی برگردانده اند. برگزاری سمینار خیام نیشابوری، فرصت خوبی است تا ایران شناسان و خیام دوستان در محفل علمی جمع آیند و تحقیقات خود را به علاقه مندان عرضه دارند.

---

(۱) تاریخ ادبیات صفا ص ۵۲۹

در این راستا، سزاوار است از مسئولین محترم دانشگاه ملی تاشکند که با همکاری رایزنی فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران در تاشکند به برگزاری این همایش اهتمام ورزیدند، تشکر نمایم. امید است که علقه های فرهنگی که از قرن های دور از سوی دانشمندان و عالمان بنیاد نهاده شده است، به دست اندیشمندان و عالمان و دولتیان امروزی بیش از گذشته استحکام یابد. در پایان از همه ی فرهیختگان و استادان محترمی که ما را در برگزاری این همایش یاری کردند، سپاس خویش را اعلام می داریم و توفیقشان را آرزو می کنیم.

**دکتر عباسعلی وفایی**

**رایزن فرهنگی سفارت جمهوری اسلامی ایران**

**تاشکند**

## «خیام» و خرد ورزی

جرج سارتون گفته است که عصر عمر خیام، پایان عصر زرین دانش اسلامی است. بنا بر این بی گمان خیام را می توان «عصاره ی خردگرایی ایرانی» در این عصر دانست. او یادآور دورانی است که همه چیز بر بنیان خرد و اندیشه بوده و پایه ی جهان نگری ها را عقل و لوازم آن تشکیل می داده است.

در باب ریشه های خردگرایی ایرانی (و به تبع خردگرایی خیام) بحث های فراوانی شده و محققان مختلف نظر های گوناگونی ابراز کرده اند، اما به طور کلی می توان عوامل میل ایرانیان به خرد ورزی در سده های نخستین پس از اسلام را در موارد ذیل خلاصه کرد:

### ۱. مبانی ایرانی

چندین قرن پیش از حکومت اردشیر ساسانی، ایران تحت فرمان یونانیان درآمد. اسکندر و جانشینانش در کنار تخریب فرهنگ ایرانی، در گسترش یونانی مآبی، تلاش فراوان کردند و بدین ترتیب، خردگرایی یونانی هم در ایران رواج یافت. سرانجام با روی کار آمدن اردشیر ساسانی، روح تازه ای در امپراتوری ایران دمیده شد. اردشیر،

قسمت های پراکنده اوستا را جمع آوری کرد و دین زرتشتی را گسترش داد و به این ترتیب، توده های از هم گسیخته ی مردم را زیر یک پرچم و یک دین مجدداً سازماندهی کرد.

تاریخ نویسان اسلامی روایت های متعددی از دانش پروری پادشاهان ساسانی نقل کرده اند. در عهد انوشیروان (که کریستین سن، دوره ی او را آغاز تمدن فلسفی و ادبی ایران دانسته) ایرانیان علاوه بر آثار علمی و فرهنگی خود به اندیشه های هندی و یونانی نیز توجه کردند و بسیاری از کتب آنان را به زبان پهلوی ترجمه نمودند تا جایی که تیسفون پایتخت ساسانیان، مهمترین مرکز سیاست در شرق شد. بیمارستان و آموزشگاه «جندی شاپور» در این دوره توسعه یافت.

به گفته ی آتیاس - مورخ یونانی - انوشیروان، مؤبدان را جمع می کرده تا در آفرینش جهان و مسائل دیگر فلسفی بحث کنند. «آرنولد تاین بی»، در کتاب «تاریخ» خود از نقاشی های شگفت انگیز عصر ساسانی سخن گفته است. ابن خلدون در مقدمه ی معروف خود، علم و دانش ایران قبل از اسلام را ستوده و دیگر شرق شناسان نیز از کتاب های پزشکی، نجوم و هندسه ی ایرانی سخن گفته اند. علاوه بر این، کتاب های حکمت عملی نیز مثل «اندرز آذرباد» و «اندرز اوشنردانا» مورد توجه بوده اند.

و به خاطر همین توجه ایرانیان پیش از اسلام به دانش است  
که خرد جایگاهی ویژه می یابد و حکیم فردوسی، شاعر بلند آوازه ی  
ایران و بلکه جهان، کتاب عظیم خود را با ستایش خرد آغاز می کند:  
به نام خداوند جان و خرد      کزین برتر اندیشه بر نگذرد

## ۲. مبانی یونانی

یونانیان اولین مردمی هستند که برای حوادث طبیعی، پایه  
های علمی در نظر گرفته اند. هراکلیت، آتش را مبدأ جهان می دانست و  
معتقد بود که همه چیز در تغییر دائمی است و مرگ نیز خود نوعی  
حرکت است.

آمپدوکلی، مبدأ اشیا را چهار عنصر خاک و باد و آب و  
آتش می دانست و معتقد بود که از ترکیب و انحلال این چهار عنصر،  
اشیاء دیگر پدید می آیند.

دموکریت، اعتقاد داشت که اشیاء از اتم هایی تشکیل شدند  
که از لحاظ فیزیکی غیر قابل تقسیم یا جز لایتجزی هستند و اتم ها  
فنا ناپذیر و پیوسته در حال حرکت هستند.

افلاطون، با طرح عدالت و سیاست و مدینه ی فاضله، تأثیر  
فراوانی بر اطراف خود نهاد. وی فیلسوفان (خردورزان) را بهترین  
حاکمان مدینه ی فاضله می دانست.

ارسطو، نیز با فلسفه ی شگرف خود که به فلسفه ی مشایی معروف شد، در سیر خردگرایی حائز اهمیت است. وی معتقد بود که دولت باید در تمام شئون اجتماعی دخالت داشته باشد.

اپیکور، حکیمی نو اندیش و معتقد به اصالت احساس بود و حقیقت را در محسوسات جستجو می کرد و معتقد بود که فضیلت از لذت جدا نشدنی است.

به هر صورت، این اندیشه های یونانی از طریق ترجمه های عربی و مترجمانی مانند «ابوبشر متی» وارد فرهنگ اسلام و سپس ایران شد و بدین ترتیب، حکمای ایرانی به خوبی با اندیشه های خردمندانه ی یونانی آشنایی حاصل کردند.

### ۳. اندیشه های حکیمان اسلامی

اندیشه های اسلامی و افکار حکیمان مسلمان نیز در کنار تفکرات یونانی، سبب گسترش خردورزی در ایران شد. مهمترین جریان های فکری در ایران پس از اسلام که مستقیماً بر مبانی خردگرایی استوار بود عبارتند از:

الف) ابن سینا و آراء وی

آراء ابن سینا (که خیام را مستقیم یا غیر مستقیم شاگرد و پیرو وی دانسته اند) در تحکیم مبانی خردگرایی ایران مؤثر بوده است تا جایی که غزالی در «المنقذ من الضلال» به آن اشاره نموده است.

ب) آراء محمد بن زکریای رازی

در مسیر خردگرایی پس از اسلام، اندیشه های محمد بن زکریای رازی را نباید فراموش کرد. وی متکی بر اصالت عقل بود و اعتقاد داشت که عقل به تنهایی برای شناسایی خیر و شر و نفع و ضرر در زندگی انسان و شناسایی پروردگار و اسرار الوهیت و تدبیر معاش کافی است.

ج) نهضت اسماعیلیه

این نهضت به گفته ی «ابن ندیم» صاحب الفهرست، از قرن سوم هجری در خراسان پا گرفت. مبنای اندیشه ی اسماعیلیان بر تأویل آیات و احادیث بود و در این راه منبع اصلی آنها خرد و اتکاء بر موازین عقلی بوده است.

### نتیجه ی بحث

از آنچه گفته شد، این نکته بر می آید که ایرانیان از پیش از اسلام، به خرد و مبانی آن توجه خاصی داشته اند. این میراث ایرانی در

دوران اسلامی نیز به برکت وجود کسانی چون رازی و ابن سینا ادامه می یابد.

خیام نیز به عنوان یک حکیم برجسته، با تمامی ی این اندیشه ها آشنایی داشته است. «قفطی» در «تاریخ الحکما» می نویسد که خیام، علم یونانی می آموخت و سیاست و ملک داری را بر طبق قواعد یونانی توصیه می کرد. در منابع بسیاری، همانطور که قبلاً گفته شد، خیام را شاگرد مستقیم و یا غیر مستقیم ابن سینای مشایی مشرب دانسته اند. از طرفی به قول مرحوم هشترودی، بزرگترین ریاضی دان دوران اسلامی نیز بود و اولین کسی است که معادلات درجه ی سوم را طبقه بندی کرده و برای حل آنها راهکار ارائه کرده است.

غزها و ترکان به تبعیت از حکومت بغداد، پس از قبول اسلام، تعصب فوق العاده ای از خود بروز می دهند و به نشر علوم تازی همت می گمارند. در همین زمان نیز امام محمد غزالی با تلفیق علم کلام و تصوف آن چنان تأثیری بر تفکر روزگار خود می گذارد که سه محور، مورد هجوم مشرعان قرار می گیرد:

۱- فلسفه یا حکمت مشایی ارسطو

۲- هر دانشی که مبتنی بر استقلال باشد

۳- دین و آئین زرتشتی یا به اصطلاح آئین گبری و

مجوسی

تفکر اشاعری ی غزالی، سدی بزرگ در برابر خردگرایی و

پیشرفت علوم عقلی و استدلال ایجاد می کند و باب گرایش به ایران و

مظاهر فرهنگی آن را می بندد و به این ترتیب اندک اندک، باب

خردورزی که از دوران ساسانیان در ایران گشوده شده بود بسته می شود.

اکنون شاید مفهوم جمله ی «جرج سارتون» که می گفت عصر خیام،

پایان عصر زرین دانش اسلامی است، بهتر معلوم شده باشد.

در هر حال، حکیم ما خیام، در این روزگار پرآشوب، هنوز

چراغ خردورزی را روشن نگاه داشته و ذهنش هنوز جایگاهی برای

میراث گرانبهای قدما در باب عقل و فلسفه است و بهترین گواه برای

اثبات این حقیقت، رباعی های درخشان اوست.

اکنون پس از این مقدمه، می توانیم با استناد به رباعی های

این شاعر، ببینیم که اولاً چگونه خردگرایی، اساس تفکر او را تشکیل داده

و بقیه ی اندیشه ها و مضامین به تبع این توجه به خرد ایجاد شده و ثانیاً

آنطور که بعضی از خیام شناسان از جمله مینورسکی گفته اند، در آراء او

هیچگونه تشتی موجود نیست. در حقیقت در مقام تشبیه، در خیام،

خردگرایی ریشه ی درختی است که شاخ و برگ های فراوانی دارد و آن

شاخ و برگ ها اندیشه های متعدد او مثل دم غنیمت شماری، تحقیر، شک، تحقیر عوام، پرهیز از ربا، نوعی تناسخ و... هستند و تمام این شاخ و برگ ها در نهایت، ریشه در میل حکیم ما به عقل گرایی و خردورزی دارد.

### سیر خردورزی در رباعی ها

از تحلیل رباعی ها این نکته به خوبی برمی آید که خیام دارای یک دستگاه منسجم فکری است. هسته ی اصلی و مرکز این دستگاه خردورزی و بازو های آن را اندیشه های دیگر تشکیل می دهند که همگی به صورتی عقلانی به مرکز متصل هستند. نمودار دایره ای این اندیشه با مرکزیت خردورزی در مطالب زیر خواهد بود:

- ستایش خرد

- ستایش خردمندان

- راهگشا نبودن عقل

- طرد خردگرایی و تعقل

- شک و تحقیر

- احساس حقارت در برابر کائنات

- نیاز به همصحبیت و ترس از نبودن آن

- ایجاد غم و تیرا از آن

- رنج بردن در زندگی

- بوج گرای

- اعتراض به آفریدگار

- جبر

- اعتباری دانستن از جهان

- دم غنیمت شماری

- آزادگی و قناعت

- فرار از ریا و سرزنش ریاکاران

- امید به عفو الهی

حرکت این دایره، طبق حرکت عقربه های ساعت و از

راست به چپ است و در آن هر اندیشه، عامل ایجاد اندیشه ی بعدی

است. یعنی خردورزی و نگاه از روی خرد، باعث ایجاد مضامینی چون

ستایش خرد و خردمندان می شود. بعد حکیم ما به این نتیجه می رسد.

که باید خرد را کنار گذاشت!

توصیفات خیام از شراب و ساقی در اینجا به سادگی توجه

می شود. شراب عامل طرد خرد و ساقی واسطه ی این امر است. پس از

طرد خردگرایی، حکیم به شک در کار جهان و انسان و نهایتاً تحقیر می

افتد و در برابر معما بودن جهان، در خود احساس حقارت می کند. آنگاه

به فکر همصحبتی می افتد که با او از این مسائل سخنی بگوید، اما چنین کسی را در چنان روزگاری نمی یابد، لذا دچار غم می شود و زندگی را (بودا وار) درد و رنج می بیند و از این رهگذر به پوچی و پوچ دانستن همه چیز می رسد و به همین خاطر با حالی شاعرانه به آفریدگار اعتراض می کند که چرا کار چنین است و در این سیر فکری به این نتیجه می رسد که اختیاری برای انسان نیست و همه چیز در گرو جبر است.

پس باید از کار جهان و این ویرانی ها و مرگ های پی در پی عبرت گرفت و دم گذران را غنیمت دانست و به آزادگی و قناعت روی آورد و از ریا و ریاکاران فاصله گرفت و نهایتاً به خاطر این کفر گویی ها به خدا پناه برد و از او امید عفو و کرم داشت.

Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ,  
филология фанлари доктори, профессор

## УМАР ХАЙЁМ

Умар Хайём ҳақида ўйлар эканмиз, кўз ўнгимизда икки буюк сиймо гавдаланади. Бири — ўрта асрнинг буюк риёшети, файласуф ва мунажжим олими, иккинчиси эса XIX–XX асрдан бошлаб жаҳон шеърини осмонининг ёрқин юлдузларидан бири бўлмиш забардаст шоир.

Хуш, бунга сабаб нима?

Умар Хайём 1048 йилда Нишопурда туғилиб, Балх, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ўқиб, улғаяди ва ўт замонасининг баркамол олимларидан бири бўлиб етишади. Ривоятларга қараганда, Салжуқийларнинг улуг пидири Низомулмулк унга Нишопур ҳокимлигини таклиф этади. Аммо Хайём бунга: “Мен одамлар устидан ҳукмронлик қилолмайман” деган жавоб беради. Хайёмнинг бир рубоийси ҳам мазмунда:

Кимнингки, бор эса бир бурда нони,  
Ўзига яраша уй-ошиёни,  
На биров унга қул, на у бировга,  
Айт, шод яшайверсин, хушдир замони.

Ниҳоят, Умар Хайём Исфаҳон расадхонасига бошчилик қилишга рози бўлади. У 1074 йилдан бошлаб бу расадхона ишларига раҳбарлик қилиб, математика ва астрономия соҳасида катта илмий тадқиқотлар олиб боради.

Хайёмнинг математика, астрономия ва фалсафага оид бир қатор асарлари бизгача етиб келган.

Умар Хайём бир неча асарида улуг олим Абу Али ибн Сино фикрларини тарғиб этади. Унинг содиқ шогирди сифатида олим фикрларини давом эттиради.

Дунё фалсафаси билан шуғулланиш, мавжудотнинг ериштирилмаслиги билан бирга, Умар Хайём бир неча олимларга раҳбарлик қилиб, беш йил қаттиқ текширишлар олиб

22.9.21  
46

боргандан кейин 1079 йилда янги ислоҳ қилинган тақвим таклиф қилган. Бу тақвим Оврупода ундан 500 йил кейинроқ қабул қилинган ва ҳозирги кунгача амалда қўлланаётган Григорян тақвимидан ҳам аниқроқ бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, математика, астрономия, фалсафа ва бошқа фанлар соҳасида “Рисолат ул-кавн ва т-таклиф” (“Коинот ва унинг вазифалари”), “Рисола фил-вужуд” (“Борлиқ ҳақида рисола”), “Рисола фи-куллиёти вужуд” (“Борлиқ умумийлиги ҳақида рисола”), “Рисолаи Жабр” каби асарлар муаллифи жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшган олим, ўрта асрнинг забардаст мутафаккирларидан бири, ўз даврининг ёрқин юлдузларидан бўлиб, илк ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти унинг номи билан боғлиқ эканлигини алоҳида қайд қилиш лозим.

Хайём даврида бу муқаррар катта илмий жасорат эди. Ўрта аср олимлари ҳаётининг нечоғлиқ оғирлигини Умар Хайёмнинг ўз сўзларидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Хайём ўзининг “Рисолаи Жабр” китоби муқаддимасида: “Биз илм аҳлининг инқирозини бошдан кечирдик, кўп жафо кўрган фақат бир кичик гуруҳгина қолди, холос... Энди бизнинг замон донишмандларининг аксарияти ростни ёлғон билан яширадилар, билимда шухратпарастликдан нарига ўтолмадилар. Агар илм бобида бирор нарса билсалар, уни ҳам фақат тубан мақсадлар ва ўз маишатлари учун сарф қиладилар. Агар бирор киши ҳақиқатни қаттиқ талаб қилса, тўғрилиқни афзал кўрса, фириб ва ёлғонни рад этишга ҳаракат қилса, риёкорлик ва ҳийладан халос бўлишга азм қилса, уни ҳақорат қиладилар, масхаралайдилар”, деб ёзган эди.

Умар Хайём ҳаётининг охириги йиллари, айниқса, оғир бўлган. У Нишопурга қайтиб келиб, фақирликда умр кечирган бўлса-да, илмий ишларини давом эттирган ва атрофига шогирдлар йиғиб бир гуруҳ олимлар етиштирган.

Ажойиб ва серқирра илмий асарлар ёзиб қолдирган буюк олим 1123 йилда Нишопурда вафот этган.

Умар Хайём ўзининг шеърӣ асарлари — рубоӣёти билан бутун оламини забт этди, десак муболаға бўлмайди.

У ўз рубоӣйларида ҳам илмий-фалсафӣй китобларида

булганидек, олам сирлари, ҳаёт ҳақиқатини излайди, бу борадаги фикр - ўйларини ажойиб шеърий образларга ўраб, мўъжизвор тўртликларда ифодалаб беради.

Эрон олими Мужтабоҳ Минавийнинг “Хайём ҳақида дақиқий тадқиқотлар” тўплами маълумотларига қараганда, фақат 1929 йилгача Оврўпо ва Америкада шоир Умар Хайём ҳақида ёзилган китоблар ва мақолалар сони 1500 дан ошиб кетган. Устод Саид Нафисий эса шундай ёзади: “Менинг ҳисобимча, Хайём рубойлари 32 марта инглиз тилига, 16 марта французчага, 11 марта ўрду тилига, 12 марта немисчага, 8 марта арабчага, 5 марта италян, 4 марта туркийга, 8 марта русчага, 2 марта данияликлар тилига ва бошқа тилларга таржима қилиниб чоп этилган. Э.Фитсжервэлдиннинг инглизча таржимасининг ўзигина то 1925 йилгача 139 марта чоп этилган”.

Бу ҳали 1930 йилларгача бўлган давр маълумотлари. Ушунан кейинги йилларда ҳам Хайём ижодига қизиқиш асло сўнггани йўқ.

Эрон олими Али Даштий ўзининг 1965 йилда чиққан “Дивы бо Хайём” (“Бир лаҳза Хайём билан”) деган китобда Умар Хайём ҳақидаги китоб ва мақолалар, шоядки, 2000 дан ошиб кетса, дейди.

Бундан ташқари, жуда кўп сўз санъаткорлари Хайём рубойларини ўз асарларига киритадилар, минглаб кишилар бу дурдона тўртликларни ёддан ўқиб юрадилар, шоир китобларини бир-бирларига совға қиладилар. Ўзбекнинг кўркем маъракалари эса Хайём рубойларисиз деярли тасаввур қиладими.

Бу чақмоқ садоларидек бир нафас билан ўқиладиган қисқа, аммо вазмин мисралар юракда чуқур из қолдирар, кишиларни оғир курашлардан иборат бўлса-да, инсонга энг маҳбуб нарсани — мана шу реал ҳаётни севишга, уни ҳимоя этишга, керак бўлса, шу гоё учун ўлимга тик борилишга чорлар эди. Бу тўртликларни, ленинградлик марҳум шоир Сергей Хмелницкий Хайём рубойларидан таржима қилиб келарди, жангчиларга ўқиб берар эди. Шундан кейин, Ленинград мудофаачилари сафида Умар Хайём ҳам бор эди.

Шуниси қизиқки, буюк кашфиётчи олим Умар Хайём ҳақидаги шоирликни ўзига касб қилиб олмаган, рубойла-

рини эса ўзи кўнгил таскини учун ёзган ва ҳеч кимга ўқиб ҳам бермаган. Унинг рубоийлари турли илмий китоблари ҳошиясига битилган ёки ён дафтарида топилган. XIX асрнинг 2-ярмида инглиз шоири Э.Фитсжералд унинг рубоийларидан бир қисмини эркин таржима қилиб, нашр эттиради. Бу кичкинагина китоб чиқиши биланоқ рубоийлардаги фалсафий теранлик ва ҳаётийлик Ғарб ва Шарқ китобхонлари дилини овлади.

Хайём бадиий ижоди оламшумул довуғининг сирини мада?

Бунинг сирини уларда шоир киши қалбини, унинг назокати ва зарофатини, киши руҳий кечинмалари ва орзу-ўйларини, инсон кайфиятлари ва ҳаёт мантиқини, инсон қалби билан реал ҳаёт муносабатларини ажойиб образларда тасвирлаб бера билганидадир. Шунинг учун ҳам унинг ижоди умумбашарият бадиийёт боғининг сўлмас чечакларидан бири бўлиб қолди. Зеро, шоир ёзганидек:

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,  
Ақл кўзин қораси, жавҳари ҳам биз.  
Туғарак жаҳонни узук деб билсак,  
Шаксиз, унинг кўзи-гавҳари ҳам биз.

## ҲАКИМ УМАР ХАЙЁМ ИЖОДИНИНГ ТАЪЛИМИЙ АҲАМИЯТИ

Ҳар бир миллатнинг соғлом тараққиёти солим таълим ва тарбияга боғлиқ. Таълим ва тарбия йўлга қўйилмаган жамият таназзулга маҳкум. Кишининг икки, ҳайвоний ва инсоний жиҳати бор. Инсонийлик илмий таълим ҳамда диний ва адабий тарбия билан қасб қилинади. Инсонийликни бўлмиган киши ҳайвон даражасида қолиб, еб-ичиш ва шаҳват билан чекланиб, маънавиятдан йироқ бўлади. Бу ҳақда Шайх Саъдий шундай деган:

Хўру хобу хашму шаҳват шағабасту жаҳлу зулмат  
ҳайвон хабар надорад зи жаҳони одамияят.

Яъни: еб-ичиш, уйқу, газаб ва шаҳват, игво, фитнес, одамлик, зулматдан иборат ҳайвон одамийлик олаmidан оғоҳ эмас.

Ҳаким Умар Хайём илоҳиёт, табиийёт ва риёзиёт илмларидан оғоҳ буюк аллома ва моҳир шоирдир. Бинобарин, унинг ижодидан таълим ва тарбия жараёнида унумли фойдаланишимиз керак:

фалсафа ва мантиқ таълимида ҳакимнинг “Рисола-йе баиёу таълиф”, “Рисола-йе зиёу-л-ъақлий дар мавзӯ-е куллий”, “Рисола дар сурат-е тазод дар жавоб-е се рисола дар ҳақмат”, “Рисола-йе равзатӯ-л-қўлуб дар куллиёт-е буҷул” асарларидан;

риёзиёт (математика) таълимида “Рисола фи бароқшӯ-л-жабр ва-л-муқобале”, “Рисола дар шарҳ-е мушкилот-е масъалот-е китоб-е Уқлидес” асарларидан;

математиканослик таълимида “Рисола-йе мизон-е ҳикмат дар ёра-йе кайфийят-е таъйин-е меқдор-е тело-ву нуҷури” асаридан;

Наврӯз ҳақида “Наврӯзнама” асаридан.

Бугунги кунда ҳалокатга юз тутган муҳитни қутқариш ва асраш жаҳоншумул муаммолардандир. Бу борада биз Умар Хайёмнинг рубойларига мурожаат қилишимиз мумкин. Масалан, мана бу рубойлар муҳитга ўта эҳтиром билан муносабатда бўлишга ундайди:

Хоки:кэ бэ зи:р-э пой-э ҳар нодони:ст  
Каф-э санами:-йў чехрэ-йе жонони:ст  
Ҳар хэшт кэ бар кўнгэрэ-йе айвони:ст  
Ангўшт-э вази:р ё сар-э султони:ст.

Яъни: ҳар нодон оёғи остидаги тупроқ бир санам кафтию жонон чехрасидир. Айвон кунгурасидаги ҳар бир гишт вазир бармоғи ё султон бошидур.

Ҳар сабзэ кэ бар канор-э жу-йи: растаст  
Гу:йи: зэ лаб-э фарэштэху:йи растаст  
По бар сар-э сабзэ то бэхори: нанэхи:  
К-он сабзэ зэ хок-э лолэру:йи растаст.

Яъни: Ариқ бўйида унган ҳар кўкат бир фаришгасифатнинг лабидан деб ўйла, хорлаб кўкат устига оёқ босма, чунки у кўкат бир лола юзликнинг тупроғидан унгандир.

Умар Хайёмнинг май зикр қилинган рубойларига келсак, уларнинг кўпи унга нисбат берилган ўзгаларнинг рубойисидир. Хайёмники деб мингга яқин рубойи нашр этилган. Аммо хайёмшунос тадқиқотчилар аниқлаган, Хайёмга мансуб рубойларнинг сони 178 тадир. Умар Хайёмнинг ўзига мансуб рубойлардаги май зикр қилинган ибораларнинг баъзисини шатҳиёт деб қабул қилиш мумкин. Баъзи рубойларда эса “май” истиора тарзида ишқ ва унинг кайфияти маъносида қўлланган.

Луғавий маъноси билан узумни ачитиб тайёрланган ичимликни англатадиган “май” сўзи ва унинг “шароб”, “бода”, “ҳамр”, “чоғир”, “роҳ”, “мул”, “мудом”, “саҳбо” сингари маънодошлари бадий-фалсафий асарларда истиора тарзида ҳақиқат маърифати ва ишқига нисбатан ҳам ишлатилади.

Ишқу муҳаббат бир неча жиҳатдан майга ўхшайди. Абдураҳмон Жомий ўзининг “Лавомий” асарида муҳаббат билан майнинг ўхшаш жиҳатларидан унтасини баён қилган.

Биринчиси, май ўзининг аслий ўрни бўлмиш хум ичидан ўзганинг таъсирисиз ўзидан ўзи қайнаб, ўзини кўрсатишга ҳаракат қилганидек, ошиқлар кўнглидаги яширин ишқ ҳам галаён қилиб зуҳур этишга интилади.

Иккинчиси, май ўз зоти ҳаддида муайян бир шаклга эга эмас, қайси идишга тушса, шу идишнинг ички шаклини олади. Худди шунингдек, ишқ аслан мутлақ бўлиб, унинг зуҳури муҳаббат аҳлининг қобилияти ва истеводидига яраша содир бўлади. Ошиқлар орасидаги тафовут ишқнинг зотий хусусиятига эмас, уларнинг кўнгул идишига боғлиқдир.

Учинчиси, майнинг ҳам, ишқнинг ҳам сирояти ялпи жарайдан иборатдир. Май кишининг ҳамма аъзосига таъсир қилганидек, ишқ ҳам ошиқнинг қону жонига кириб, унинг бутун вужудини эгаллаб олади.

Тўртинчиси, май ўзининг ичкучисини, ишқ севгучини марду сахий қилиб қўяди. Аммо май масти пулни аямаса, ишқ масти жони жаҳонини, бор-йўғини бахшида қилади.

Бешинчиси, май ҳам, ишқ ҳам кишини кўрқмас ва ботир қилиб қўяди. Лекин май ботирлиги оқибатни кўрувчи ақлнинг мағлуб бўлишидан бўлса, ишқ шижоати ҳақиқат нурининг ғолиблигидандир. Биринчиси шахсни филокату ҳалокатга олиб боради, иккинчиси абадий ҳаёту севдатга бошқаради.

Олтинчиси, май ҳам, ишқ ҳам киши бошидан кибру қавони учиради ва ниёзу тавозуга туширади. Бироқ ичкиликнинг оқибати хорлигу разолатдир, пок ишқ натижаси нозути шарофатдир.

Еттинчиси, май ҳам, ишқ ҳам сирни фош қилади. Асрлар давомида аён бўлган ҳақиқату маърифат сирларини ишқ юзига чиқарган.

Саккинчиси, май ҳам, ишқ ҳам кишини беҳуш қилади. Аммо май беҳушлиги нодонлик ва гафлатнинг энг тубан даражасидир, ишқ беҳушлиги эса сезгирлик ва огоҳликнинг энг олий мартабасидир.

Тўққизинчиси, майпараст майни ичган сари яна кўпроқ ичкучи келади, ишқпараст ҳам ишқ дардига мубтало бўлган сари яна ортиқроқ берила боради. Лекин ичкучи борган сари одамийлик қиёфасини йўқота боради, севгучининг эса инсоний фазилатлари орта боради.

Ўнинчиси, май ҳам, ишқ ҳам номусу ҳаё пардасини кўтаради. Бироқ, ичган ўзидан ўзгани ҳақорат қилиб, халққа озор беришдан уялмайди, севган эса ўзгалар учун ўзини хору зор қилишдан ор қилмайди.

Умар Хайём ўзининг бир рубойида шундай дейди:

Қуръон кэм мэхин калом хонанд онро  
Гаҳ-гоҳ на бар давом хонанд онро.  
Бар гэрд-э пиёлэ ояти:ст муқим  
К-андар ҳама жо мудом хонанд онро.

Яъни: Буюк калом деганлари қуръонни доим эмас, гоҳ-гоҳ ўқийдилар. Пиёла теграсида бир оят борки, уни мудом ўқийдилар. “Мудом” сўзининг доим ичиладиган май деган маъноси ҳам бор. Бу сўз бу рубойида истиора тарзида ҳақиқий ишқни билдиради. Бу ишқ оламу одамнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган ва у бутун мавжудотни ўз қамровига олган.

Ҳозирги вақтда бутун дунёни ташвишга солаётган ҳодисалардан яна бири террор ва баъзи ёшларнинг тажовузкор ташкилотларга қўшилишидир. Бунинг олдини олишда Умар Хайёмнинг сафдошлари бўлган Низомул-мулк, Ҳасан Саббоҳ ва Умар Хайёмнинг фаолиятларини чоғиштириш таълим ва тарбияда яхши самара беради. Умар Хайём аллома сифатида, Низомулмулк давлат арбоби сифатида инсоният манфаати йўлида буюк ишларни амалга оширдилар. Ҳасан Саббоҳ сиёсий мақсадларга эришишда террорни жорий қилиб инсониятга катта зарар етказди. Ҳозирги уюшган террорчилик айнан Ҳасан Саббоҳ тузган тизимга асосланган.

Вазирлик фаолиятини Алп Арслон Салжуқий (1063-1072) даврида бошлаган Низомулмулк унинг ўғли Маликшоҳ даврида Ҳасан Саббоҳни саройга ишга олади. Мансабпарастлик юзасидан Ҳасан Саббоҳ Низомулмулкка қарши фитна уюштира бошлагач, саройдан ҳайдалиб, Балхдан Мисрга равона бўлади. У ерда тажовузкор фирқаларнинг таълимотини ўрганиб, кўп поғонали сирли террор фирқасини тузади ва Эронга келиб Аламут қалъасини эгаллаб Салжуқийларга қарши фаолият бошлайди. Унинг бу фирқаси “Низорийлар” ва “Хашшош-лар” деб аталади. “Низорий” Фотимий халифаларидан бўлмиш Мусталий-

нинг акаси бўлмиш Низор ибн Маъадга мансубликни билдиради. У Ҳасан Саббоҳ раҳбарлигида укасига қарши исён кўтариб, шу туфайли қатл этилади. “ҳашшош” кўкнорихўр, афюнхўр дегани. Ҳасан Саббоҳ фирқасида террор амалларининг ижрочиларини рағбат-лантиришда афюндан фойдаланилгани учун уларни “ҳашшошлар” деб атаганлар. 1256 йилда ҳулагу Аламутни забт этиши натижасида ҳашшошлар фаолияти барҳам топди.

Ҳасан Саббоҳ ўзининг ғайриинсоний фаолияти, жумладан, Низомулмулкни террор йўли билан қатл этиши билан илм, адолатли сиёсат ва маданият ривожига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатди.

Хулоса шуки, ҳақим Абулфатҳ ғиёсиддин Умар ибн Иброҳим Хайёмий (1040-1123) ижоди ва унинг ҳаёти билан боғлиқ жаҳоншумул ҳодисалар таълими дунё кўламида улуг тарбиявий аҳамиятга эгадир.

**Р.Н.НОСИРОВ,**  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор

## **УМАР ХАЙЁМНИНГ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШ- ЛАРИ**

Зукко аллома ва машхур мутафаккир Умар Хайём (1048-1123) ўз илмий фаолиятида қадимги юнон маърифати, муслмон шарқи маънавий анъаналари, айниқса, Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Сино каби қомусий алломалар табиий-илмий ва фалсафий қарашларидан илҳомланган буюк шахсдир. Умар Хайём Нишопурда хунарманд оила-сида таваллуд топди, умрининг бир қисмини Марказий Осиё шаҳарлари: Самарқанд ва Бухорода ўтказди. Аллома ҳаётининг сўнгги йиллари Нишопур шаҳрида ўтди.

1074 йилда салжуқийлар сулоласи ҳукмдори Малик-шоҳ ва унинг машхур вазири Низомулмулк таклифи билан у сосонийларнинг шамсий-ой тақвими (календари)-ни ислоҳ этиш мақсадида тузилган илмий гуруҳга раҳбарлик қилди. Бу тақвимнинг аниқлик даражаси григориан тақвими қабул қилинганга қадар жорий этилган барча тақвимлардан афзал эди. Айнан тақвим ва фазовий астрономик кузатувларни амалга оширишни назарда тутган расадхонани салжуқийлар салтанатининг пойтахти Марвда қад кўтариши ва фаолиятини Умар Хайёмсиз кўз олдига келтириб бўлмайди.

Умар Хайём қаламига фалсафа, астрономия, математика, физика, шеърят соҳаларига оид рисоалар, рубоий-лар мансуб. “Мавжудликнинг умумийлиги” (“Куллиёти вужуд”), “Уч саволга жавоб”, “Вужуд ҳақида”, “Алгебра ва алмуқобала масалаларининг исботи ҳақида”, “Евклид китобининг кириш қисмидаги қийинчиликларга шарҳлар” каби асарлар шулар жумласидандир. Уларда борлиқ, тангри, инсон, жамият, ақл, билиш, ахлоққа доир қатор муаммолар кенг ўрин олган.

Умар Хайём борлиқ ва уни забт этиш тўғрисида фикр-

мудожага юритар экан, салафлари Форобий ва Ибн Синонинг “вужуди ножиб” ва “вужуди мумкин”нинг ўзаро нисбати ҳақиқати гоъларига мувожаат қилади. Шунинг унутмаслиги керакки, борлиқнинг тадрижий ўзгаришига қадар ривожланиш жараёни руҳдан, ақлдан ашъвий борлиққа қараб, оёнгра эса моддийликдан инсон руҳи, ақлига қараб ўзгариб боради.<sup>1</sup> Биринчи борлиқ, биринчи сабаб — Тангри таъоло, Унинг асли, зотининг таърифи йўқ. Яратганни яратилган биронга нарса билан қиёслаш мумкин эмас. Биринчи уни мавжуд нарсаларга қиёслаш мумкин бўлганда эди, ҳақ билан халқ (яратилган) ўртасида зарурий фарқ қолмас эди. Натижада, барча нарса-ашёларнинг яратилиши битта, якка-ягона бўлмасдан, иккита ва ундан кўпроқ бўлишини тахмин қилиш мумкин бўлар эди. Унинг биттадан кўпроқ бўлиши оддий мантиққа, илохий амр таърифларига зиддир ҳамда сабаб-оқибат муносабатларига мос келмайди.

Биринчи ашёлар биринчи сабаб, — борлиқ туфайли яратилган, лекин унинг ўзи ўзга сабаблар таъсири остида ўзгариб боради. У зоти, моҳияти нуқтаи назаридан зарурий, жаб сабабдир. Шундай экан, унинг бутун борлиқни ярата олишига қодир бўлган ҳолда ҳеч нарсани яратмаслиги, яратилиши истамаслиги Тангри таъоло мақсади ва иродасига қўйиб қўлади.

Унинг баркамоллиги, хусни-жамолига ҳеч нарса тенг кела олмайди, чунки у гўзаллик соҳибидир. Умар Хайём шундай деганига асосланган ҳолда ўз рубойларида:

“Қайда кямол топдинг, жононам ўзинг,  
Обни уилтирар тунда юлдузинг.  
Бизм учун юзларни безар гўзаллар,  
*Жаҳон базми безар бир сенинг ўзинг*”,<sup>2</sup>

1. Ибн Сино.

Оддақ илми инсон билимидан фарқланади. У ўз зоти, моҳияти-моҳиятидан тўла-тўқис хабардор. Унинг билими тадрижий ўзгаришларга муҳтож эмас, чунки бундай билим билимасликдан билишга, ноаниқликдан аниқликка ўзгариб йўналимаган, у аслида баркамол, мутлақ илмдир. Шундай экан, инсоннинг ҳақ тўғрисидаги билими билан тўғрисидаги уни тўғрисидаги илми ўртасида беқиёс фарқ

мавжуддир. Лекин шунга қарамасдан, инсон зоти унинг лутфи ва раҳматидан бир умрга умидворликда яшайди.

Иккинчи туркумга, яъни, биринчи сабабнинг оқибати билан боғлиқ нарсаларга келсак, улар биринчи сабабнинг ҳосиласи бўлиб, фазовий сайёралардир. Булар, аслида, ўнга бўлиб, уларнинг ҳар бири биринчи сабаб билан боғлиқ эканлигини эслатиб туради. Ҳар бир фазовий сфера ўзига хос руҳ ва ақлга эгадир. Руҳ туфайли фазовий сфера ҳаракатга келади. Фазовий сфералар ақли, ўз навбатида руҳнинг манбаини ташкил этади. Ақл руҳдан ўз мартабасига кўра юқори туради, чунки руҳ барча нарсаларни ўз фаолияти орқали ҳаракатга келтирса, ақл эса бу вазифани меҳр орқали амалга оширади.<sup>3</sup> Бундай фалсафий қарашлар Носири Хисрав ва Азиз ан-Насафий каби мутафаккирларнинг ғояларига ҳам хос умумий йўналишга айлана борганлиги маълум.

“Вужуди мумкин” – яратилган олам ашёлари мустақил борлиқ эмас. Унинг мавжудлиги “вужуди вожиб”, яъни, яратган вужудга бориб тақалади. Лекин шу билан бирга, биринчи сабаб оқибат келтириб чиққан тақдирдагина “вужуди вожиб”га айланади. Аммо мумкин нарсаларнинг сабабий алоқадорлиги чексиз давом этиши ёки доира бўйлаб амал қилиши мумкин эмас. У охир-пировард “вужуди вожиб”га бориб тугайди.

Тупроқ, сув, олов, ҳаво унсурларининг турли тарзда бир-бири билан бирлашуви, хилма-хил алоқада бўлиши туфайли оламнинг хилма-хиллиги юзага келади, нарсаларнинг моддий бирлиги таъминланади. Тупроқнинг, айниқса, ривожланиш жараёнидаги мавқеи бениҳоя муҳимдир. Тупроқ образи Умар Хайём рубоийларининг етакчи мавзуси саналади. Масалан, улардан бирида мутафаккир қуйидагиларни ёзади:

“Кулол дўконига кирдим, кўзагар  
Лой ишлар, кўрсатиб ажойиб хунар.  
Ҳеч ким кўрмаганни мен кўриб қолдим,  
*Ота-бобом лойин қўлида эзар*”.<sup>4</sup>

Умар Хайёмнинг фикрича, нарса-ашёларнинг ўзаро алоқадорлигидан минераллар, ўсимликлар, ҳайвонлар, инсон зоти юзага келади. Табиат ва жамиятдаги барча ўзга-

ришларнинг негизи ҳаракатдир. Жисмларнинг ҳаракати фазо ва вақтда содир бўлади.

Алломанинг табиий-илмий қарашлари унинг “Рисолат ул-ҳаким ул-фозил Гиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим ал-Хайёмий ан-Нишопурий фи-л-бароҳин ало масойил ул-жабр ва-л-муқобала” (“ҳаким ва фозил Гиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим ал-Хайёмий Нишопурийнинг алгебра ва муқобала масалалари ҳақидаги рисоласи”), “Рисола фи шарҳ мо ишкол мин мусодироти китоби ўқлидис салосу мақололот тасниф уш-шайх ул-имомил ажал ҳужжат ул-ҳақ Абулфатҳ ибн Иброҳим ул-Хайёмий” (“Шухратли шайх ва имом, ҳақиқат ҳужжати Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим Хайёмнинг уч китобдан Эвклид тамойиллари қийин жойларининг шарҳи ҳақидаги рисола”), “Рисолат ул-ҳакимил фозил Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим ул-Хайёмий фил иктиёл ал-маърифати миқдорайниз заҳаб ва-л-фидда фи жисмин мураккабин минҳумо” (“ҳаким ва фозил Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим ал-Хайёмийнинг таркибида олтин ва кумуш бор нарсаларда уларнинг миқдорини аниқлаш санъати ҳақидаги рисола-си” ва бошқаларда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Фанларни ўрганиш ва ҳақиқий исбот-далиллар кўмагида улар моҳиятига етиб бориш, халос бўлиш ва абадий бахт-саодатга эришиш учун зарур деб эътироф этилиб, математика эса унинг муҳим воситаси саналади. “Математика деб аталувчи фалсафа қисми тасаввур этиш ва исботлаш нуқтаи назаридан энг осон (енгил) қисмлардан бири ҳисобланади. Арифметикага келсак, бу (масала) бутунлай равшан. Геометрия соҳасига келсак, соғлом фикр, ақл-фаросатли ва ўткир интуицияга эга киши учун бу ҳам аниқ. Фалсафанинг бу қисми эҳтиёткорлик, фаҳм-фаросатни мустаҳкамлашга хизмат қилади, бизни исбот этилмаган нарсалардан нафратланишига ўргатади, чунки унинг илк низомлари барча томонидан қабул қилинган, исботлар аниқ, уларда тасаввур ақлга кўмакдошдир”,<sup>5</sup> - деб уқтиради Умар Хайём.

Аллома математикага оид рисолаларида параллел чизиқ, сонлар муносабати, чексизлик аксиомаси, илдиз тушунчаларини янгича талкин этишга алоҳида эътибор қаратган. Умар Хайём асарларида математик тадқиқотлар

ҳаётга татбиқ этилмайдиган мавҳум изланишлар бўлиб қолмасдан, уларнинг реал натижалари физика соҳасига татбиқ этилганлигини кўрамиз. Умар Хайём олтин ва қумушнинг солиштирма оғирлиги тўғрисида фикр-мулоҳаза юритиб, қийматларни белгилашдаги ихтилофлар сабаби жисмлар шаклларининг хилма-хиллиги ва ашёлар хусусиятининг турли-туманлигига эътибор қаратади. Шундай экан, “одамлар ишончли кафолатга эга бўлишни истасалар, айниқса, енгил жисмларни белгилашда эҳтиёткор ва синчковлик билан ҳаракат қилмоқлари лозим”,<sup>6</sup> - деган хулосага келади.

Олим ўзининг астрономик кузатувларида осмон минтақасида кўришиб турган қуёш, Ой, юлдузларнинг ўрнини белгилашда ишлатиладиган ўлчов асбоби-устурлобдан кенг ва самарали фойдаланганлиги юксак даражадаги аниқликка эришиш саъй-ҳаракатида муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келди. Бунга Умар Хайёмнинг ўта аниқ тақвими яратиш жараёнида “Маъмуннинг астрономик жадваллари”га мурожаат этганлиги мисол бўла олади. Маъмун экспедицияси астрономлари томонидан Эрон қуёш тақвими қайта кўриб чиқилганлиги ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Халифалик мамлакатлари ҳудудида йил 12 қамарий ойдан иборат бўлган қамарий тақвим расмий саналиб, ой 29,5306 кеча-кундуз, қамарий йил эса 354,3672 кеча-кундузга ташкил этар эди. Шамсий йилнинг 100 йили 103 қамарий йилга тенг келар эди.

Тақвимда назарда тутилган ой ва ҳафтааларнинг ҳар йили силжиб туриши қатор ноқулайликларни келтириб чиқарар эди. Буни назарда тутиб, Умар Хайём раҳбарлигида тузилган янги тақвим ҳозирги вақтда амалга аксарият мамлакатларда қўлланилиб келинаётган григориан тақвими-дан ҳам бирмунча аниқроқ бўлганлиги маълум. Хайём тақвимида кабиса йил ҳисобига 33 йилда 8 кун, григориан тақвимида эса февралнинг 28 эмас, 29 кун бўлиши ҳисобига 8 кун қўшилади. Натижада, григориан тақвимига кўра, 3300 йилда бир кунлик хато ҳосил бўлса, Умар Хайём тақвими бўйича эса бундай хато 5000 йилда содир бўлади.

Аммо янги тақвим ишлаб чиқилган, ҳатто жорий этилган бўлса-да, унинг умри қисқа бўлди. Вазир Низомулмулкнинг ўлдирилиши, орадан кўп ўтмасдан Малик шоҳ-

нинг вафот этиши, мамлакатда юзага келган ўзаро низо-ларнинг авж олиши, ижтимоий беқарорлик оқибатида кўп заҳматлар эвазига яратилган тақвим ном-нишонсиз йўқо-либ кетди.

Алломанинг табиатшуносликда эришган самарали ютуқлари, ашё ва жараёнларнинг хосса-хусусиятларини тадқиқ этишда кузатув ва тажрибага мунтазам равишда мурожаат этиши илмий изланишларнинг салмоғини яна-да оширди, дунёқараш чегараларини кенгйитрди, фикр-мулоҳаза юритиш имкониятларини бойитди, янги ғоялар-ни шакллантиришга таянч нуқта бўлиб хизмат қилди.

Умар Хайём билиш таълимоти муаммоларини тадқиқ этар экан, у биринчи галда, математика, тиббиёт, фалса-фа фанларининг қатор бошқа соҳаларида ўзи эришган сал-моқли ютуқларга мурожаат қилади. Унинг таъкидлашича, олам сир-асрорини, ҳодисалар сабаблари, мазмун-моҳи-ятини очиб бериш, уларни ҳар томонлама ўта синчковлик билан кузатиш инсон фаолиятининг муҳим жабҳаси бўлмоғи лозим. Инсон ўзининг илмий-маърифий фаолия-ти, воқеий оламни билиш иштиёқининг мавжудлиги боис барча мавжуд жонзотлардан мутлақ даражада ажралиб ту-ради ва улар устидан ўз салтанатини ўрнатади.

Унинг уқтиришича, билиш – бу инсон миясида мав-жуд ҳодисаларнинг муайян даражада тўғри акс этиши. Бу борада сезги ва ақл инсон билимининг ғоят муҳим ва қуд-ратли воситаларидир. Оддий жонли мушоҳада орқали нар-са-ашёларнинг айрим жиҳатлари, миқдорий муносабат-ларини аниқлаб олиш мумкин бўлса, мантиқ қонун-қоида-лари туфайли мураккаб жараёнларнинг моҳияти, уларнинг ички сийрати, мазмуни намоеён бўла боради. Бундан яққол кўринадикки, инсон сезгилари ва уларнинг фаолияти бе-восита ва билвосита кузатув ва ақл учун ғоят даражада муҳим манба ролини ўйнайди.<sup>7</sup>

Инсоннинг бешта сезги аъзоси воқеий оламда рўй бе-риётган ҳодисалардан уни воқиф қилиб туришга вакил этиб яратилган. Сезги – бу нарсалар ташқи ифодасининг муҳри, шакли, уларнинг муайян образ-тимсоли. Бешта та-шқи сезгиларни ички сезгилар ниҳоясига етказди. Улар: ҳаёл, хотира, интуиция ва умумий сезгилардан иборатдир.

Сезгилар инсон “миясининг хизматкорлари” вазифасини амалга оширади.

Кишилар ўзларининг илмий-интеллектуал фаолиятида ақл-фаросат ва ирода измига амал қиладилар. Улар туфайли ташқи оламда содир бўлаётган воқеалар, жараёнларнинг сир-асроридан воқиф бўлиб турадилар. Оламни маънавий-руҳий жиҳатдан забт этишда инсоннинг ақлий фаолияти ижодий характер касб этади. Мутафаккирнинг фикрича, инсон зоти барча ҳайвонлардан донолик ва нутқ соҳиби эканлиги билан ажралиб туради. Умар Хайём ижтимоий-фалсафий қарашларида таъкидланганидек, ақл — бебаҳо жавҳар, ўзига хос битмас-туганмас хазина. Жонли мушоҳада қанчалик даражада муҳим ва зарур бўлмасин, у аслида чегаралангандир. У орқали муҳим боғланишларни соф ҳолатда тадқиқ этиш мумкин эмас.

Бундай муҳим вазифани ишончли тарзда адо этиш ақлга юкланган. Умар Хайём «ақл моҳиятни таҳлил қилади» дейиш билан қадимги юнон файласуфи Арасту, мусулмон Шарқи мутафаккирлари Абу Наср Форобий ва Ибн Сино томонидан асос қилиб олинган ақлий йўналиш анъаналарига содиқ қолади. Унинг таъкидлашича, ақл моҳиятни билиш билан биргаликда айримликни англаб олишни ҳам бемалол ҳал эта олиш имкониятига эгадир. Ақл кириб бориши мумкин бўлмаган биронта жабҳа йўқ. Унинг қудратли фаолияти ва таъсирчан кучи туфайли эришилган ҳар қандай билим чексиз ва умрбоқийдир.

Умар Хайём қарашларида мантиқ илми воқеликни билишнинг муҳим қуроли, ҳақиқатга эришишнинг самарали воситаси сифатида талқин қилинади. Мантиқ илми кўмагида фикр-мулоҳазаларнинг аниқлиги, равонлиги, изчиллиги, далил-исбот билан асосланиши ҳар томонлама таъминланади. Илм-фанда, айниқса, фалсафа соҳасида барча фикр-мулоҳазалар мантиқан асосланган бўлиши лозим.<sup>8</sup>

Мутафаккирнинг назарида тил ва тафаккурнинг ўзаро алоқадорлиги, тушунчалар ва мантиқий ҳукмларнинг мақомига эътибор қаратиш муҳимдир. Умар Хайём субстанция (жавҳар), миқдор, сифат, муносабат, макон, замон, ҳолат, ҳаракат, акциденция каби категорияларни воқеий ҳодисалар муайянлигининг олий талқини деб билади. Ту-

шунчалар, ҳукмлар нарсa-жараёнлар моҳиятининг ақл воситасида ифодаланишидир. Улар ўз навбатида жинс, нав, фасл, хосса, акциденция (араз)га бўлинади. Тушунча ва ҳукмлар мантиқий тафаккурнинг муҳим шакллари бўлиб, ҳар қандай мулоқотнинг асосида ётади.

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш лозимки, «ҳужжати ҳақ» мартабасига эришган буюк аллома ва машҳур мутафаккир Умар Хайём Эрон ва Турон замонида вояга етган Абу Бакр ар-Розий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино табиий-илмий ва фалсафий анъаналарини давом эттирди, жаҳон халқлари илм-маърифат хазинасига салмоқли ҳисса қўшди ҳамда маънавий камолотни барча нарсадан юксак қўйган шахс сифатида маърифат аҳлининг дилига жо бўлди.

---

1. Қаранг: Омар Хайям. Трактатъ 1. —М., 1961. с.156-157.

2. Умар Хайём. Рубоийлар. —Т.: Радуга нашриётининг Тошкент бўлими 1985. 447-бет.

3. Қаранг: Омар Хайям. Трактаты. с.180-181.

4. Қаранг: Написанный по-персидски трактат Омара Хаями о всеобщности существования //Омар Хайям. Трактаты. —М.: ИВЛ, 1961. с.180-182.

5. Трактат "Комментарии к трудностям во введениях книги Евклида" в трех книгах, сочинение славнейшего шейха доказательства истины Абул-Фатха Омара ибн Ибрахима ал-Хайями //Омар Хайям. Трактаты. С.113.

6. Весы мудрости или об абсолютных водяных весах имама Омара Хайяма. Способ их применения и его доказательства, когда обе чаши или одна из них находится в воде. //Омар Хайям. Трактаты. С.149.

7. Қаранг: Омар Хайям. Трактаты. С.156.

8. Уйна жойда. 119-120-бетлар.

**Ғ. АЛИҚУЛОВ,**  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор

## **УМАР ХАЙЁМНИНГ ГУМАНИСТИК ҚАРАШЛАРИ**

Мутафаккирнинг тўлиқ номи Ғиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим бўлиб (1048-1122), Нишопур шаҳрида таваллуд топган. У фалсафа, фалакиёт, математика соҳасида самарали ижод қилган, лекин ўзининг рубойлари билан жаҳонга машҳур бўлди. Умар Хайём “Рисола фил бароҳин ала масойил ал-жабр вал-муқобала” (“Алгебра ва муқобала исботлари ҳақида рисола”)сини ёзган. У алгебрага бағишланган ушбу рисоласида сонлардан бутун мусбат илдиз топишнинг қондасини кашф этган. Олим Исфаҳон расадхонасига бошчилик қилган, Эрон қуёш календарини ислоҳ қилган.

Булардан ташқари, Умар Хайём фалсафага бағишланган “Рисола фил вужуд” (“Борлиқ ҳақида рисола”), “Рисола фи куллиёти вужуд” (“Борлиқнинг умумийлиги ҳақида”), “Рисолат ул кавн ват-таклиф” (“Қоинот ва унинг вазифалари ҳақида рисола”), “Наврўзнома” ва бошқа асарлар муаллифидир.

Умар Хайём рубойларини таҳлил қилишдан олдин, шуни айтиш лозимки, баъзи тадқиқотларда мутафаккирни атеист ёки мистик даражасига кўтаришди, ҳаёти ва ижодига бағишланган бадиий асарларда ўта майпараст сифатида тасвирланди. Шу муносабат билан XIX асрнинг охирларида Санкт-Петербургда чоп этилган бир тўпламдаги В.А.Жуковскийнинг фикрини келтириш мумкин: “У (Умар Хайём – А.Х.) – эркин фикр эгаси, динни бузувчи; у-дахрий (атеист) ва моддиюнчи (материалист): у – мистицизм устидан кулувчи ва пантеист; у - ҳақиқий муслмон ва файласуф, зукко кузатувчи ва олим; у – ишратпараст, фоҳишабоз, риёкор ва иккиюзламачи; у – фақат худо ва динга қарши бўлмасдан, балки динни ва ҳар қандай ахлоқий эътиқодни инкор қилувчи шахс; у - ҳаётий

лаззатларга нисбатан илоҳий нарсаларни кузатишга берилган юмшоқ табиатли одам; у — скептик-эпикурчи; у — форсларнинг Абу-л-Аласи, Вольтер ва Гейне”.<sup>1</sup> Юқоридаги фикрлардан кўришиб турибдики, Умар Хайём меросини тадқиқ қилувчилар, уни ва ижодини турлича талқин қилганлар, уларга турли мазмун берганлар.

Аслида, у даҳрий ҳам, шаккок ҳам, мистик ҳам эмас. Бизнинг фикримизча, унинг дунёқараши моддиюнчилик ғояларига бой. Умар Хайём, энг аввало, борлиқнинг объективлигини, табиатни инсон онгидан ташқарида мавжуд эканлигини таъкидлайди. Мутафаккир Худо, жаннат ва дўзахнинг мавжудлигини, Аллоҳнинг борлиқ, моддий дунё ва табиатдаги бутун ашёларнинг яратувчиси эканлигини инкор қилмайди. Шунинг учун уни атеист деб аташ тўғри келмайди. У фақат Худога турли саволлар билан мурожаат қилади, у билан баҳс юритади. Мутафаккир дунёнинг но-пойдорлиги, жамиятдаги адолатсизликлар, ноҳақликлар, жабр-зулм, ёвузлик, охират, ўлим, зўравонлик ва жаҳолат, риёкорлик, фирибгарлик ва бошқалар тўғрисида фикр юритади ва уларга жавоб излайди.

Шулардан маълумки, у дин ва Аллоҳнинг мавжудлигини инкор қилмаган, фақат диннинг хурофот ва бидъатга оид баъзи қоида ва ақидаларига шубҳа билан қараган. Умар Хайёмни мутасаввиф дейиш ҳам қийин. Зероки, унинг рубоийларида тасаввуфга оид фикрлар, кишиларни Аллоҳ васлига етишишига ундовчи даъватлар учрамайди.

Умар Хайёмнинг эътиборга молик фикрларидан яна бири шундаки, у дунёнинг абадийлигини, ундаги жисм, модда, ашё ва ҳодисаларнинг бир турдан иккинчи турга ўтиб туришини, ўзгариб, ривожланиб туришини асослаб беради. У буни инсон, тупроқ, ўсимлик мисолида ўз рубоийларида моҳирона тасвирлаб беради. Инсон ўлгандан сўнг тупроққа айланади, кулол ундан лой қилиб, кўза ясайди ёки тупроқдан турли ўсимликлар униб чиқади. Хуллас, мутафаккир дунёни доимий ўзгаришда ва ҳара-катда, диалектик ривожланишда деб билади. Ўзининг гнесеологик қарашларида борлиқнинг сиру-асрорларини билишга, ҳақиқатни англашга интилади. Лекин унинг дунёқараши изчил таълимотга асосланмаган эди. Олим Форобий син-

гари борлиқ, жамият ва инсон тўғрисида бир тизимга тушган таълимот яратган эмас.

Мутафаккир буюк гуманист эди. Айниқса, унинг инсонпарварлиги шоирнинг бутун жаҳонга машҳур бўлган рубойларида яққол намоён бўлади. Шоирнинг рубойларини ўзбек тилига таржима қилган машҳур тадқиқотчи, олим Ш.Шомухамедов, рус тилига ўгирган М.Н.Османов ва бошқалар ўзларининг илмий изланишларида Умар Хайём рубойларидаги инсонпарварлик, одамийлик, эзгулик, софдиллик, одиллик, билимдонлик ва бошқа маънавий-ахлоқий фикрларни юксак баҳоладилар.

Маълумки, Уйғониш деб аталмиш ўрта асрларда Марказий Осиё ва Эрон мутафаккирлари, олиму шоирлари инсон шахсига катта эътибор бердилар. Олимлардан Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқалар инсон ва унинг фазилатлари, етук, билимдон, адолатли, қатъиятли, зукко ва ақлли шахс тўғрисида фикр юритдилар. Ўша давр файласуф ва мутасаввифлари комил инсон қандай бўлиши лозимлиги ҳақида гапирдилар. XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий бу ҳақда шундай дейди: “Билгилки, комил инсон шундай инсонки, у шариат, тариқат ва ҳақиқат борасида етукдир ва агар буни тушунмасанг, бошқа ибора билан айтай; билгилки, комил инсон деб шундай инсонни айтамызки, унда тўрт нарса камолга етган бўлади, яъни: яхши сўз, яхши амал, яхши хулқ ва маърифат. Уни тили поку дили пок, иши ва ниятлари покдир. Эй дарвеш, илоҳ йўлини қабул этган жами солиқлар шу билан машғулдирлар ва солиқлар ана шу тўрт нарсани камолга етказса, ўзи ҳам камолга етади.

Ўрта асрнинг мумтоз шоирлари Рудакий, Саъдий, Фирдавсий, Ҳофиз, Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар асарларининг марказида инсон ва унинг юксак фазилатларини куйлаш, унинг ширинсуханлиги, жасурлиги, гўзаллиги, ахлоқий поклиги, ақллилиги, донолиги, билимдонлиги, меҳнатсеварлиги, меҳр-шафқатлилиги, сазийлиги, ўзгаларга ёрдами, бағрикенглиги, ҳалоллиги, инсоф ва диёнатлилиги, имон-эътиқодлилигини тасвирлаш турар эди.

Умар Хайём ҳам илм-фан, бадиий адабиёт ва шеърят-да кўтаринкилик юз берган шароитда, гуманистик қад-

рийтларга эътибор кучайган даврда яшаб ижод этди. Унинг илмий-тадқиқот ишлари, фалсафий асарлари айниқса, рубоийлари асосида инсон муаммоси, унинг ғам-ташвишлари, яшашдан мақсади, фикр-ўйлари, орзу-умидлари ётар эди. Мутафаккир инсон шахси ва унинг фазилатларини улуғлайди, уни ер юзидаги жонзотлар ичида энг юксаги, аълоси деб ҳисоблайди:

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,  
Ақл кўзин қораси-жавҳари ҳам биз.  
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,  
Шаксиз унинг кўзи-гавҳари ҳам биз.

Мутафаккир ўз рубоийларида нима ҳақида сўз юритмасин улар биллохири инсонга, унинг маънавияти, хулқ-одоби, фазилатларини тасвирлашга бориб тақалади.

Умар Хайём инсонга мурожаат қилиб, бу дунёда ҳа деб ғам-ташвишга берилавермасликка, ҳаётини қувноқ ва бахтиёр ўтказишга даъват этади:

Кечаги кунингни айламагил ёд,  
Эртанг келмай туриб, этма кўп фарёд.  
Ўтган келмаганга қайғурмоқни кўй,  
Қувноқ бўл, умрингни қилмагил барбод.

Зероки, Умар Хайёмнинг фикр юритишича, бу дунё ўткинчи, фоний, бир зумда ўтиб кетади. Шунинг учун инсон бир дамлик умрини роҳат-фароғатда ва шоду хуррамликда ўтказиши керак. У бу фикрини жуда кўп рубоийларида такрор-такрор айтади:

Жаҳонда ғам ема қўлингдан келса,  
Яхшимас бор — йўқдан дил дардга тўлса.  
Беш кунлик дунёда шодликда еб-ич,  
Бир дон элтолмассан хазинанг бўлса.

Умар Хайём, худди Форобий, Ибн Сино сингари, инсон бу дунёда бахтга интилиши керак, деб ҳисоблайди. Бизнинг назаримизча, мутафаккир бахт деганда хур, эркин яшашни, илм билан машғул бўлишни, ўзгаларга муҳтож ва ғарибларга ёрдам беришни, дунёнинг ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишни, дўстлар билан мулоқотда

яшашни, бойликка ҳирс қўймасликни, нодон, фосиқ, пасткаш, адолатсиз, лаганбардор, золим одамлардан урчи юришни, сахий ва бағрикенг, юксак ахлоқий фазилаг эгаси бўлишни тушунади.

Олам гардишидан ўз улушингни ол,  
Шодлик тахтига мин, қўлда май ҳалол;  
Бўйсунсанг-бўйсунмасанг, худо зор эмас,  
Оламда бахтингни ўринлатиб ол.

Демак, мутафаккир ақидасига кўра, инсон ўз бахти учун кураш олиб бориши, беғамликка, айниқса, уйқуга берилмаслиги даркор.

Мутафаккир дунёқарашида инсон ҳалол меҳнати билан машғул бўлиши, ўзининг топган бир бурда нони билан кифояланиши, ўзгаларга, айниқса, нодонларга ялинмаслиги, паст кетмаслиги ҳақида қимматли фикрлар мавжуд:

Бир нон топиб агар есанг икки кун,  
Синиқ кўзанг бўлса сув ичмак учун,  
Ўзингдан пастларга ёлланмоқ нега,  
Ўзингдек хизматин қилмоқлик нечун?!

Умар Хайём ейиш, ичиш ва кийиниш учун зарур нарсалар бўлса, бас деб билди. У ортиқчаликка тамоман қарши, инсон яшашда оз нарсаларга қаноат қилиши, зарур бўлмаган нарсаларни тўплашга интилмаслиги керак. Агар инсоннинг уй-жойи, бир бурда нони бўлса, бундай одам эркин бўлади, ҳеч кимга қул бўлмайди, шодон ҳаёт кечиради. Шунинг учун Умар Хайём ўзганинг нонига, бойлигига кўз тикмасликка, уларнинг таъна-дашномларини эшитмасликка одамларни даъват қилади:

Бир сўнгакка сордек қилғон,  
Афзалдур нокасга бўлгандан меҳмон.  
Нокасининг шиннилик нонидан яхши  
Ўзинг топиб еган бурда арпа нон.

Мутафаккир одамларни симу зар, бойлик, мол-мулк йиғмасликка, уларга ружу қўймасликка, тамаъгир ва очкўз бўлмасликка чақиради. Унинг айтишича, умр бир лаҳзада

Ўтиб кетади, инсон ҳаётии давомида йиққан бойликлари  
эса ўзгаларга қолиб кетади:

Умидлар донаси хирмонда қолур,  
Боғу роғ на санда, на манда қолур.  
Симу зар тўплама, дўстлар-ла еб-ич,  
Бўлмаса ҳаммаси душманда қолур.

Умар Хайёмнинг гуманистик қарашларида илм эгал-  
лашнинг афзаллиги ҳақидаги фикрлар муҳим ўринни эгал-  
лайди. Лекин олим илм билан машғул бўлиши учун ша-  
роит йўқлиги, ақлсиз ва нодонлар ўзини доно билиб,  
ойишу ишратда эканлигини алам билан ёзади. Маълумки,  
шоирнинг ўзи бутун умр риёзиёт ва фалакиёт билан шу-  
ғулланди, дунёнинг сиру асрорларини билишга интил-  
ди, улкан кашфиётлар қилди. Лекин у қанча илм сирла-  
рини ўрганмасин, дунёни идрок қилиш чексиз, чегара-  
сиз эканлигини, борлиқнинг ҳамма жиҳатларини, модда  
ва жисмларнинг хусусиятларини билиб бўлмаслигини  
англаб етади.

Дилим илмлардан маҳрум бўлмабди,  
Бир сир қолмадики мавҳум бўлмади.  
Туну кун ўйладим етмиш икки йил,  
Онгладим — ҳеч нарса маълум бўлмабди.

Умар Хайём дунёнинг жуда кўп сирларини ўрганган-  
лигини, лекин битта сирни, яъни, ажал сабабини еча  
олмаганидан афсусланади.

Мутафаккир инсон ва унинг қадр-киммати, фазилат-  
лари, инсон камолотига халақит берувчи, уни шод ва хур-  
рам яшашни учун халал берувчи тубан ва ярамас хатти-  
ҳаракатларни фош қилади. У худо оламини ноқис ва адо-  
латсиз яратганлигидан, дунёда ноҳақлик ва ситам кўпли-  
гидан нолийди.

Тўғрилиқ бўлсайди фалакнинг иши,  
Ёқтирган бўларди уни ҳар киши.  
Дунёнинг ишида бўлса адолат,  
Бўлмасди донолар қўнглин оғриши.

Шунга қарамасдан, у инсонни юксак қадрлайди. Ун-  
данги дўстлик, аҳиллик, вафодорлик, билимдонлик, эр-

кинлик, муҳтожларга ёрдам, гурур каби сифатлар ҳақи сўз юритади.

Умар Хайём, айниқса, кишилар орасидаги дўстлик ва аҳилликни улуғлайди. Унингча, агар инсонлар орасида аҳиллик кучли бўлса, уруш-жанжаллар, адоват ўзбошимчалик, адолатсизлик ва ноҳақликка ўрин қолмайди. Шунинг учун мутафаккир ноаҳил кишилар билан суҳбат қурмасликка, улардан узоқда юришга кишиларни даъват қилади, дўстликни, инсонийликни юқори чўққи деб билади:

Дўстлар, иноқликни қилингиз одат,  
Тез-тез дийдор кўриб, ўзни айланг шод.  
Соқи тоза майни сузганда айланг,  
Мен бечорани ҳам дуо билан ёд.

Шу муносабат билан Умар Хайёмнинг майга, ичкиликка муносабати ҳақида бир-икки оғиз фикр билдириш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. Сир эмаски, Шўролар давридаги баъзи тадқиқотларда, бадий асарларда, хорижий илмий адабиётда шоирнинг ичкиликка муккасидан кетганлиги, майпараст ва ишратпараст эканлиги ҳақида ёзилган.

Дарҳақиқат, мутафаккир ўзининг “Наврўзнома” рисоласида майнинг шифобахш хусусиятлари, инсон соғлиғига фойдаси ва зарари ҳақида сўз юритади. Шоирнинг айтишича, май инсонийликни кучайтиради, ақлни чархлайди, дўстликни кучайтиради ва ҳ.к. Мутафаккирнинг айтишича, “Доно одам шундай ичиши зарурки, унинг таъби гуноҳидан кўпроқ бўлсин, қийналмаслик учун у ўз руҳиятини шундай тарбиялай-дики, ичишни бошлаганидан то тугагунча унда на сўзлари ва на хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай кўполлик ва ёмонлик намоён бўлмайди, фақат яхшилик ва қувноқлик бўлади. У шу даражага (мақомга) етганидагина май ичиши мумкин”.<sup>3</sup>

Умар Хайём ўз рубоийларида май тимсолидан ҳаётдаги салбий иллатлар, адолатсизликнинг турли кўринишлари, зулм-истибодга қарши кураш қуроли сифатида фойдаланади. У май тимсоли орқали бу дунё роҳат-фароғати, ҳаёт лаззатлари, шоду-хуррамлик, қувноқлик ва хушчақчақлик, бахт-саодатни тараннум этади.

Энди мутафаккирни бевосита майга муносабатини

қарайдиган бўлсак, у май ичишни инкор қилмаган, уни инсон танаси учун фойдали томонларини кўрсатиб берган. У худди Ибн Сино сингари, май истеъмол қилишда меъёрга амал қилишни, оз-оз ичишни, унинг кўпи заҳарга айланашини таъкидлаган:

Ичганда ақлдан бегона бўлма,  
Эс жўйиб, жаҳлга сен хона бўлма.  
Истасанг қизил май ҳалол бўлишин,  
Ҳеч кимни ранжитма, девона бўлма.

Умар Хайём ўз рубоийларида инсонга берилган умрдан унумли фойдаланишга, фурсатни қўлдан бой бермасликка, бир дақиқа вақтни бекорга кетказмасликка кишиларни даъват қилади. Инсон ўз ҳаёти давомида сахий ва бағрикенг бўлиши, ўзгаларга ёрдам бериши, уларни ранжитмаслиги, ғариб ва бева-бечораларни қўллаб-қувватлаши лозим:

Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод,  
Яхшидир ер юзин қилгандан обод.  
Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,  
Афзалдир юз қулни қилгандан озод.

Хуллас, Умар Хайём худди Рудакий, Фирдавсий, Ҳофиз ва Жомийлар сингари инсонпарвар шоир эди. У халқ орасида эзгулик, одамийлик, ҳалоллик, адолат, меҳнатсеварлик ва бошқа умуминсоний қадрият-ларни тарғиб қилади. Унинг бу ғоялари асрлар мобайнида инсониятга хизмат қилиб келмоқда. И.С.Брагинский ва А.Н.Болдиревлар “Гуманистик йўналиш поэзиясининг ҳақиқий асосчиси улуг математик Умар Хайёмдир” деб бежиз айтмаган эдилар.

1. В.А.Жуковский. Омар Хайям и странствующие четверостишия, - Сб, “Музаффарийа”, СПб, 1897. с.320

2. Шайх Азизиддин Насафий. Комил инсон. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 йил 14 август.

3. Умар Хайём. Наврўзнама. -Т., 1990. 477-478-бетлар.

**А. КУРБАНМАМЕДОВ,**  
доктор философских наук,  
профессор

## **ФИЛОСОФСКО-ЭСТЕТИЧЕСКОЕ СОДЕРЖАНИЕ МГНОВЕНИЯ В ТВОРЧЕСТВЕ О. ХАЙЯМА**

Омар Хайям, будучи поэтом, ученым, философом по масштабу и глубине своего творчества, по направленности и исторической значимости всей деятельности, открыл новую страницу в художественно-философском осмыслении мира.

Наследие О.Хайяма безгранично по обилию живых идей для нашего времени. Актуально и свежо звучат его мысли, становясь слагаемыми процесса гуманизации общепланетарного бытия, наполняя ощущение чистоты и надежды, давая возможность почувствовать всю глубину своей духовной жизни.

Наиболее ощутима идея, которая исходит из всего творчества Омара Хайяма, - постичь мир как целое. Из всей структуры четверостишия поэта направленной на поиски правды и смысла жизни, рождается идея постижения мира как целого. Эта идея обретает определенную конкретность в повседневном и многолетнем стремлении человека соединить интеллектуальное и чувственное начала в осмыслении мира, который иногда из-за мелочных устремлений утрачивает потребность в целостном взгляде на мир. Всем своим творчеством Хайям утверждает, что мир может быть адекватно понят и усвоен лишь в процессе целостного интеллектуального и чувственного его восприятия. Это представление переплавляется у него в поэтическую метафору — “Олам” — мир.

У О.Хайяма идея познания “целостности мира” связана с познанием радости бытия. Эта идея не имеет ничего общего с представлением о радости как душевной и физической святости. Хайямовская “радость бытия” от-

крывает дверь в сферу подлинных гуманистических отношений между людьми. Поэтому неудивительно, что в четверостишиях О.Хайяма мы не найдем диссонирующих нот, тоски по жизни, отказа от реальной жизни, монохронности, напряженной контрастности, как это встречается у других поэтов. Его четверостишия ориентируют человека на внутренние переживания бытия человека через “мгновение”. “Мгновение” — основной мотив в четверостишиях Хайяма. Его “мгновение” не плачет, не давит, оно легко и свободно постигается, приводя к познанию гармонии красоты мира. “Мгновение” — это способ выхода в сферу радостного бытия, связан также с развитием внутреннегo тяготения людей (разных наций, религий, культуры) друг у другу.

“Мгновение” и его познание — важный показатель духовного роста человека и способ объяснения людям смысла жизни: для чего и во имя чего человек на земле. Хайям, открыв для себя идею мгновения, следовал ей до последних дней своей жизни. В результате перед нами живая, пронизанная гуманистической мыслью художественная философия, близкая и понятная каждому человеку.

В четверостишиях О.Хайяма мгновение и вся жизнь отдельного человека отождествляются. Поставив человека в центре своего творчества, О.Хайям считает его самым прекрасным явлением природы и самым сильным существом из всех существующих явлений природы. Он силен разумом и духом. Но человек, как явление частное, слаб перед миром в целом. Он не может бороться против “текучести” мира, противостоять всеобщему движению. Поэтому философия и эстетика Омара Хайяма ориентируют человека на мир земной, заставляют его смотреть на жизнь и на мир очами разума и сердца, любить жизнь, не отказываться от самого себя, от друзей и быть влюбленным в сегодняшнюю жизнь. Не случайно Омар Хайям отвергает стойческую жертвенность. Подходя к оценке жизни отдельного человека с эстетических позиций, он очень остро ощущал ее кратковременность скоротечность, текучесть и мгновенность. Поэт стремится запечатлеть мгновение, тем самым приобщить к вечности. Само существование человека — мгновение перед лицом вечности.

Бегут за мигом миг и за весной весна!  
Не проводи же их без песен и вина  
Здесь в царстве бытия нет блага выше жизни,-  
Как проведешь ее, так и пройдет она.

*(Перевод О. Румера)*

Поэтому перед неизбежным исчезновением всего существующего надо ценить мгновение, которое ассоциируется у него с жизнью в целом. Человек должен отчитываться за утраченные дни, часы, минуты, секунды. Подобное философско-эстетическое отношение связано с высоким пониманием ценности жизни, с ощущением значительности, важности каждого момента ее. Человек должен ловить каждое ее мгновение, ибо его никогда уже не вернуть потом. Можно согласиться с А.Кристен-сеном, который считал, что философия О.Хайяма выражена в принципе ("лови день"), в призыве - лови мгновение.<sup>1</sup>

Философско-эстетическое восприятие мгновения, времени у О.Хайяма пронизано чувством радости, оптимизма. Не случайно столь значительное место занимает в его поэзии тема наслаждения жизнью. Настоящая любовь к жизни привела поэта к глубоко продуманной философско-эстетической концепции - «в царстве бытия нет блага выше жизни». Хайям возвеличивает лишь одну форму человеческой жизнедеятельности жить ради жизни. Если Носир Хисрав со всей решительностью выступал против гедонистической функции красоты и поэзии, то Омар Хайям направлял красоту и поэзию в гедонистическое русло. Жизнь для него прежде всего имеет гедонистическую ценность. Наслаждение жизнью, проповедуемое Хайямом, не грубое, не физиологическое, плотское, а художественно-эстетическое. Оно возникло как реакция на существующий взгляд современников, их отрицательное отношение к гедонизму, их отказа от красоты и радости земной жизни.

Из понимания всеобщей текучести жизни в мире вытекает хайямовская эстетическая концепция. Прекрасное - это сегодня, сиюминутность. К тому же прошлое безвозвратно ушло, а будущее, завтра нам непонятно и непостижимо. Конечно, «сегодня» Омара Хайяма нельзя пони-

мать в буквальном смысле. Его «сегодня» охватывает и всю жизнь человека, что часто совпадает с понятием «мгновение». В нем силой поэтического воображения соединяются микромир с макромиром, человек с универсумом. Поэтому «сегодня» и «мгновение» выступают у О.Хайяма как гносеологическая и ценностная категория одновременно. Через «сегодня» человек может познать вечное и всеобщее. Человек, не осознающий «сегодня» и не доходящий до его сути, остается в плену мрака и способен только на совершение зла. «Сегодня», как и «мгновение», должно осознаваться не только разумом, но и чувством, воображением, интуицией. Это отвечало бы интересам Истины, Добра и Красоты.

В четверостишиях О.Хайяма реальный мир и человеческая жизнь рисуются во всей их объективной противоречивости и сложности. Его охватывает восторг перед миром и его проявлениями: то он безобразен в своей разорванности, своей дисгармоничностью, то он бремен, то он вечен, то статичен, то динамичен, то он добр, то зол. Мир выступает как совокупность противоречий во всем его эстетическом многообразии. Не случайно в четверостишиях Хайяма мы встречаем такие поэтические определения как «счастливый мир», «сердечный мир», «прекрасный мир», «старый мир» «надменный мир», «древний мир», «мир-океан», «обманчивый мир», «печальный мир» и т.д и т.п. Понятие мира у Хайяма приобретает широкое онтологическое и ценностное значение. Оно включает в себя не только природу но и космос в целом, не только человеческое общежитие, но и человеческие взаимоотношения и его творения. Но в центре хайямовского мира всегда стоит человек.

Мы - цель и высшая вершина вселенной.  
Мы - наилучшая краса юдоли брэнной.  
Коль мирозданья круг есть некое кольцо,  
В нем без сомненья, мы - камень драгоценный.

*(Перевод О.Румера)*

Противоречивость мира Хайямом была осознана как источник, как секрет всякого изменения и движения в

мире. В противоречии он находил ответ на загадку мира и этим прославился среди ученых своего времени. Он писал «этот спор со мной по вопросу необходимости противоречия возвысил мою славу, возвеличил мое дело и послужил причиной моей чистой благодарности всевышнему аллаху, так как я и не предполагал, что зададут подобные вопросы и притом таким образом, который вызван сильным волнением».

Конечно, Омар Хайям не расщеплял человека на духовное и плотское, социальное и биологическое. В человеке, по Хайяму, соединены, слиты воедино бренное и вечное, божественное и земное, рациональное и чувственное, прекрасное и возвышенное, ангельское и сатанинское. Только такой человек способен к познанию жизни в целом. Отсюда проистекает философско-эстетическая позиция, основанная на признании ценности человека, важности его места в мире, что влечет за собой не аскетическое отношение к жизни, а приятие земного бытия во всем многообразии его проявлений с его призывом к добрым человеческим деяниям. Омар Хайям не приемлет двойственного предназначения человека и двух видов человеческого блаженства при жизни и после смерти. Он признает эстетическую ценность земного человеческого существования, земной красоты, которой человек может достичь собственными устремлениями своей деятельностью. Поэт предпочитает есть хлеб ячменный, добытый собственным трудом, чем шербет у презренного бездельника.

До каких пор тебе пред низким склоняться головой?  
Зачем ты кружишься, как муха над нищей даровой?  
Ешь за два дня одну лепешку, добытую трудом!  
Питаться кровью сердца лучше, чем хлеб вкушать чужой.

*(Перевод О. Румера)*

Так, Омар Хайям через осмысление места человека в мире приходит к пониманию красоты человека и жизни.

В эпоху невиданной интенсификации и компьютеризации во всех сферах жизни человек как бы отдаляется от реального, божественного мира. Традиционные ценности

- нравственность, мудрость, красота, вера, да и культура в целом - подвергаются реформированию, а информация, техника становятся как бы важнейшими компонентами жизни человека. И в то же время познание человека самого себя, природы, общества, религии и мира в целом.

Отношение человека к миру становится как бы искусственным. В этом плане творчество великих деятелей культуры прошлого, и прежде всего Омара Хайяма, можно рассматривать как духовное завещание грядущим поколениям.

Хайям своим творчеством уводит человечество в сторону света, радости, а его благоговение становится основным принципом подлинного гуманизма и способствует формированию общечеловеческих культурных ценностей.

---

1 Цит. По кн.: Морочник С.Б. Философские взгляды Омара Хайяма. Сталинабад, 1952. С.64.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор

## АБДУРАУФ ФИТРАТ УМАР ХАЙЁМ ТАДҚИҚОТЧИ- СИ

XX асрнинг бошларига келиб улуг шоир, ҳаким, файласуф ва мунажжим Умар Хайём рубойилари нафақаг шарқ ўлкаларида, балки ғарбий Оврупонинг Германия, Австрия, Англия, Франция, Венгрия каби тараққийётга эришган ўлкаларида жуда машхур бўлиб кетди. Бунинг боиси XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб машхур инглиз шоири Эдвард Фицджеральднинг эркин таржимаси билан шу асрнинг охирига қадар шоир рубойилари мажмуасининг қарийб 25 марта чоп этилганлигидир. Умар Хайёмнинг математика илмига доир асарлари эса, дастлаб Парижда (1851) Франц Вёпке томонидан “Умар ал-Хайёмнинг алжабри” номи билан нашр этилиши унинг олим сифатида Оврупога танилишига сабаб бўлган.<sup>1</sup> 20-йилларнинг бошларида мана шу мавзу қайта жонланиб, жаҳон илмий жамоатчилиги ва шоирни билган ғарб олимлари унинг 880 йиллик (кўпгина ғарб манбаларида унинг таваллуди 1048 йил деб кўрсатилган) юбилейига тайёргарлик кўра бошладилар. Бизнингча, Фитратнинг “Қизил қалам” мажмуасида босилган мақоласи ҳам мана шу сана муносабати билан ёзилган.<sup>2</sup>

Оврупода Умар Хайём мавзусининг қайта жонланиши 1925 йили Берлинда Ф.Розен томонидан “ҳаким Умар Хайём рубойилари” мажмуасининг нашр этилиши билан боғлиқ. 1904 йилда Умар Хайёмга нисбат берилган рубойиларнинг аслини излашга А.Кристенсен исмли инглиз олими киришган бўлиб, орадан 23 йил ўтгандан кейин ушбу олим ўзининг кўп йиллик тажрибалари натижасини эълон қилган. Унинг аниқлашича, шоирга нисбат берилган минглаб рубойилардан атиги 121 таси Умар Хайём қаламига мансуб бўлиб, қолганлари турли даврларда унинг номидан ўқилиб юрган тўртликлардан иборатдир. Натижада, 20-

30 йиллар бўсағасида ғарб мусташриқлари орасида Умар Хайём рубоийларида муаллифлик масаласи, уларда акс этган дунёқараш ва шоир ҳаёти саналарига оид мунозаралар бошланиб кетди. Бу йўналишда можар олими Б.Силлик, олмон олими Х.Ремпис қарашлари анча илмий ҳақиқатга яқинлиги билан ажралиб туради.<sup>3</sup> Шунга қарамай, Умар Хайём таржимаи ҳолига оид маълумотларда ўти ҳар хил ва чалкаш фикрлар мавжуд бўлиб, Ф.Розеннинг юқорида тилга олинган сўзбошисида ҳам бунинг изларини сезиш мумкин. Сўнгги асарни синчковлик билан ўрганган Фитрат “Умар Хайём” номли мақоласида дастлаб Ф.Розен қарашларини қабул қилган, Хайёмнинг асосий асарлари рўйхатини тузишда мана шу манбага таянган. Мақолада кузатилишича, Фитратни ҳайратга солган нарса бир шарқ олими ва шоири ҳақида ғарб мутахассисларининг “бунчалик қизиқиш билан фикр юритиши”дир. Бу жиҳатдан Фитрат ғарб олимларининг мулоҳазаларини ўзинча тўлдирмоқчи ҳам бўлган. Низомий Арузий Самарқандий, Шайх Нажмиддин Розий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқа алломаларнинг асарларидан олган маълумотларни Ф.Розен қарашлари билан қиёслаб, Умар Хайёмнинг ҳаёти, асарлари ҳақида нисбатан батафсил хабар берувчи мақола тайёрлаб, “қизил қалам” уюшмасига топширган. Бу ҳақда Фитратнинг ўзи: “Форсларнинг бутун дунёда машҳур бўлган шоирларидан Умар Хайём ҳақида “қизил қалам” мажмуасига бир мақола ёзган эдим. Унда Ойрупа олимларининг Хайёмнинг таржимаи ҳоли ҳақида қандай маъхазларга мурожаат қилганини кўрсатган, ўзим ҳам шуларнинг изидан юриб, Хайём таржимаи ҳолини собит бир шаклга киргишига тиришган эдим”.<sup>4</sup>

Мақола нашрга топширилган бўлса ҳам Фитратнинг илмий изланишлари давом этди. Натижада, Хоразмда араб тилида ёзилган Имом Заҳириддин Абул Ҳасан ал-Байҳақийнинг “Татимату-с-савон ал-ҳикма” (“ҳикматли воқеаларнинг давоми”) китоби қўлга киритилди. Асарнинг ёзилган тарихи (ҳ.594. - м.1198) Умар Хайёмнинг ҳаётлик даврига яқин бўлгани учун бу китобдаги маълумотларнинг ишонарли эканига Фитрат қаноат ҳосил қилган. Маълум бўлишича, бу 119 бетли китобча Абу Салим Муҳаммад ибн Баҳром ал-Сажзийнинг “Савон ал-ҳикма” асарини

тўлдириш учун ёзилган. Бу китобдаги маълумотлар ғарб хайёмшунослигидаги айрим фикрларни “чурутиши”ни яхши ҳис қилган олим, дастлабки мақолани қайтариб олиш учун “қизил қалам” уюшмасига борган. Бахтга қарши мақола матбаада териб қўйилгани учун уни қайтариб олишнинг иложи бўлмаган. Шунинг учун ҳам Фитрат мақолани қайта ишлаб янги бир рисола ҳолига келтирган. Шундай қилиб, олимнинг 1929 йилда эълон қилинган “Форс шоири Умар Хайём” рисоласи яратилди. Бу асарнинг ёзилишидан мақсад, биринчидан, хайёмшуносликни нотўғри тасаввурлардан сақлаб қолиш ҳамда ўзининг айрим нотўғри талқинларга “шерик” бўлиб қолмаслигини таъминлаш, иккинчидан, илм аҳлини янги топилган манбадан хабардор этишдан иборат.

“Форс шоири Умар Хайём” рисоласи куйидаги қисмлардан ташкил топган: 1. Форс адабиётига умумий бир қараш. 2. Умар Хайёмнинг ҳаёти. 3. Хайёмнинг асарлари. Хайёмнинг маслағи ва хулоса қисмидан иборат. Киришда Фитрат ўз рисоласига янги топилган “Татимату с-савон ал-ҳикма” китобчасининг Хайём ҳақида сўзларини арабча ибора билан китобнинг охирига қўшиб қўйганини қайд этган бўлса ҳам, нашрда бундай иловаларни учратмадик. Эҳтимол, матбаа етишмовчилиги туфайли бу иловалар нашр этилмай қолиб кетган бўлса керак. Эҳтимол, бизгача сақланмаган бўлиши мумкин.

Фитратнинг илмий услубига хос сифатлардан бири олим қайси мавзуда асар битган бўлмасин, дастлаб ўша адабий ҳодисанинг вужудга келишига сабаб бўлган омилларнинг айни давр воқеаларидан излашидир. Унинг мавзу билан боғлиқ энг муҳим нуқталарни белгилаб олганидан сўнг, олим бевосита бадий асарларининг талқинига киришган. Рисолада “бизнинг адабиётга, хусусан, турк адабиётига таъсир этгани форс адабиётининг исломдан кейинги шакли” бўлганлигидан уммавийлар давридаги форс тили адабиётнинг шаклланишига таъсир кўрсатган тарихий омиллардан сўз очилган. Араб халифалиги ичидаги уммавийлар ва алавийлар ўртасидаги низолар натижасида уммавийларга қарши буюк исёнлар чиқишига сабаб бўлган. Бу исёнларда Абу Муслим Хуросонийнинг ғалабаси маълум маънода “муфрид арабчилик” ичида форс тили мавқ-

еининг тикланишига сабаб бўлган. Айниқса, аббосийлар сулоласи даврида пойтахтнинг Шомдан яқинроқ Боғдодга кўчирилиши, вазирликнинг эса, асли эронийлардан бўлган бирмакийлар сулоласига ўтиши билан “Форс тили ҳам ўз ёқасини арабча тааддидан қутқара бошлаб”, бадий асарларни ўз она тилларида ёза бошлаганлар. Ана шу муносабат билан форс адабиётининг кўтарилиши, Фитратнинг тилқинича, шеърятдаги турли жанр ва шаклларда акс этган.

Рисолада маснавий, қасида, ғазал ва рубоийларга жанрий тавсифнома ҳам берилган. *Маснавийда* “ҳар икки мисранинг махсус мустақил қофияси шарт бўлгани” учун ҳам шундай номланиб, форс адабиётида араб таъсирига қадар ҳам мавжудлиги айtilган. Бироқ араб истилосидан сўнггина “маснавий” номи билан махсус шеърий шакл сифатида қўлланиши фаоллашган. Маснавий, асосан, эпик асарлар бўладиган шеър шакли бўлиб, у форс шоирларидан Бўшағур Балхий, Дақиқий, Рудакий ва кейинроқ Асадий қимда Фирдавсий ижодида қўлланилган.

*Қасида* бир қофия билан айtilган мазмундан иборат бўлиб, у араб шеърининг эски намунасидир. “Арабларда қасидачилик исломдан бурун бор эди. Форсий шоирлар бу шаклни араблардан олган”. Бу жанрнинг нисбатан қадимги форсий намунаси сифатида Фитрат Абул Аббос Марвзийнинг аббосий халифаларидан Маъмунга, унинг Марвги кириши муносабати билан ёзилган қасидасини кўрсатади. Сўнгра Эрон ва Мовароуннаҳрда араб халифат Марказидан ажралган мустақил ҳукуматлар тоҳирийлар (821-873), сомонийлар (875-999), ғазнавийлар (999-1030), салжукийлар (1018-1141) ва хоразмшоҳлар (1156-1221) даврида форс тилли сарой адабиётида бу жанр бир мунча кўчайган. Фитрат Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг сарой шоири Абу Язид Ҳазорийнинг қасидасида кўплаб ҳаяттортиқ олганини қайд этаркан, қасидадан таъсирланган султон унга ҳадылар беришга шунчалик берилиб кетганки, бу ишдан султонни тўхтатиш учун шоир унга янги бир “қасидаи Ломия” ёзганини кўрсатади.

*Ғазал* худди қасида каби араб шеърятидан қабул қилинган бўлиб, “ишқий савдо, гўзаллик, шароб мавзудари”да ёзилган. Қасида, маснавий билан машғул бўлган

форс шоирлари ғазал ҳам ёзар эдилар. Бироқ Фитратнинг англишича, “ғазалчилик йўли қасидачилик мўдалан чиққандан кейин яхшироқ кўтарилган”. Форс адабиётида машҳур Саъдий Шерозий “қасидачиликқа қарши исён байроғини кўтариб, ғазалчиликни илгари бостирмоқ истаган”.

Ниҳоят, форс шеърлятида муҳим ўрин тутган шакллардан бири *рубойидир*. Фитратнинг аниқлашича, “шарқшунос олимлар орасида форс адабиётида рубой шаклининг энг бурунги турк шеърларининг таъсири билан майдонга келганлиги ҳақида баъзи фикрлар бор. Адабиёт ҳоидачиларининг айтганларига кўла, рубойининг энг кучли, энг чиройли қисми тўртинчи мисрада бўлади. Рубойининг мақсади ҳам шул тўртинчи мисрада ифода қилинади. Бу ҳол туркларнинг халқ шеърларида ҳам кўринади. ҳатто, бизнинг халқ шеърларимиз орасида 1, 2, 3 мисраларининг тамом муносабатсиз кўриниб, асл мақсад 4-мисрада ифода қилинган тўртликлар бор. Мана буни назарга олганда рубой маншайни бурунги турк адабиётидан охтарганларга ҳақ бериш керак бўлади”.<sup>5</sup>

Ушбу шеър шакли форс адабиёт ида дастлаб Рудакий ижодида кўрингани каби Маҳмуд Ғазнавий мажлисларида ҳар бир мисраси бир шоир томонидан айтилган “жамоа рубойлар”ни (масалан, Унсурий, Асжадий, Фаррухий ва Фирдавсийнинг бир рубойси) ҳам келтирилган. Абу Саид Абул Хайр, Абу Саид Баргаш Шерозий, Абул Ҳасан Харақоний, Ибн Сино, Абул Фараж Руний, Абу Наср Форобий, Аршадий-Самарқандий каби рубойнавис шоирлар ўтган бўлса ҳам, лекин “рубойчиликда ўзини бутун дунёга танита олган бирдан бир шоир машҳур Умар Хайёмдир”.

Рисолада баён қилинган тарихий-адабий давр тавсифи Умар Хайём ҳаёти саналарини тўғри белгилашда, унинг муҳитини тушунишда ва асарларида акс этган фалсафасини англашда ёрдам беради. Хайёмнинг ҳаётига оид турли хил ривоят ва ҳақиқатлар мавжуд бўлиб, ҳар бир олим ўз қўлига кирган манбани ягона тўғри деб қабул қилиши натижасида шоир таржимайи ҳоли жуда ранг-баранглашиб кетган эди. Бу ҳолат айрим ҳолларда шоир ҳаётига оид ҳақиқатнинг юзага чиқишига монелик қилган. Шу билан бирга “бу зотнинг таржимайи ҳоли ҳақида ёзилган

бир нарса эски манбалар орасида йўқлиги” бу жараёни мураккаблаштирган. Фитрат шоир насабини тўғри белгилашда бошланган: “Ҳаким Абул Фатҳ Умар ибни Иброҳим Хайём исмидан “Хайём” сўзи арабча бўлиб, хаймачи, чодирчи демакдир... Арабча ёзилган баъзи маъхазларда ҳам ўзи ёзган “Жабр ва Муқобила” китобининг муқаддимасида унинг лақаби “Хайём” эмас, “ал-Хайёмий” шаклида ёзилган, бундан “Хайём” сўзининг Умар учун касботи эмас, оилаоти (фамилия) бўлиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас”,<sup>6</sup> деган хулосага келади.

Умар Хайёмнинг Нишопурда туғилгани Зикриё Қазвиний, Шамсиддин Шарҳзорий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқа олимларнинг тазкираларида зикр қилинган. Бироқ Ф. Розеннинг талқиқотида “Тухфату-ш-шомия” номли астрономия китобидаги “Ижтамаа фи ҳазратий жамоатун мина-л-ҳукамо ва минқум Умар ал-Хайём ал-ҳаким ал-Лўкарий” (Мазмуни, бир жамоа ҳакимлар, файласуфлардан йиғилдилар. Умар Хайём, Ҳаким Лўкарий шулар жумласидандир) жумласига асосланиб, шоирнинг Лўкарда туғилганини тасдиқлайди. Доктор Ф. Розеннинг бу маълумотини янглиш манбадан кўргани учун эмас, балки юқоридиги иборалардан биргина шоир исмини чиқаргани учун Фитрат уни танқид қилган. Аслида эса, Фитратнинг аниқлашича, бу ерда шоир Умар Хайём билан бирга бўлган ҳаким Лўкарий исми ҳам қайд этилган. Бу даъвони исботлаш учун Фитрат янги топилган “Татимату-с-савон ал-ҳикма” китобидан Султон Малик-шоҳ-Салжуқий ҳузурда Абул Аббос Лўкарий исмли файласуф ҳам бўлганини топиб эслатган. Бунинг иккинчи бир тасдиғини салжуқий султонлари тарихига оид китобларда, хусусан, машҳур Низомулмулкнинг “Сийёсатнома” китобида ҳам келтирилган эди.

Умар Хайём ҳақида маълумот берган манбалар уни турли хил тавсифлар билан тавсия этадилар. Масалан, “Тухфату-ш-шомия” муаллифи Хайёмни бир ҳайъат олими, Ниюмий Арузий бир мунажжим, Шайх Нажмиддин Рошӣ эса, “Мирсоду-л-ибод” китобида бир даҳрий файласуф деб кўрсатган. Давлатшоҳ Самарқандий ҳам “бир ҳаким ва мунажжимлик сифати” билан тилга олиб, унинг шоирлигидан гапирмаган. “Нусхату-л-арвоҳ” китобида салжу-

қий ҳукмдорларидан Султон Санжар болаликда касал бўлган ва Умар Хайём табобати билан шафо топгани айтилган. Мана шундай турлича касбдаги “Умар Хайёмлар”га нисбатан унинг бевосита шуғулланган илмлари ҳақида аниқлик киритиш вазифаси ҳам Фитратнинг зиммасига тушган. Олимнинг аниқлашича, “Умар Хайём ёлғуз ҳайъатшунос (астроном) бўлиб қолмаган, у табиб ҳам бўлган... табибликка оид турли рисолалар таълиф қилган. Бундан ташқари Умар Хайём “луғатда, фикрда, тарихда катта маҳорат эгаси бўлган”. Салжуқий султонларидан Санжарнинг исмига “Китоб маfoхир ул-атроқ” (“Туркларнинг мақтанарлик сифат-лари”) номли асар ёзган. Шунингдек, Фитрат Хайёмнинг “Зубдат ул-ҳақойиқ” номли тасаввуф ва юнон фалсафасини умумлаштирган бир китоб ёзганини ҳам қайд этган. Илмдаги кейинги маълумотларга кўра, бу асар Умар Хайёмнинг эмас, балки улуг тасаввуф адиби Азизиддин Насафийнинг қаламига мансублиги исботланган. Тасаввуфшунос олим Н.Комилов бу асарни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, сўзбоши ва изоҳлар билан нашр эттиргани туфайли бу илмий ҳақиқат ўз тасдиғини топди.<sup>7</sup> Олям Умар Хайёмнинг ҳаётига оид маълумотларни, турли маъхазлардаги фикрларни ўзаро солиштириши натижасида “шоирнинг Нишопур, Балх, Исфahонда бўлгани, Бухоро ҳукмдори ҳoқон Шамсу-л-мулук томонидан катта эҳтиромлар кўргани” ҳамда кейинроқ ҳажга борганини аниқлайди. Фитрат талқинидаги олим шунчаки хонанишин шахс бўлмай, “подшоҳлар ёнида сўнг даражада ҳурматли бўлиб турганидан унинг дўстлари билан душманлари бир оғиздан хабар берадилар”. Айниқса, Султон Маликшоҳнинг яқин надими, тақвимни ислоҳ қилган, “Тақвими Жалолоий” номли янги тақвим тузгани маълум. Ҳатто, унинг бир расадхона қурдиргани ва Маликшоҳ даврида бу расадхона ишга туширилиб, осмон жисмларини ўрганувчи марказга айлангани ҳам аниқланган. Шундай буюк дабдаба билан ҳаёт кечирган олим ва шоир, бадавлат инсон (“Нусхату-л-арвоҳ”нинг муаллифи унинг тиш тозалайдиган мисвоки олтиндан бўлганини ёзган), кўпинча, “қовоқлари солинган, қайғули кўзларини қаёнларгадир тиккан, ҳатто, баъзан кимгадир газабланган бир ҳолда кўринадир”. Ҳақиқатан айрим манбалар

Фитрат аниқлаган бу сифатлар Хайёмга бегона бўлмаганини тасдиқлайди.

Шарқда машҳур ривоятга айланиб кетган Имом Ғаззолий билан Умар Хайёмнинг учрашуви унинг шундай аслбий, тор кўнгилли бўлганини тасдиқлайди. Имом Ғаззолий Хайёмдан ҳикматга оид бир масала сўраган, Хайём мақсадга яқинлашмасдан гапни ҳадеб чўзаверган. Имом Ғаззолий ундач ранжиб, даврани ташлаб чиқиб кетган. Мана шу воқеани дастлаб Фитрат Байҳақийнинг китобида кўрган ва бу ривоятнинг бизнинг асримизда машҳур бўлишида озми-кўпми ўз ҳиссасини кўшган. Умар Хайёмнинг ҳаётига оид Фитрат аниқлаган маълумотларни жамсалак, ҳақиқатан ҳам у рубойлари сингари очиқ, содда бир инсон эмас, балки кўз ўнгимизда шахси ниҳоятда мураккаб бўлган салобатли олим сифатида гавадаланади. Тассуфки, Умар Хайём шахсидаги мана шу хулқлар кейинги даврда у ҳақда яратилган бадиий ва илмий-биографик асарларда акс этмаган. Фитрат тадқиқотида Умар Хайёмнинг аниқ фанларга оид асарлари кенг таҳлил этилмаган. Шунга қарамай, бу мураккаб файласуф шоирнинг асарларида акс этган дунёқараши масаласига аниқлик киртиш мақсадида унинг қатор илмий асарлари тилга олинган. Бу ҳақдаги кўплаб қимматли маълумотларни Тожикистонда нашр қилинган “Умар Хайём. Шоир, файласуф, олим” китоби орқали ўрганиш мумкин. Умар Хайёмнинг филология, айниқса, математика соҳасидаги кашфиётлари хорижий олимлар томонидан тан олинган бўлиб, Ф.Кўпке-нинг таржимасидан кейин инглиз олими Д.Тасси, украин Ваценко-Захарченко ҳамда Россияда А.П.Юшкевич, Б.Розенфельднинг тадқиқотлари ва таржималарида Умар Хайём асос солган математика мактаби чуқур таҳлил қилинган.<sup>8</sup>

Умар Хайём рубойларининг миқдори ва муаллифлиги масаласи, яъни, уларнинг ҳаммаси ҳам Хайёмники эмас, деган қарашлар шарқда ҳам, ғарбда ҳам мавжуд. Умар Хайём рубойларининг таржимонлари Э.Фицджеральд, Х.Пурчшал, Герсен де Тасси ва бошқалар ўз руҳиятига яқин рубойларни танлаб олиб, таржима қилганлари учун “асл рубойлар”ни топиш ва тиклаш ишига таржимон-лардан кўра олимлар кўпроқ қизиққанлар. Рус мусташриқи В.Жу-

ковскийнинг бу асарларга нисбатан, “сайёр рубойлар” истилоҳини қўллаши бежиз эмас. В.Жуковский 1867 йили Парижда Ф.Николь таржимасида чоп этилган 464 рубойдан 82 тасида шоирга замондош бўлган бошқа ўттиз тўққиз шоирга нисбат берган. Сўнгра инглиз олими Денисон Росс ва даниялик эроншунос А.Кристенсен томонидан яна 108 та рубой топиб эълон қилинган. Ҳатто, сўнгги олим рубойларни фарқлашнинг ўзига хос илмий принципини ишлаб чиққан. Шарқ адабиётидаги асарлар таркибида “шоирнинг исми ё унга ишорат яширинган бўлади” деган тасаввур билан рубойларни ўрганиб, атига 12 рубойдагина шоирнинг исмини ё исм ишоратини учратган. Ф.Розен эса, дастлаб энг эски қўлланмаларда учраган тўртликларни, сўнгра ўз замонида яратилган асарларда учраган рубойларни тўплаб, 23 та “асл рубой”ни аниқлаган. Сўнгра бунга 1341 йилда ёзилган “Мунис ул-аҳрор” китобидан ўттиз рубойни кўшиб, мана шу асарнинг фикрий йўналишини ўрганиб чиқиб, сўнгра бу “таянч” манба асосида шоирга нисбат берилган бошқа рубойларни текшириб члққан. Натижада, тўпламга Ф.Розен томонидан Берлинда нашр қилинган 329 рубой киритилган.

Бундай тажрибалар Фитрат рисоласидан кейин ҳам давом этган. Ҳинд олими Свами Говинда Туртха ва эронлик олим Фуругий “тажрибаси” натижасида атиги 178 рубой шоир қаламига мансуб деб топилган.<sup>9</sup> Ўзбек олими ва таржимони Ш.Шомухаммедовнинг қайдига кўра, “охирги йилларда икки муҳим қўлёзманинг топилиши бу чалкаш масалани бир қадар ойдинлаштирди. Улардан бири 1207 йили кўчирилган бўлиб, 1946 йили Эронда бир кишининг шахсий кутубхонасидан топилган”.<sup>10</sup>

Иккинчи қўлёзmani А. Арберри топиб, бу рубойларнинг насрий таржимаси билан 1949 йилда босиб чиқарган. қўлёзма 1259 йилга тегишли бўлиб, унда 172 рубой бор. Бу икки қўлёзмага яна бошқа манбалардан 39 рубой кўшилиб, М.Н.Осмоновнинг насрий русча таржимаси билан бирга босилган. Фитрат миқдорий изланишларга қисқагина тўхталиб, “Умар Хайёмга нисбатан берилган рубойларнинг ҳаммасини кўриб чиққан кишилар у ҳақида турли қарорлар берадилар” дейиш билан асосий эътиборни Умар Хайёмга нисбатан берилган рубойларга эмас, балки мана

шу рубойлар талқинидан келиб чиқадиган нотўғри баҳолашларга қаратган. Унинг аниқлашича, бунда хато талқинлар асосан уч кўринишда бўлиб, “Шароб, май мажлисларини, ичкиликни мақтаб бу қадар рубойлар ёзганини кўрганлар, унинг оддий бир сархуш (пияниста) деб қарор чиқарадилар”. Бундай талқин шоир рубойларига юзаки қараш ва унинг илмий фаолиятидан беҳабарлик оқибатидирки, шўро олимлари А.А.Болотников, М.И.Занд ва бoshқалар ҳақиқатан шоирнинг нафақат майпараст эканини тасдиқлашга шошилганлар, ҳатто, Умар Хайём ҳаётига бағишланган Я. Илёсовнинг қиссаси ҳам “Сармаст мунажжим” рукни билан бошланган. Фитрат бунга жавобан: “Хайём сарой табиби бўлган, замонининг олими, ҳайъатшуноси, файласуфи, риёзийси бўлган Тақвимни энг тўғри ислоҳ қилган, илмий ҳайъатда жуда катта нуфуз ва фаолият билан иштирок этган. Хукмдорларнинг иш соатларини белгиловчи мунажжим саналган. Бундай бир одамнинг доимий мастлик (пиянисталик) билан машғул бўлиб қолиши ҳақиқатдан албатта узоқдир”.<sup>11</sup>

Бироқ олимнинг май-шароб билан ошно бўлгани ва унинг беназир куйчисига айланганини қандай тушуниш керак? Бу саволга эса Умар Хайёмни ўраб турган сарой муҳитининг таҳлили орқали жавоб берилган: “Салжукий саройида мунажжим, табиб ҳам надим сифатлари билан турган Хайёмнинг шул хусусий базмларда, май-маъшуқа кечаларида ҳеч қолмасдан иштирок қилганига шубҳамиз йўқ. Ва Хайём рубойларидан кўпининг шул кечаларда айтилганини қабул қилишга ҳеч монёъ йўқ... Умар Хайёмнинг шеъри саройдаги хизматларнинг ташвиқот қисмини (эгани, қасидачилик) эмас, кайф-сафо кечаларини, май-маъшуқа мажлисларини идора қилишни ўз устига олган. Ва шу йўлда форс адабиётида унутилмас, ўлмас бадиалар яратган... Хайём саройдаги базм кечаларидагина ичган. Доимий сархуш, пияниста бўлмаган”.<sup>12</sup>

Иккинчи бир тоифа олимлар Хайёмни мутасаввиф билиб, унинг шеърларидаги “май”, “базм”, “қадаҳ” сўзларини тасаввуф нуқтаи назаридан изламоқчи бўлганлар. Бундай тахминчилар Оврупода ҳам, шарқ олимлари орасида ҳам учрайди. Фитратнинг назарида, “Хайёмни сўфий гумон қилиб, унинг майини “худонинг ишқи” деб изоҳ

қилиши эса, биринчи фикрдан ҳам узоқроқ, янглишроқ-дир. Хайёмнинг рубойлари орасида шундайлари борки, тасаввуф асосларини улар билан келиштиришнинг имкони йўқ. Хайёмнинг ҳаёт йўдидан хабар берган манбалар ҳам унинг тасаввуфдан йироқ эканини кўрсатган. Масалан, Нажмиддин Розий “Мирсод ул-ибод” китобида Хайёмни даҳрий, табиий, фалсафанинг моддийюнчиларидан эканини ёзадики, мутасаввиф киши даҳрий бўлиши мумкин эмас. Ҳатто, “Татимату-с-савон ал-ҳикма”да Умар Хайёмнинг Имом ғаззолий билан учрашувидан гапирилганда Хайёмнинг сўфий эмаслигига ишора бор.<sup>13</sup> Бу ҳақда Жамолиддин Абулҳасан Кифтий шундай изоҳ беради: “Баъзи сўфийлар баъзи шеърларнинг ташқи томонига қараб, уни ўзларидан санайдилар, шеърларини мажлисларга киргизадилар. Лекин у шеърларнинг ички томонлари ислом шариати учун заҳарли илонлардир. У шеърларда одамларни адаштирмақ, оздирмақ учун керак бўлган ҳар нарса бор”.<sup>14</sup> Ушбу маълу-мотни тасдиқ этаркан, Фитрат бундан оддийгина хулоса чиқаради: “Умар Хайёмнинг “май”и худонинг ишқи эмас. Салжуқ султонлари саройида ичилгани узум майи бўлган”. Фитратнинг бу қарашлари тасдиғини Умар Хайёмнинг ўзидан ўқиймиз: “ҳакимлар айтганларки, инсон тани учун майдан фойдалироқ нарса йўқ, узумдан қилинган, талх ва сузук мусаллас фойдали. У ғамдан фориф қилади, қалбни қувонтиради, қуюқ овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради, дудоқларни қизартиради, терини тозалаб оқартиради ва касалликларни камайтиради”.<sup>15</sup> Албатта, бу сўзлар оддий майпарастнинг эмас, тиб ҳакимининг кузатишларидирки, уни тасаввуфга мутлақо алоқаси йўқ. Шундай экан,

“Гуйандки май ба моҳи шаъбон на равост,  
На низ ражабки ин махласи дудост.  
Шаъбон, ражоб маҳи худованду расул,  
Моҳи рамазон хуремки, ин хосаи мост.

Мазмуни: Айтишларича, шаъбон ойида май ичиш ярамайди, чунки бу Пайғамбарнинг ойи эмиш. Ражаб ойида ҳам ичиб бўлмас эмиш, чунки у Худонинг ойи эмиш. Бу ҳолда биз ўзимизнинг Рамазон ойида ичайлик” сўзларини қандай изоҳлаш мумкин. Бу сўзларнинг зоҳирий маъноси-

га учганлар Умар Хайёмни даҳрий-атеистга айлантириб қўйишган. Дастлаб, бундай қараш рус муштарикларидан В. Жуковскийда кўринади, сўнгра бутун шўро олимлари мана шу даъвои такрорлаганлар. Ҳатто, Фитрат рисола-ларини шўролар давридаёқ фаол тарғиб этишга киришган олим А. Алиев шундай ёзади: “Бу асарда яна эътиборга лойиқ жиҳат шуки, Фитрат 20-йиллардек бир шароитда Хайёмнинг атеистик руҳдаги рубоийларидан кўплаб мисоллар келтиради, уларнинг форсча вариантлари билан бирга ўзбекчасини ҳам ўзи таржима қилиб беради. Рубоийлардан келтирилган намуналарни изоҳлаш муносабати билан баён қилади”.<sup>16</sup> Бундай бирёқлама хато талқинларга қарши Фитратнинг ўзи ёзган жавобни келтирамиз: “Хайём динсизликни мустақил бир асарида мудофаа қилиб майдонга қўйишга ботирлик қила олмаган. У динсизликни май мажлисларидагина мана шу масжлисларни гуллатмоқ учунгина мудофаа қилган. У ҳолда бу нуқтадан ҳам Хайём бизга яқинлаша олмайдилар... Ҳолбуки, Хайёмнинг бу масалада тутган мавқеи бутунлай бошқа”.<sup>17</sup>

Умар Хайёмнинг яна бир тоифа муҳолифлари бўлиб, “уни ўзининг муҳитидан, яшагани жамиятнинг ҳар турли таъсирларидан юқори турган бир доҳий деб билдилар. Уни милодий XI асрдаги шарқ жамиятларининг кишиси эмас, XX аср Оврупо жамиятларининг одами каби қабул қилдилар». <sup>18</sup> Бундай қараш кўпроқ Оврупо олимларида кузатилиб, буни ҳам Фитрат инкор қилади: “Учинчи даъво, яъни, Хайёмни (у) яшаган жамиятнинг ҳар турли таъсиридан озод, ўз жамиятидан таъсирланишдан жудаям юқорида турган, бир мустасно одам қилиб кўрсатиш ҳам тўғри эмас. Жамиятдан, муҳитдан бир турли таъсирланмиган адибнинг, бир адабиётнинг бўлиши мумкин эмас. Ёшнинг фикримизча, ҳам Хайём доҳийдир, бироқ санъат доҳийсидир. Унинг катта ҳунари (ўзи) яшаган жамиятнинг, мансуб бўлган синфнинг, сарой доирасида яшаганларнинг талабларини санъатнинг энг юқори даражасига олиб чиққан бир усталик билан майдонга қўйишидан иборатдир”. Фитрат ҳар уч хил хато қараш тарафдорларига ўз муносабатини англатар экан, “шу уч турли қимматда ҳам бир турли ифрот-тафрит борлиги аниқдир” деб, бундай ифротларга, яъни, энгил талқинларга берилмаслик учун

Умар Хайём даврига чуқурроқ назар ташлашни ва у даврининг акси бўлган шеърларини изчилроқ ўрганишни уқтиради. Бироқ, Фитрат назарда тутган чуқурлик турли хил маънавий сифатларнинг қоришиқ йиғиндиси эмас, балки унинг ўзлигидан, ўз давридан ажралмаган ҳолда бориचा талқин этиш орқали эришиш мумкин бўлган илмий аниқликдир. А.Фитрат мазкур тадқиқотида Хайём меросини ўрганишда муҳим мавқеъни эгаллайди.

1. Султонов Ш., Султанов К. Омар Хайём. —М.: Молодая гвардия. 1987. —С.11-13.
2. Фитрат. Умар Хайём. //Қизил қалам. —Т., 1928. 2-китоб.
3. Алиев Р.М., Османов М.Н. Омар Хайём. —М., 1959.
4. Фитрат. Форс шоири Умар Хайём. —Т.-Самарқанд: Ўзнашр, 1929. —Б.4.Асарнинг қайта нашри: Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. —Т.: Маънавият. 2000. —Б.134-172.
5. Фитрат. Форс шоири Умар Хайём. —Т.-Самарқанд: Ўзнашр, 1929. —Б.4.Асарнинг қайта нашри: Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. —Т.: Маънавият. 2000. —Б.140.
6. Юқоридаги асар. —Б.143.
7. Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ (Форсийдан Н.Комилов таржимаси). —Т.: Камалак. 1995.
8. Ал-Хусайни Садр ал-Дин Али. Сообщения о сельджукс-ком государстве. —М.: Наука. 1980. —С.28-30.
9. Султанов Ш., Султанов К. Омар Хайём. —М.: Молодая гвардия. 1987. —С.13.
10. Шомухамедов Ш. Хазиналар жилоси. —Т., 1981. —Б.56.
11. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. —Т.: Маънавият. 2000. —Б.134-172.
12. Юқоридаги асар.
13. Taylan Necib. Anahatlariyla Islam Falsafasi. F.Kaynaklari, Tamsilcileri, Tesirleri. Istanbul, 1987. (3-baski). —S.255-286.
14. Taylan Necib. Anahatlariyla Islam Falsafasi. F.Kaynaklari, Tamsilcileri, Tesirleri. Istanbul, 1987. (3-baski). —S.272.
15. Умар Хайём. Наврўзнама. У.Отажонов таржимаси. —Т.: Меҳнат, 1990. —Б.47.
16. Алиев А. Адабий мерос ва замонавийлик. —Т., 1983. —Б.33-35.
17. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. —Т.: Маънавият. 2000. —Б.134-172.
18. Юқоридаги асар.

Аҳмад ҚУРОНБЕКОВ,  
филология фанлари доктори

## УМАР ХАЙЁМНИНГ РУБОИЙЛАРИДА МАЙ»НИНГ МАЪНОЛАР ОЛАМИ

Умар Хайёмнинг рубоийлари унинг асрдошлари томонидан эса ҳам олинмагани ҳолда, бизнинг давримизга келиб жаҳоннинг ўнлаб тилларига таржима қилинди ва оламшумул шуҳрат келтирди. Ҳозирги пайтда Умар Хайёмнинг рубоийлари сони ҳақида ҳам ҳар хил фикрлар мавжуд, Умар Хайёмга нисбат берилган рубоийлар сони мингга етиб қолгани ҳолда эронлик тадқиқотчи Закоул-Мулк Муҳаммад Али Фуруғий улардан фақат 48 таси Умар Хайёмга тегишли ҳисоблайди, қолганларини кейинчалик қўшилган деб таъкидлайди.

Биз Эронда чоп этилган ана шу 48 рубоийнинг 30 тилга таржима қилинган нусхасини тадқиқотимиз манбаи сифатида танлаб олдик.

Маълумки, Умар Хайём рубоийларининг асосий мавзудан бири «май» тимсолидир. Умар Хайём асарларининг талқин қилишдаги асосий баҳс-мунозара-лар ҳам айнан ана шу «май»нинг маъносини қандай тушунишдадир. Баъзилар бу «май» тушунчаси рамзий маънога эга, деса бошқалар бу табиий май, деб таъкидлашади. Аммо шуниси борки, ҳеч бир тадқиқотчи ўз фикрини матнга боғлиб исботлашга уриниб кўрмаган. Бу ҳолат «май»нинг маъноси минг йил олдин қандай жумбоқ бўлса ҳозиргача ҳам шундайлигича қолишига сабаб бўлиб қолмоқда.

Бу тадқиқотда «май»нинг маънолар таркибини аниқлаш учун ҳали ҳеч бир тадқиқотчи томонидан қўлланилмаган усулдан фойдаланилди.

Бу усулнинг моҳияти шундаки, Умар Хайём рубоийларидаги барча «май» сўзи ишлатилган бирикмалар аниқланди ва уни матнга боғлиқ ҳолда ҳар томонлама таҳлил ва маънолари тасниф қилинди.

Бу таҳлил натижасида «май»нинг қуйидаги номлари аниқланди: «май»-май, «шароб»-шароб, «бода»-бода, «*абе ангур*»-узум суви, «*дохтаре раз*»-ток қизи, «*кимё*»-кимё.

Бу номлар (кимёдан ташқари) ҳозиргача ҳам маст қилувчи ичимлик деб тушунилади. Фақат «кимё» сўзи биринчи марта Умар Хайём рубоийсида «май» маъносига қўлланилган.

May xur kez del qellet-o kasrat beberad  
Va andishe-ye haftad-o do mellat bebarad  
Parhiz makon z kimiyayi ke az u  
Yek jor'e xori hezar ellat bebarad.

#### Таржимаси:

Май ичгил каму кўп гамин таратар,  
Етмиш икки миллат ўйин таратар  
Парҳез тутма бу кимёдан ўзни ким,  
Бир қултуми минг иллатни бирда таратар.

Рубоийларда шунингдек, «май»нинг бошқа хоссалари ҳам тавсиф қилинади. «Май»нинг хоссаларидан унинг ранги “*sarab-e nab*” - тиниқ шароб, “*bode-e golrang*” - қизил гул рангидаги бода, бирикмаларида ифодаланган.

Майнинг ҳиди “*bu-ye sarab*” - шароб ҳиди, бирикмасида ифодаланган.

Май ичиладиган идишлар “*rok sonat peymanе ze ma*” - паймонани тўлдирай майдан, “*jamsid dar u jam gereft*” - Жамшид жом тутган (жойда), “*piyaeе-re ke sab migozarad*” - пиёла сунки кеча тугаётир, “*sora hi konand az gel-e man*” - менинг тупроғимдан кўза ясаса, “*emsab meу-e jam-e yek mani хоһам хорд*” - бу кеча бир манлик жомда май ичгум, бирикмаларида ифодаланган.

«Май»нинг ашёвий таркиби, яъни, қандай моддадан ясалиши “*man miguyam ke ab-e angur xus ast*” - мен дейманки, узум суви яхшироқ, “*pas doxtar-e raz-ra bezani xaham kard*” - сўнг ток қизини хотин қиламан, бирикмаларида ифодаланган.

Майнинг маст қилиш хоссаси “*Xayyam agar ze bade masti xos bas*” - Хайём агар бодадан маст бўлсанг хуш бўл, “*sarmast be meyxane gozar kardam dus*” - маст ҳолда майхонага ўтдим мен кеча, “*doyri do se pistar ze ma mast sodand*” - биздан

икки-уч давра олдин маст бўлишди. Майнинг ўлчови “yek jog’e-yas hezar ellat bebarad” - бир қултуми минг иллатни таратар, бирикмасида ифодаланган.

Демак, Умар Хайём рубойларида «май»нинг маст қилувчи ичимлик сифатидаги аниқ номлари ва «май»нинг табиий хоссаларидан муайян ранг ва ҳидга эгаллиги, унинг муайян идишларининг номи, унинг табиатдаги қандай моддадан ясалиши, унинг маст қилиш хусусияти ва «май»нинг ўлчовлари шундан далолат берадики, шоир қандайдир мавҳум ичимлик ҳақида эмас, балки ҳамма биладиган ва истеъмол қиладиган, маст қилувчи ичимлик ҳақида баҳс юритмоқда.

Бу таҳлилдан кейин Умар Хайём рубойларида гап воқеий ичимлик ҳақида кетяпти, унинг бошқа ҳеч бир маъноси йўқ, деган хулоса чиқариш мумкин эди, агар бу шърий асар бўлмаганида. Шърий асарда сўзлар рамзий маънога эга ва бу ҳар бир рубойда намоён бўлади.

Умар Хайёмнинг биринчи рубойсида:

Cun dar gozaram be bade suyid mara,  
Talqin ze sarab-e nab guyed mara.

Таржимаси:

Гар ўтар бўлсам бода ила ювинг мени,  
Қабр бошида тоза шаробдан ваъз айтинг, мени.

Байтида «бода» сўзи поклик рамзий маъносига эга. Чунки ўликни поклаш учун ювишади. Бу ўринда шоир мавжуд ижтимоий онгдаги ҳоким мафкурага эътирозини бу рамзий маъно билан ифодаламоқда. Маълумки, ислом ақидаларига кўра «бода» ҳаром қилинган. Шоир наздида «бода» поклик рамзидир.

Иккинчи мисрадаги “*sarab-e nab*” ростгўйлик рамзидир. Чунки қабр бошида майитнинг у дунёдаги тақдири ҳақида ваъз ўқилади. Шоир бу гапни «уйдирма» демоқчи. Кейинги рубойда «шароб» бошқа рамзий маънога эга:

Candan xoram sarab ke in bu-ye sarab,  
Ayad ze torab cun ravam zir-e torab.  
Gar bar sar-e hak-e man rasad maxmuri,  
Az bu-ye sarab-e man sou mast-o xarab.

Шундай шароб ичайки, бу шароб ҳиди,  
Хокимдан таралсин ерга кўмилгач.  
Гар тепамдан ўтгудай бўлса бир майхўр,  
*Менинг шаробим ҳидидан маст-у хароб бўл.*

Бу рубоийдаги «шароб» «илму ҳикмат» ва «хунар»да камолотга эришиш рамзий маъносига эга. Шоир айтмоқчики, бу ҳаётимда шундай илму ҳикматда камолга эришайки, илму ҳикмат билан қизиқувчи кимса минг йилдан кейин ҳам бундан ҳайратга тушсин. Яъни, бир сўз билан айтганда «шароб» «комиллик» рамзий маъноси.

Бу рубоийда «бода»нинг яна бир рамзий маъноси ифодаланган:

Abr amad-o bar sar-e sabze gerist  
Bi bade golrand namibayad zist  
In sabze ke emruz tamasagah-e mast  
Ta sabze-ye hak-e ma tamasagah-e kist.

Булут келиб яна сабза бошида йиғлади,  
Гулранг бодасиз яшаш керакмас.  
Бу сабза бу кун бизга тамошо жойидур.

Бизнинг хокимиз сабзаси кимга тамошо жойи бўлғай.

Бу рубоийда “bade-ye golrang” - гулранг (қизил) бода “хушқайфият, вақтичоғлик” рамзий маъносига эга. Бу маъно олдинги мисрадаги булут «йиғисига» зид равишда рўёбга чиқади. Шоир айтмоқчи бўлган фикр «булут сабза тепасига келиб кўз ёши тўқди, чунки бу сабза сену менга ўхшаган бир инсоннинг хокидан униб чиққан, биз ҳам сабзага айланмасдан туриб, дунё шодликларидан фойдаланиб қолиш керак», демоқчи.

Кейинги рубоийда «май»нинг яна бир янги маъноси ифодалангани:

Yek jor'e-ye mey ze molk-e Kavus behast  
Vaz taxt-e Qobad-o mosnad-e Tus behast.

Бир қултум май Ковус мулкидан аъло,  
Қубод тахти, Тус мартадасидан аъло.

Бу байтда май “бойлик, давлат” маъносини касб қил-

моқда, чунки у Ковус мулкига қарама-қарши қўйилмоқда. “Бир култум майнинг қиммати Ковуснинг мулки қийма-тидан ортиқ”, демоқчи.

Бошқа бир рубойда майнинг рамзий маъноси шундай ифодаланган:

Guyand kasan behest ba hur xusast  
Man miguyam ke ab-e angur xusast  
In naqd begir-o dast az an nasiye besuy  
Kavaz donol senidan az dur xusast.

Кишилар дейдики, жаннат ҳур ила яхши,  
Мен дейманки, узум суви яхши.  
Бу нақдини ол, у насиядан қўлингни юв,  
Дўл садосини узоқдан эшитган яхши.

Бу рубойда «май»нинг бу дунё неъматлари рамзий маъноси ифодаланган. Шоир айтмоқчи «бировлар у дунё неъматларини мақтайди, менга қолса, бу дунё неъматлари, яъни, узум суви аълороқдир».

Кейинги рубойда «май»нинг янги бир маъно белгиси ифодаланади:

Meу xog ke zir-e gol basi xahi xoft  
Bi mones-o bi rafit-o bi hamdam-o joft  
Zenhar be kasi magu to in raz nohoft  
Har lale pajmord nahahad shegoft.

Май ичгил гул тагида роса ётарсан,  
Мунис-у дўст-у ҳамдам-у жуфтсиз.  
Бу яширин сирни зинҳор бировга айтма,  
Сўлиган ҳар лола қайта очилмас.

Бу рубойда май — “ҳаёт неъматини” рамзий маъносини касб қилган. Шоир айтмоқчи бўлган фикр — «ҳаёт неъматидан тўлалигича фойдалан, чунки бу дунёдан кетган қайтиб келмайди».

Куйидаги рубойда «май»нинг рамзий маъноси шундай ифодаланган:

Xorsid kamand-e sobh bar bam afkand  
Keuxosrov ruz mehre dar jam afkand

Meу хор ке neda-ye esq hengam-e sahar  
Avaze-ye esrabu dar eyyam afkand.

Қуёш тонг камандин томга ташлади,  
Кун Кайхусрави бонг урди.  
Май ичгил ким саҳар чоғи ишқ нидоси  
«Ишрабу» овозасин оламга солди.

Бу рубойдаги «ишрабу» Куръондаги қуйидаги оятга ишора бўлса керак (Таржимаси):

71-43. (Уларга дейилур): “қилиб ўтган (яхши) амалларингиз сабабли (ушбу жаннат ноз-неъматларини) пок билиб еб-ичаверинглар”<sup>1</sup>.

Бу рубойда «май»нинг рамзий маъноси «тақдири азал»-дир. Чунки шоир бу рубойда оламнинг яралишига ва Куръони Каримдаги «Ал-мурсалот» сурасидаги «Ишрабу» - ичинглар оятига ишора қилмоқда. Айтмоқ-қички, Оллоҳ Таъоло жаннатни яратди, жаннат ариқларида май оқаркан, демак, Оллоҳ азалдан май ичишга рухсат берган. Бошқа бир рубойда майнинг шундай маъноси пайдо бўлади:

Meу хор ке z del qellat-o kasrat bebarad  
Va andishe-ye haftad-o do mellat bebarad  
Parhiz makon z kimiyayi ke az u  
Yek jor'e xori hezar ellat bebarad.

Бу рубойда «май»нинг «минг дардга даво» ёки «ёшлик эликсири» маъно белгиси ифодаланган.

Шоир гўё қуйидаги ғазалда «май»нинг энг чуқур рамзий маъносини ифодалаб кетган кўринади:

Xeyyam agar z bade masti xus bas  
Gar ba sanami dami nesasti xus bas  
Payan-e har omr nisti ast  
Pendar ke nisti cu masti xus bas.

Хайём агар бодадан маст эрсанг, хуш бўл,  
Гар бир санам ила бирпас ўгирсанг хуш бўл.  
Жаҳоннинг барча умрин охири йўқлик,  
Йўқликни мастлик хаёл қил хуш бўл.

<sup>1</sup> Куръони карим. Алоуддин Мансур таржимаси. —Т.: Қулпон. 1992.

Бу рубоийда боданинг рамзий маъноси кўнгил истаган машғулот ёки суйган касбдир, яъни, Хайём бу умрингда дилинг нимани истаса, шуни қил, чунки севимли машғулотингга бор вужудинг билан кўмилиб кетсанг, бошқа ҳеч нарса ни ўйламайсан, демоқчи.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Умар Хайём рубоийларидаги «май» сўзи моҳият эътибори билан табиий ичимликдир. Лекин Умар Хайём ўз рубоийларида уни бир тимсол (рамз) сифатида қўллаган. Таҳлил қилинган рубоийлардан маълум бўладики, Хайём «май» сўзини “поклик, ростгўйлик, камолот, хушқайфият, давлат, ҳаёт неъматлари, тақдири азал, минг дардга даво, кўнгил истаган машғулот” маъноларида ишлатган. Ва бу рамзий маънолар шундан дарак берадики, Умар Хайём «май» тимсолида ҳар бир рубоийда бир фалсафий маънони ифодалаган.

#### **Фойдаланилган манбалар:**

1. Rubaiyat-e hakim Omar Xayyam. Bekushesh-e Mohsen Ramazani. Be se zaban.
2. Al-qor'anul-karim. Suratun 77, ayatun 43.
3. Куръони Карим. Алоуддин Мансур таржимаси. —Т.: Чўлпон. 1992.

Саъдулла ЙЎЛДОШЕВ,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

## УМАР ХАЙЁМ МЕРОСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРГАНИЛИШИ

Умар Хайём Шарқнинг буюк олими, ҳаким мунаж-  
жим, риёзиётчи ва шоирдир.

Хайёмнинг номи жаҳондаги турли миллат ва элатлар орасида забардаст, ўткир нафас файласуф, моҳир мунаж-  
жим сифатида машҳурдир. Хайём фақат фалсафа, риёзи-  
ёт, астрономия бўйича ёзган асарлари билангина эмас,  
балки теран маъноли рубоийлари билан ҳам форс клас-  
сик адабиётини юқори чуққиларга кўтарди ва шунингдек,  
жаҳон классик адабиётида ўчмас из қолдирди. Шоир ўз  
рубоийларида реал ҳаёт, гўзал табиатни, хушқайфиятлики-  
ни, дўстлик ва ёр васлини куйлайди.

Буюк алломанинг фалсафа, астрономия, риёзиёт, фи-  
зикага оид асарлари: «Куллиёт-э вужуд» («Мавжудлик-нинг  
умумийлиги»), «Вужуд ҳақида», «Мухтасар физика», «Бор-  
лиқ ҳақида рисола», «Борлиқ ва буруч ҳақида», «Алгебра  
ва ал-муқобала» масалаларнинг исботи» ҳақида «Евклид  
китобининг кириш қисмидаги қийинчиликларга шарҳлар»  
каби асарларида борлиқ, Оллоҳ, инсон, жамият, ақл,  
билиш, ахлоқ-одобга доир қатор муаммолар кенг ўрин  
олганлигини кўришимиз мумкин.

Олим ўз олдига қўйган муаммоларни ҳал этишда буюк  
алломалар Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Синолар-  
нинг «Вужуд вожиб» ва «Вужуди мумкин» тўғрисидаги таъ-  
лимотларига таянган.

Тарихий манбъларда келтирилишча, алломанинг биз-  
гача етиб келган асарларининг дастлабкиси XI асрнинг  
60-йилларда ёзилган. Умар Хайёмнинг зукко олимлиги  
ҳақида ўрта аср тарихчиси Байҳақий шундай ёзади: «Умар  
Хайём Иброҳим Хайём ота-боболари каби нишопурлик  
бўлган. Фалсафа бобида Абу Али ибн Синога эргашган,

Узи эса дағал сўз, бу ерда дағал сўзнинг маъноси ҳақиқатни ачитиб гапирувчи деган маънони англатади, пинҳон фсълли одам эди. Исфаҳонда бир китобни етти марта ўқиб чиқиб, уни ёд олган. Нишопурга қайтиб келгач, ёд олган китобини ёзиб чиққанидан сўнг, солиштира, кўп фарқ қилмаган» Умар Хайём устоз сифатида бир гуруҳ иқтидорли олимларни тарбиялаб етиштирди: улар орасида астрономлар, математикалар, физиклар етишиб чиққан.

Фан тарихида сезиларли из қолдирган олимлардан файласуф Абдулло Миёжий, Муҳаммад Шоҳий, табиб Али ибн Муҳаммад Коиний кабилар шулар жумласи-дандир. Бизга маълумки, улуг аллома аниқ фанлар бўйича ўз даврининг етук математики, астрономи, табиби бўлиб, бу соҳадаги илмий мероси қанчалар муҳим ва ноёб бўлмасин, биз уни, биринчи навбатда, шоир сифатда таниган эдик. Бизга маълумки, олимнинг замондошлари ва ундан кейинги таниқли олимлар, нафақат Шарқ, балки айрим г'арб олимлари ҳам Хайёмни шоир деб атамаган. Хайёмнинг ижтимоий мақоми олимлик мақомидан иборат эди».<sup>1</sup>

1891 йилдан рус шоири Р.Л. Величко Хайём рубойларини рус тилида китобхонларнинг қалбини эгаллай бошлаган бўлса, Ўзбекистонда эса Хайём рубойлари ўзбек тилига таниқли шарқшунос олим, шоир Шоислом Шомухамедов томонидан 1950 йилларнинг охирида таржима қилиниб, ўзбек китобхонларининг қалбидан чуқур ўрин олган эди.

Ўзбек китобхонлари Умар Хайём ҳақида жадидлар ҳаракатининг кўзга кўринган вакили профессор Фитратнинг 1929 йилда чоп этган «Форс шоири Умар Хайём» номли китоби орқали таниша бошлаганлар. Фитрат Хайёмнинг олимлиги тўғрисида ҳам фикр юритади. Аммо аллома рубойларининг моҳир таржимони шарқшунос олим Шоислом Шомухамедов Фитратнинг ушбу китобига ўз фикрини билдириб шундай ёзади:

«Агар Хайём ҳақиқатан ҳам мана шу сарой эгаларини, шуларнинг киссасига қараб турган “паразитлар”нинг кайфу сафосини васф этиш, базм кечаларида майхўрликка ташвиқ қилиш билан шуғулланганда эди, унинг шеърлари ҳам ўшалар билан бирга кўмилиб, йўқ бўлиб кетган бўлар эди».<sup>2</sup>

А.Фитрат Умар Хайём ҳақида шундай ёзади: “Умар

Хайёмнинг салжўқийлар саройига кириб, оунча ҳурмат кўриши унинг мунажжимлиги учун эди”.<sup>3</sup> Хайём рубойилари эса Ҳазрати инсонни улугловчи, уларни бу дунёдаги бахт-саодатга даъват этувчи ҳаётбахшлиги билан асрлар оша, миллий ҳудудий чегараларни енгиб, халқлар ва элатлар орасида оғиздан тушмай келмоқда.

Фикримизча, буюк алломага шеър туфайли ҳаёт кечирган сарой шоири, шунчаки эрмак учун шеър машқ қилган шоир деб қараш ҳақиқатдан йироқдир. У чиндан улуг олим, мутафаккир-файласуф бўлиши билан бирга машҳур шоир бўлган. Бу фикрнинг тасдиғи сифатида Фитратнинг Умар Хайём ҳақида «Форс шоири - Умар Хайём» асарида шундай ёзади: «Хайём шоирликни асосий касб қилиб олмаган, саройда ўз мавқеини таъмин қилиш учун шеърга эҳтиёжи бўлмаган.

Бу мақсадга эришмоқ учун унинг йўлида шеърдан муҳимроқ танилган табиблик ва мунажжимлик санъатлари бўлган. У шулар билан ўз мавқеин керагича таъмин эта олган. Рубойиларини эса подшоҳларга базмдошлик нуқтаи назаридан ёзган».<sup>4</sup> Умар Хайём рубойиларини Шоислом Шомуҳамедовдан бошқа олимлар Нусрат Карим, Жамол Камоллар ҳам таржима қилишган бўлишса, ўзбек олимаси Муҳаббат Аҳадова ўзининг “ўрта Осиёнинг машҳур математиклари” номли илмий ишида Умар Хайёмнинг математика фанига қўшган ҳиссаси ҳақида агрофлича фикр юритган.

Таниқли шарқшунос олимимиз Шоислом Шомуҳамедов Умар Хайём шеъриятига дастлаб қўл урган вақт ҳақида шундай ёзади: “Мен даставвал ўз илмий йўналишимни шарқнинг буюк шоирлари, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомийларнинг ҳаёти, ижоди ва меросини ўрганишни ўз олдимга мақсад қилиб, бу борада дастлабки илмий ишларимни чоп эта бошлаган эдим.

Лекин 1958 йили ўзбек драматурги Баҳром Раҳмонов ўз пьесаларидан бирида Умар Хайём рубойиларига мурожаат қилишганда, Умар Хайём рубойиларини таржима қилиб беришимни сўраганларида, мен унинг 20 га яқин рубойиларини таржима қилиб берган эдим. Ана шундан эътиборан Умар Хайём рубойиларини таржима қилишни

давом эттирдим". 1958 йили ўзадабийнашр нашриётида ўзбек халқ шоири Фафур Гулом таҳрири остида Шоислом Шомуҳамедов таржимасида Умар Хайёмнинг рубойлари ўзбек ва форс тилларида нашр этилди. 1962 йили Шоислом Шомуҳамедов қаламига мансуб «Умар Хайём» (ҳаёти ва ижоди) номли асар дунё юзини кўрди.

Хайёмшунос олим сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки собиқ Шўролар мамлакатларида ҳам кенг танила бошлаганлиги ҳақида йирик адабиётшунос олим, филология фанлари доктори профессор Беруний мукофоти соприндори Абдуқодир Хайитметов шундай ёзди:

«Шоислом Шомуҳамедов ўзбек совет зиёлиларининг энг раҳматкаш вакилларида бири, шарқшунос олим, таржимон, Тошкент Давлат Университетининг профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фиол жамоатчи, мана қарайиб 30 йилдирки, унинг қўлидан қалам тушмайди. Дағс беради, тадқиқот олиб боради, таржима қилади. Унинг илмий китоблари, таржималари, мақоалари, муҳаррирлик қилган асарлари, тузган тўпламлари алақдон китоб жавонларидан бир эмас, бир неч қаторни эгаллаган. Унинг олимлиги шуҳрати эса бизнинг мамлакатимиздагина эмас, қатор Шарқ ва Ғарб мамлакатларига ҳам тарқалган.<sup>5</sup>

Шуни таъкидлаш лозимки, биргина Умар Хайём рубойларининг ўзи Шоислом Шомуҳамедов таржимасида 1938-1970 йиллар орасида беш мартаба бир неча минг нусxada чоп этилишга қарамай, шеърят мухлислари орасида тезда тарқалиб кетар эди.

Шарқшунос олим 60-70-йиллар давомида таржимонлик фаолиятини тинимсиз илмий тадқиқот ишлари билан биргаликда олиб борди, форс адабиёти классиклари ҳаёт, ижоди ва меросига бағишланган ўнлаб илмий монографилар ёзди ва журналларда юзлаб илмий мақоаларини чоп этди. Ўзининг асарларида шарқшунос олим ўзбек китобхонларини буюк мунажжим, риёзиётчи олим, машҳур файласуф, оламга донғи кетган шоир дунёсига олиб кирди. Таниқли олимимиз алломанинг илмий ва адабий меросини маҳорат билан ёритиб берди. 1976 йили Шоислом Шомуҳамедов Умар Хайём рубойларини ўзбек тилида қайта Ўзбекистон КП Марказий нашриётида чоп этади.

Ўзбек шеърят мухлислари Умар Хайём рубойиларини нечоғлик севиб ўқишларини тасдиғи сифатида бир воқеани эсга олиш жоиз бўлур эди.

«Эсимда бунга чамаси ўн йилдан ошди (1968 йил Алишер Навоий номидаги Академик Опера ва балет театрининг мухташам биносида республикамиз ҳаётида катта воқеа – Ўзбекистон компартиясининг XVIII съезди ўтмоқда эди. Танаффус вақтида бинодан чиққан деярлик ҳар бир съезд делегатининг қўлида камида иккитадан машхур форс шоири Умар Хайём рубойларининг янги нашри бор эди.

– Нега иккитадан олдингизлар? Хайёмга шогирд тушмоқчимисизлар? – деб ҳазиллашдик, съезд делегатларидан бир дўстимизга. У қўлидаги сариқ муқовали, ўрта ҳажмли китобининг иккаласини бизга мақтангандай кўз-кўз қилиб:

– «Яхши китобни одатда иккитадан олиш керак. Чунки сизларга ўхшаган шинавандалар келиб биттасини олиб кетса, иккинчиси қолади - деди кулиб. - қолаверса, бу Умар Хайёмнинг китоби, -деб қўшиб қўйди. Бу китобдаги бир кам уч юз рубойини эса ўзбек тилига Шоислом Шомухамедов таржима қилган».<sup>6</sup>

Шоислом Шомухамедов таржимасида Умар Хайёмнинг 350 дан ортиқ рубойилари ўзбек тилида чоп этилган.

Абдурауф Фитрат Шарқда тош босмада босилган баъзи «Умар Хайём» нусхаларида мингдан ортиқ рубой бор. ҳолбуки, буларнинг ҳаммасини Умар Хайём рубойлари деб қабул қилиш мумкин бўлмайди.

Мусташириқлар дунёси Умар Хайёмнинг асл рубойларини ёт рубойлардан ажратиш учун турли йўллар билан тиришиб анча муваффақият қозонди. Бугун асл Умар Хайём рубойилари 250-300 дан ортиқ бўлмаса керак, деган фикрни кўпчилик қабул этмоқдалар. Лекин, 250-300 саналган бу асл рубойларни аниқлаб, «Мана!» деб кўрсатиш йўлида кўрилган чораларнинг ҳеч биттаси қаноатланарлик эмасдир,<sup>7</sup> деб ёзади.

Умар Хайёмнинг шоирлиги ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Олимлар ўртасида Умар Хайём ким бўлган? Олимми ёки шоирми, деган баҳслар ҳанузгача давом этиб келмоқда.

Хайёмшунос олимимиз Шоислом Шомухамедов Умар Хайёмнинг рубойлари 170 тадан иборат дейдилар, қолганлари эса Хайёмга тақлид қилган шоирларнинг рубойлари бўлган. Улар Умар Хайём сингари машҳур бўлиш учун Хайём деб имзо чекишган, Ф.Розен эса Умар Хайёмнинг 23 та асл рубойларини аниқланганлиги ҳақида ёзса, ҳинд олими Свами Говинда Гуртха ва эронлик олим Фуруғний тажрибаси натижасида атигга 178 рубойлар шоир қаламига мансуб деб топилган,<sup>8</sup> - дейди.

Ўринли савол туғилади. Умар Хайём қаламига мансуб рубойлар нечта? Шарқшунос олимларимиз проф. Шоислом Шомухамедов ва Суюма Ғаниеваларнинг берган сўнги маълумотларига биноан Умар Хайём қаламига мансуб рубойлар 178 тани ташкил этар экан. Шунингдек, афғонистонлик хайёмшунос олим Муҳаммад Ёқуб Жузжоний Умар Хайём қаламига мансуб рубойлар 178 тани ташкил этади, дейди.

Ўз – ўзидан савол туғилади: Умар Хайём ижодида биринчи ўринда шоирлик турадими ёки олимлик? Бу саволга иккиланмасдан олимлик туради, деб жавоб берсак тўғри бўлади.

Шоислом Шомухамедов домла ўзининг “Ҳазиналар жиноси” асарида шундай ёзади:

«Қомусий билимга эга бўлган Хайём султон саройида мунажжимлик ва табиблик вазифаларни бажаради».<sup>9</sup> Айрим олимлар таъкидлашганидек, Умар Хайём сарой шоири бўлмаган. Шарқшунос олимимиз ўз фикрларини давом эттириб, шундай ёзадилар: «У (Умар Хайём - автор изоҳи) саройнинг нотинч ҳаётини ёқтирмаган, ундан узоқроқда, илмий иш билан машғул бўлишга мойил бўлса керак», деб ёзганлар.

Бу ҳақда рус олими В.А.Жуковский Умар Хайёмга тавсиф бериб шундай ёзади: “У диндор мусулмон, ўткир файласуф, изчил кузатувчи олим; у - шалоқ юрувчи, бузуқ одам; у - риёкор, мунофиқ; у - Худони оддийгина таҳқирловчи эмас, балки дину имонни бутунлай рад этишнинг тажассуми; у - юмшоқ табиат, ҳаёт лаззати-дан кўра илоҳий нарсаларни кузатишга берилган киши”. Бундан ташқари В.А.Жуковский ўзининг “Умар Хайём ва кўчма рубойлар” деган муҳим асарида Хайём номи билан боғланган

бир қанча рубойларнинг бошқа шоирлар девонида ҳам учрашини кўрсатиб ўтади. Яна шунини айтиш лозимки, Умар Хайём ўз даврида илм-фанга муккасидан кетган улуг олим эди. У ўз рубойларини “Рисола фи-л-бароҳин ала масой-ил ал жабр вал муқобала” (“Алгебра ва муқобила исботлари ҳақида рисола”)си, “Рисола фи-л-вужуд” (“Борлиқ ҳақида рисола”), “Рисола фи-л-куллиёти вужуд” (“Борлиқнинг умумийлиги ҳақида”), “Рисолат ул-кавн ват-таклиф” (“Қоинот ва унинг вазифалари ҳақида рисола”) каби асарларининг ҳошияларига ўз рубойларини битганини биламиз.

Фикримизни мухтасар қилиб, шунини айтиш лозимки, Умар Хайём буюк олим бўлиши билан бирга, ўзининг дилрабо рубойларида ҳазрати инсон, унинг ғам-андуҳларини, яшашдан мақсади, фикр-ўйлари, унинг маънавияти, ахлоқ-одобини тараннум этиб, кишиларни бу дунёда бахтли ҳаёт кечиришга даъват этиб, тириклик чоғидаёқ ўзига мангу ҳайкал қуриб кетган.

---

1. Ворожейкина З.Н. Омар Хайям и хайямовские четверостишия. // Андреев Ю.А. таҳрири остида. Муаллифлар жамоаси, Омар Хайям. Изд. Советский писатель. 1986. С.126.

2. Шомуҳамедов Ш. Ҳазиналар жилоси. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981. Б.57.

3. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т.: Маънавият. 2000. –Б.147.

4. Ўша асар. –Б.170.

5. Шомуҳамедов Ш. “Ҳазиналар жилоси” асарига ёзилган сўзбоши халқ хизматида. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981. –Б.5.

6. Шомуҳамедов Ш. “Ҳазиналар жилоси” асарига ёзилган сўзбоши. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981. –Б.5.

7. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т.: Маънавият. 2000. Б.152.

8. Султонов Ш., Султонов К. Омар Хайям. –М.: Молодая гвардия. 1987. С.13.

9. Шомуҳамедов Ш. Ҳазиналар жилоси. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981. С.33.

## УМАР ХАЙЁМНИНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАЛИ ТЕНГЛА- МАЛАРНИ ЕЧИШ УСЛУБИ

Машхур шоир, файласуф, математик ва астроном Умар Хайёмнинг тўлиқ исми Ғ иёсиддин Абул Фатҳ Умар ибн Иброҳим ал-Хайёмий ан-Найсабурий<sup>1</sup> (яъни, Нишопурий) асли Хуросоннинг Нишопур шаҳридан бўлиб, ўрта асрларнинг энг машхур олимларидан ҳисобланади. Унинг тўлиқ исми биз келтиргандек бўлса ҳам, олим тарихга Умар Хайём ёки қисқача Хайём номи билан кирган. Умар Хайём узок умр кўрган – у 1048 йил 18 майда туғилиб, 1031 йил 4 декабрда вафот этган. Баъзилар иккита Хайём бўлган: бири – математик ва файласуф, иккинчиси – шоир Хайём дейишади. Бу беҳуда қараш XX аср охирида юзага келди. Аслида, Умар Хайём битта, бу ўрта аср манбаларида ҳам акс эттирилган. Лекин шуниси ажабланарлики, Хайём фаннинг қайси соҳаси билан шуғулланмасин, унда ўз замонасига нисбатан энг илғор фикр ва қарашларни илгари сурган. Жумладан, математика соҳасида ҳам шундай бўлган. Умар Хайёмнинг шеърятидан ташқари илмий асарларининг рўйхати катта эмас, ҳозирги маълумотларга кўра, уларнинг мумумий сони 15 та. Улар орасида олимнинг алгебрага бағишланган рисоласи алоҳида ўрин тутади. Шуниси диққатга сазоворки, бу асар Хайём XI асрнинг 70-йилларининг биринчи ярмида, Самарқандда яшаганлигида, шаҳар қозийул қуззоти Абу Тоҳирга атаб қилинган. Шунинг учун асарда Мовароуннаҳрнинг маҳаллий математик анъаналари акс эттирилган, дейишга ҳаққимиз.

Маълумки, дунёда энг биринчи алгебрага оид рисолаши ҳаққи равишда алгебранинг отаси деб аталган машхур хоразмлик олим Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий 830 йил атрофида ёзган эди.<sup>2</sup> Унинг “Ал-Китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала”, яъни, “Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб” деб аталган рисо-

ласи икки бўлимдан иборат эди. Биринчидан, унда алгебра ҳисобининг бошланғич кўриниши — алгебрик алмаштиришлар қоидалари ва бирҳадлилар билан кўпҳадлилар устида бажариладиган амаллар баён қилинади. Тенгламаларни нормал кўринишга келтириш учун қўлланиладиган “ал-жабр” ва “ал-муқобала” амаллар ҳам улар жумласига киради; бу икки амал тенгламани айрилайтган ҳадларини иккинчи тарафга ўтказилиб, улар-ни қўшиладиганларга айлантириш ва тенгламани икки тарафидаги бир хил ҳадларни йўқотишдан иборат. Бундан ташқари, тенгламанинг юқори ҳади олдидадаги коэффициент бўлиш орқали бирга тенглаштирилиши керак. Иккинчи тарафдан ушбу олти  $ax^2+bx+c=0$ ,  $ax^2+bx=c$ ,  $ax^2+c=bx$ ,  $ax^2=bx+c$ ,  $ax^2=bx$ ,  $ax^2=c$  нормал кўринишдаги чизиқли ва квадрат тенгламаларни ечиш қоидалари келтирилади. Ҳар учта уч ҳадли тенглама учун ечиш қоидаларини геометрик келтирилиши берилган. Баён фақат сўз билан берилиб, математик белгилар келтирилмаган. Тенгламаларнинг фақат мусбат ечимлари эътиборга олинган. Ана шу икки хусусият ўрта асрларда ислом мамлакатларида ёзилган алгебрага оид асарларнинг барчасига тааллуқлидир.

Ал-Хоразмийнинг рисоласи ислом мамлакатларида ва кейинчалик Европада ҳам алгебранинг ривожланиши учун асос бўлди. Бу билан бирга, Абу Комил ибн Шужоънинг IX аср охирида ёзган «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳақида китоб» асари ҳам улкан аҳамият касб этди. Абу Комил ҳам чизиқли ва квадрат тенгламалар билан кифояланади. Лекин унда алгебраик ҳисоблашлар анча ривожланган, квадрат тенгламаларни ечишнинг бошқа геометрик исботлари келтирилган бўлиб, улар Евклид “негизлар”ининг II китобидаги теоремаларга асосланган, жуда кўп мисоллар келтирилган. Мисоллар асарнинг асосий бойлиги ҳисобланади. Уларга муаллиф иррационалликлар билан муомала қилишда ўз маҳоратини намоён қилган бўлиб, кўпинча, иррационалликлар тенгламаларнинг илдизларига ва ҳатто, коэффициентларига ҳам кирган. Ал-Хоразмийда бу нарсалар йўқ эди. X асрнинг иккинчи ярмида математик ал-Каражий “Ал-фаҳрий” номли рисоласида  $X^n$  га нисбатан квадрат бўлган ва яна  $X^m$  га кўпайтирилган тенгламалар билан иш кўрди.

IX асрнинг иккинчи ярмида ислом мамлакатлари олимлари ўзларининг тадқиқ доираларига кубик тенгламаларни ҳам киритадилар. Архимеднинг шарни текислик билан ҳажмлари берилган нисбатга мос келадиган сегментларга ажратиб кесиш масаласи билан биринчи бўлиб ал-Моҳоний шуғулланганди. У масалани “куб ва сон квадратларга тенг, яъни,  $X^3+q=PX^2$  кубик тенгламага келтирди, лекин унинг тўғри ечимини топмади. Фақат бир асрча вақт ўтганидан сўнг аввал ал-Хозин ва бироз вақт ўтилганидан сўнг Ибн ал-Ҳайсам масалани икки конус кесимининг кесиши нуқталарининг координатларини топишга келтирадилар. Лекин қадимда бу усулдан Архимед ва кейинчалик Дионисодор ва Диокл фойдаланган эдилар. Мазкур муаллифлар даврида ҳам юнон математикларининг усуллари шарқ олимларига маълум бўлмаган кўринади. Архимед масаласини Ибн ал-Ҳайсамнинг замондоши ал-Кўҳий синчковлик билан текширди ва ўзи ҳам шунга ўхшаш яна икки масалани ечди.

Кубик тенгламаларга бўлган катта қизиқишнинг асосий моҳияти айлана ичига мунтазам тўққиз бурчакли чишиш ва бурчакни тенг уч бўлакка бўлиш масалалари билан боғлиқ бўлиб, улар тригонометриянинг ривожланиши жараёнида тригонометрик жадвалларни тузишда юзага келди. Масалан, бу тенглама Берунийнинг (973-1048) 1031 йили ёзилган “қонуни Масъуди” асарида ва деярли ўша кезларда Абул Жуднинг ижодида учрайди. Шундай қилиб, учинчи даражали тенгламаларнинг умумий таълимотини яратиш масаласи кун тартибига келган эди.

Мусулмон мамлакатларнинг математиклари кубик тенгламалар билан шуғулланишда биринчи турткини юнон математикларидан олган бўлсалар ҳам, улардан анча илгарилаб кетдилар. Элминизм олимлари математиканинг бошқа муаммолари билан боғланмаган бир нечатагина хусусий ҳолларни кўриш билан чекландилар. Агар куб илдиз олишни эътиборга олмасак, уларда кубик тенгламалар татбиқий қўлланмади ҳам. Уларнинг сонли ечимларини топиш масаласи ўртага қўйилмади ҳам. Архимед масаласи узоқ вақтларгача бир тасодифий ҳодиса тарзида қолди. Ислом мамлакатларида кубик тенгламалар таълимоти бутунлай бошқача атворга эга бўлди. Бу таълимот алгебрага

алоҳида бир катта боб сифатида киради. Олимлар илди-ларнинг тақрибий қийматларини топишга интиладилар ва қадимги геометрик усулдан фойдаланиб, умумий назария яратдилар. Бундай назарияни яратишда биринчи уриниш Абул Жуд томонидан қилинган. Лекин Абул Жуднинг асари бизгача етиб келмаган ва у ҳақида биз фақат Умар Хайём-нинг сўзларига таянамиз. Хайёмнинг сўзларига кўра, Абул Жуднинг таҳлили ҳали мукамал бўлмаган. Шуниси диққатга сазоворки, Хайём ўз рисоласини ёзиб бўлганидан беш йил ўтгач, Абул Жуднинг ишлари ҳақида биров орқали эшитган.<sup>3</sup>

Хайёмнинг алгебрик рисоласи бўлим ва бобларга бўлинмаган бўлса ҳам уни қуйидаги беш бўлимдан иборат деб қараш мумкин:

- 1) Кириш;
- 2) 1- ва 2-даражали тенгламаларни ечиш;
- 3) 3-даражали тенгламаларни ечиш;
- 4) номаълум тескари қийматига эга бўлган тенгламаларни юқоридаги кўринишларга келтириш;
- 5) илова.

Кириш қисмида биринчи марта алгебранинг мавзуи ва услубига таъриф берилади. Хайём бундай ёзади: “Ал-жабр ва ал-муқобала санъати — илмий санъатдир, унинг мавзуи мутлақ сон ва ўлчанадиган миқдор бўлиб, улар бирор маълум нарсага нисбат бериладиган номаълумлардир, буларни улар орқали топилади. Бу нарса ё миқдор ёки нисбатдир...”<sup>4</sup> Демак, алгебранинг мавзуи дискрет ёки узлуксиз миқдордир. Номаълумлар ва берилган миқдорлар. Номаълумлар ва берилган миқдорлар мавҳум нисбатлар ҳам бўлиши мумкин. Номаълум миқдорларни маълум миқдорларга нисбат бериш тенглама тузишдан иборат.

Шундай қилиб, Хайёмга кўра, алгебра тенгламалар ҳақидаги фандир, ҳозир ҳам бундай тенгламаларни алгебрик тенгламалар дейилади. Хайём биринчи марта “ал-жабр-рийун”, яъни, алгебрانتлар ёки алгебрачилар иборасини ишлатади. Хайём айтишича, алгебранинг вазифаси сонли ва геометрик номаълумларни аниқлашдан иборат. У ислом мамлактларининг математиклари кубик тенгламаларнинг сонли ечимларини топишга уринганлар, лекин бу уриниш муваффақиятсиз бўлиб чиққан.

Сўнгра Хайём биринчи, иккинчи, учинчи даражали тенгламаларнинг ал-Хоразмий услубига кўра таснифини келтиради. Улар қуйидаги 25 нормал кўринишга эга:

$d=x$ ,  $d=x^2$ ,  $d=x^3$ ,  $cx=x^2$ ,  $bx^2=x^3$ ,  $cx=x^3$ ,  $x^2+cx=d$ ,  $x^2+d=cx$ ,  
 $cx+d=x^2$ ,  $x^3+bx^2=cx$ ,  $x^3+cx=bx^2$ ,  $cx+bx=x^3$ ,  $x^3+cx=d$ ,  $x^3+d=cx$ ,  
 $d+cx=x^3$ ,  $x^3+bx^2=d$ ,  $x^3+d=bx^2$ ,  $d+bx^2=x^3$ ,  $x^3+bx^2+cx=d$ ,  
 $x^3+bx^2+d=cx$ ,  $x^3+cx+d=bx^2$ ,  $x^3=bx^2+cx+d$ ,  $x^3+bx^2=cx+d$ ,  
 $x^3+cx=bx^2+d$ ,  $x^3+d=bx^2+cx$ .

Хайём келтирган тенгламалар таснифининг аҳамияти шунда эдики, ҳар бир норма кўриниш учун мос чизмани яшаш мумкин эди. Лекин тенгламаларни қандай қилиб бу 25 та нормал кўринишга келтириш ҳақида Хайём бирор сўз демайди — ўқувчи бу нарсаларни ўша даврнинг элементар алгебрасидан билади, деб ҳисоблайди.

Муаллифнинг айтишича, унинг рисоласини тадқиқ қилиш учун Евклиднинг “Негизлар”, “Дата” асарларини ва Апаллоний “Конус кесимлар”ининг аввалги икки китобини яхши билиш талаб қилинади. Евклиднинг асарлари квадрат тенгламаларнинг ечимларини топиш учун, Аполлонийнинг асари эса кубик тенгламалар назарияси учун кераклиги ўқдирилади. Шу ерда Хайём математика тарихида биринчи марта учинчи даражали тенгламалар циркул ва чизғич ёрдамида ечилмаслигини ва улар фақат конус кесимлар ёрдамидагина ечилишини айтади. Худди шундай фикрни Р. Декарт 1637 йилда айтади,<sup>5</sup> яна икки юз йилдан кейин, 1837 йили бу П.Л.Ванцел томонидан исботланади.

Рисоланинг асосий қисми унинг учинчи бўлимидир. Унда 14 та нормал кўринишдаги кубик тенгламаларнинг мусбат илдизларини конус кесимлари ёрдамида ясалиши баён этилган. Хайём алгебрик рисоласининг биринчи ношири Ф.Вёпке конус кесимларининг танланиши системага асосланган ҳолда бажарилганлигини таъкидлаган эди.<sup>6</sup> Биз буни қуйидаги мисолларда кўраимиз:

Айтайлик лар  $+1$ ,  $-1$  қийматларни қабул қилади ва ундан ташқари бир ҳолатда  $0$  бўлиши ҳам мумкин. У ҳолда Хайём учун нормал кўринишдаги тенгламаларнинг ечимларини яшаш учун керак бўлган конус кесимларнинг жуфтлари қуйидаги уч системага тегишли бўлади, яъни:

1 парабола

Конус

Кесим

Булар ёрдамида ушбу  $x^2+xbx+ld=0$   
тенгламалар ечилади.

II парабола

Тенг томонлик

Гипербола

Булар ёрдамида ушбу

тенгламалар ечилади, бунда га, ёки С га тенг бўлади.

**III тенг томонли гипербола**

Конус кесим

Булар ёрдамида ушбу

тенгламалар ечилади, булар эса га бўлинганидан сўнг  
ушбу

$\alpha$

тенгламалар кўринишини олади, буларда лар +1 ёки -  
1 бўлади.

Ҳар бир кўринишдаги тенглама учун бир неча хил  
ҳолатлар бўлишлиги таъкидланади.

Умар Хайёмнинг кубик тенгламаларни ечиш усуллари  
Шарқда ал-Хоразмийнинг алгебраси каби олимлари ора-  
сида оммавий равишда машҳур бўлмади. Европа олимлари  
эса улардан умуман беҳабар қолдилар ва Хайёмдан бир  
неча аср сўнг уларни қайтадан ихтиро қилдилар.

1. Омар Хайям. Трактаты. /Пер. Б.А.Розенфельда. Веступит статья и  
кмм. Б.А.Розенфельда и А.П.Юшкевича. —М.: Изд. Восточный лит-ры.  
1961. С.13-14.

2. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар: математика,  
астрономия, география. Кириш мақолалари, таржима ва изоҳлар, кўрсат-  
кичлар муаллифи Ашраф Аҳмад. —Т.: Фан, 1983.

3. Омар Хайям. Трактаты. С.108.

4. Уша асар. С.70-71.

5. Декарт Р. Геометрия. /Пер., прим, и статья А.П.Юшкевича. —М.-  
Л., 1937. С.105.

6. Woerpcke F.L'algebre d'Omar Alkhayyami, pubice, traduite et  
accompagnee d'extraits de mamiscrits inidits. —Paris. 1851. P.14-15.

## ХАЙЁМ ИЖОДИЁТИДА ИНСОН ЭРКИ ҒОЯСИ

Аниқ фанлар соҳасида ўз даврининг етук олими, математиги, астрономи, табиби бўлган Умар Хайём бу соҳалардаги ижодий мероси қанчалар муҳим ва ноёб бўлмасин бизнинг давримизга шоир, файласуф сифатида етиб келди. Ҳолбуки, «ўрта аср муаллифлари Хайёмни олим номи қаторига қуйидаги фахрли илмий унвонларни қўшиб гапиришган: ўз асрининг алломаси, ҳақиқатлар исботи, грек фани билимдони, Ғарб ва Шарқ файласуфлари шоҳи, Хуросон имоми, ҳаким ва қадимги муаллифлардан ҳеч бири Хайёмни шоир деб атамайди... Хайёмнинг ижтимоий мақоми олимлик мақомидан иборат эди».<sup>1</sup> Лекин Умар Хайёмни севиб мутолаа қилувчи кенг китобхонлар оммаси фикрига алломанинг нотаниш бўлган номлари рубоийлар орқали таъсир этиб туради. 1859 йилдан бошлаб инглиз адабиётшуноси Эдвард Фитцжералд қаламига мансуб таржималар билан инглиз тилида, 1891 йилдан эса рус шоири В. Л. Величко қаламига мансуб таржималар билан рус тилида Хайём рубоийлари кенг китобхонлар оммаси қалбини эгаллай бошлади. Ва Жалолоддин Румий, Алишер Навоий, Бобур, Бедил каби бир қатор алломаларга катта таъсир ўтказган Умар Хайём фақат, XIX аср охирларидан дунё миқёсида ижод намуналари севиб ўқиладиган шоирга айланди.

«Шарқ ва Ғарб мамлакатлари йирик филологларининг ўн йиллар давомида олиб борган тўхтовсиз излашишлари натижасида текстологик, тарихий-адабий, стилистик, шеърӣ таҳлил услублари орқали Умар Хайём қаламига мансуб бўлган тахминан тўрт юзга яқин рубоийлар гуруҳи аниқланди».<sup>2</sup> Рубоийлардан ташқари, Умар

Хайём ижодига мансуб ўн битта асар орасида адиб ижоди ҳақида ўз даврига нисбатан жуда прогрессив тадқиқот яратган олим Абдурауф Фитрат Хайёмнинг фалсафага доир «Рисола фил-вужуд» (“Борлиқ фалсафаси ҳақида рисола”) асарини келтиради ва унинг ҳали ҳанузгача номаълум бўлган асарлари мавжудлигини таъкидлайди.<sup>3</sup> Бизнинг давримизгача Умар Хайёмнинг фалсафий асарлари рўйхати кенгайди. Умар Хайём ижоди бўйича манбаларда унинг фалсафага доир «Рисола фи-л-куллиёти вужуд» (“Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола”), «Рисолат-ул-кавн ва таклиф» (“Коинот ва унинг вазибалари”) асарлари ҳақида маълумотлар бор.<sup>4</sup> Алломанинг ушбу асарларида фалсафий фикрлар устози Абу Али Ибн Сино қарашларига жуда ўхшаш, деб талқин қилинади. Унга кўра, табиатнинг яратилишига бўлган муносабат идеалистик характерда бўлиб, унинг кейинги босқичидаги алоҳида олинган жиҳатлар материалистик йўналишда тушунтирилган. Ҳатто XIII аср ғарб теологлари Хайёмни натурфалсафанинг материалистик оқими намояндалари қаторига қўшадилар. Лекин биз асосий эътибор қаратишни истаганимиз, Хайём ижодидаги илғор, мустақил, исёнкор фикрлар унинг кичик фалсафий асарларидан кўра кўпроқ рубоийларида акс этганидир. Фикр тарзидаги ўз даврига нисбатан бундай прогрессив хусусиятлар Умар Хайём ижодида инсон омили билан боғлиқ. «Тадқиқотчилар яқдил хулоса қиладиларки, илғор-илмий, мустақил, исёнкор кайфият унинг шеърларида фалсафий рисолаларга нисбатан ёрқин ва аниқ ифодаланган»<sup>5</sup> ва шу сабабли унинг шеърлари таржима орқали кириб келиши билан катта шухрат қозонган. Аслида, Хайём ижоди тадқиқотчилари рубоийларда кўп тилга олинган май, шароб, жом, қадаҳ, кўза сифатларини турли нуқтаи назардан таҳлил этадилар. Абдурауф Фитратнинг «Форс шоири Умар Хайём» номли мақоласида «Умар Хайёмнинг «май»и Худонинг майи эмас, салжуқ султонлари саройида ичилган узум майи бўлган», дейди.<sup>6</sup> Ворожейкинанинг кириш мақоласида эса “Хайём тўртликларида май образи кўп ҳолларда кенг маънода, оддий ва осон эришиладиган дунёвий ҳузур-ҳаловат маъносида қўлланилади. Бу «май»

шеърлари ортида чексиз эпикурчилик ёки ҳиссий роҳат-фароғатни куйлаш эмас, шоир-алломанинг бир бутун фалсафий тизими ётибди”.<sup>7</sup> Тадқиқотчи таъкидлаган «дунёвий ҳузур-ҳаловат» эса «май орқали таъқиқ ва шартларнинг оғир занжирини узадиган кўнгил парвози»дир:

Ичкилик кеккайган бошни килур ҳам,  
Майдан ечилмаган бирор тугун кам.  
Бир қултум май ичган бўлсайди шайтон  
*Минг сажда қиларди одамга ул ҳам.*<sup>8</sup>

Бу олам суврати бари нақш, хаёл,  
Олим улмас, кимки тушунмас не ҳол.  
Бир коса май ичиб, ҳушинг йиғиб ол,  
Бу нақшу хаёлдан фориф бўл дарҳол.

Умар Хайём рубоийларининг кўпчилик қисмини ноҳақ тузилган кўҳна дунё тартибларига норозилик кайфиятидаги шеърлар ташкил қилади. Бундай исёнга йўл май образи орқали очилади. Назаримизда, бу каби шеърлар май образи орқали норозилик акс этган шеърларга мантиқий занжир бўлувчи ёки норозилик энди тўғридан тўғри илоҳга нисбатан билдирилган рубоийлардир.

Табиат тартибин яратиб Оллоҳ,  
Нечун чил-чил қилиб отади, э воҳ.  
Яхши бўлса нега парчалар уни  
Ёмон бўлганида айт, кимда гуноҳ?

Фалакка ҳукм этган тангридай бўлсам,  
Фалакни қилардим ўртадан барҳам.  
Янгидан шундай бир фалак тузардим,  
Яхшилар тилакка етарди ул дам.

Хайём ижодидаги мана шундай йўналишдаги рубоийларни:

Сенинг исботингга етмайди ақлим,  
Номинг такроридан бушамас тилим,  
Зотингни мен қандай била оламен,  
Уни билур сендан ўзга яна ким.

Сенсиз ўқигандан меҳробда намоз,  
Майхонада сенга сир айтганим соз,  
Аввал-сен, охир-сен, сенсиз бари пуч,  
Майли ўтга ташла ё айла навоз,

каби тасаввуфий характердаги шеърлар билан солиштирилса, Тангрига бўлган исён бевосита Тангрига бўлган исёнми, деган савол туғилади. Бу саволга яна Умар Хайёмнинг ўз рубоийларидан ечим излаймиз:

Харобот аҳлидир инсоний инсон,  
Улардан бировга етмайди зиён.  
Мадрасадан чиқар барча ёмонлик,  
Қўлимдан келсайди қилардим вайрон.

Каъбаю бутхона қуллик хонаси,  
Бутхона занги ҳам шум таронаси.  
Меҳробу калисо, тасбеҳу салиб-  
Барчаси қуликнинг бир нишонаси

Токай бутхонаю масжиддан дейсан,  
Токай жаҳаннаму биҳиштдан дейсан.  
*Тақдир лавҳасин кўр, қалам устоди-*  
Булар ишнинг барин ўшанга чекан.

Кўриниб турибдики, Умар Хайём илоҳиёт ҳақидаги инсон тасаввурларини рамзий белгилар, динлар, ақидалар орқали чекланишига қаршидир. Инсон эрки, фикримиз-ча, Хайём наздида, илоҳиётни қалб амри билан идрок этиш ва унинг инсонга бўлган раҳмат ва карамларини турли чекланиш орқали тушунтиришлардан кенгроқ эканини англаш билан белгиланади:

Масжиду бутхона, Каъбада ё-ҳу.  
Жаннатдан умиду, дўзахдан қўркув.  
Фақат дунё сириин англаган қалбдан  
Абадий қувилмиш бу ташвиш қайғу.

Шунингдек,

Емак-ичмакка йўқ эрди эҳтиёж,  
Сени шундай қилди, энди не илож,  
Не бермиш барини қайтиб олгуси  
Аслингга қайтарур охир бу ривож,

тўртлигида инсон яратилиши, воқеълик ва интиҳо ҳақидаги изотерик фикр йўналишини кузатиш мумкин. Бундай услуб мутасаввуф адабиётига хос бўлиб, уни кенг ва ёрқин мисолини шоир Навоийнинг “Лисон ут-тайр”ида кўриш мумкин. Ҳолбуки, Абдурауф Фитратнинг юқорида номи тилга олинган мақоласида Умар Хайём-нинг тасаввуфдан бутунлай йироқлиги таъкидланади ва аллома-нинг жуда кўп рубойларига кўра, бу фикрни эътироф этиш мумкин:

«Май ичиб, яхшилар кўрин қуршамоқ-  
Сўфийваш жаврашдан минг бор яхшироқ».  
«Сўфий дили лим-лим жаҳлга тўла  
Бошга чиқар қултум май юта қолса».

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриш мумкинки, Умар Хайём фалсафий қарашларида дунёнинг яратилиши, унинг тартиб-қоидалари, тангри, динлар, таълимот ва оқимларга нисбатан ўз фикри ва хулосаларига эга. Унда кўпроқ инсон тафаккурини бир қолипда шакллантиришга қаратилган рамзий белгилар, ақидалар, даъватларга қарши эътироз, исён ётади. Умар Хайём инсон ва Тангри, инсон ва табиат, инсон ва воқеълик боғлиқлигини ҳар қандай чекланиш ва диний қарашлардан холи ҳолда кенгроқ тушунишга, мушоҳада этишга чақиради. Ақл ва қалб амри билан илоҳиётни идрок этиш инсонга савоб ва гуноҳ чегараси ҳақидаги фикрлар билан ҳаётини кўрқувда ўткази-лишидан кўра кўпроқ нарса беришини, инсоннинг ўз қал-бини тушунишга йўл очишини таъкидлайди. Абдурауф Фитратнинг юқорида номи тилга олинган мақоласида Хайём қарашлари мобилизм ва агностицизм йўналишлари доирасида деб олиб қаралади: «У бошлаб мобилизм фалсафасига таянадир. Оламда бир ҳолда қолувчи ҳеч бир нарса йўқ, олам ўзгариб турган бир «хоб хаёл»дан иборат-дир, дейдилар» Лекин Хайём ижодиётини бутунги кун нуқтаи назаридан бир бутунлигича таҳлил этиш, унинг инсоният яратган барча инсонпарварлик таълимотлари-нинг энг яхши сифатларини ўзида мужассамлаштирган инсон эрки ҳақидаги экистенциалистик таълимот экан-лиги ҳақидаги хулосага олиб келади.

1. Ворожейкина З.Н. Омар Хайям и хайямовские четверостишия. // Андреев Ю.А. таҳрири остида. Муаллифлар жамоаси. Омар Хайям. Изд. Советский писатель. 1986. С.12.

2. Ўша манба. С.36.

3. Абдурауф Фитрат. Форс шоири Умар Хайём. //Танланган асарлар. – Т., 2000. –Б.151.

4. Қаранг: Шомухамедов Ш. Кириш сўзи. //Умар Хайём. Рубойилар. – Т., 1963.; Ворожейкина З.Н. Омар Хайям и хайямовские четверостишия. //Андреев Ю.А. таҳрири остида. Муаллифлар жамоаси. Омар Хайям. Изд. Советский писатель. 1986. С.25.

5. Ворожейкина З.Н. Ўша асар. С.26.

6. Ўша манба, С.156.

7. Ўша манба, С.15.

8. Бу ва бундан кейин келтирилган рубойилар намунаси Ш.Шомухамедов таржимасидаги “Умар Хайём” рубойилар тўпламидан олинган. – Т., 1985.

**М.О.УСМОНОВ,**  
**фалсафа фанлари номзоди,**  
**доцент**

## **УМАР ХАЙЁМ РУБОЙЛАРИДА ИНСОННИ ИЖТИ- МОЙ МОҲИЯТ СИФАТИДА ТАЛҚИН ҚИЛУВЧИ ЁОЯЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ**

Ёшлигиданоқ ажойиб истеъдод эгаси эканини намойиш қилган Умар Хайём ҳисоб, ҳандаса, физика, жуғрофия, илми ҳайъат, илми нужум, фалсафа, илоҳиёт, Куръон талқини, тарих, форс адабиёти, араб тили ва адабиёти каби фанларни қунт билан ўргангани ва тез орада бу фанларнинг ҳаммасини яхши эгаллаб олган олим бўлиб етишади. Унинг илмий меросини ўрганишга оид бўлган тадқиқотлар шундан далолат берадики, олим ўрта асрларда Яқин ва Ўрта шарқ мамликатларида ривож топган ушбу фанларнинг деярли барча соҳасида чуқур илмий изланишлар олиб борган ва ўзидан келтирилган илмий аҳамиятга эга бўлган маънавий мерос қолдирган. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, салжуқийлар салтанатининг асосчиси Малик шоҳ Исфаҳонда Расадхона қурдирган ва уни керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаб берган. Расадхонага Хайём бошчилик қилган.

Аммо шуни айтиш жоизки, ўрта аср манбаларида ҳам, ҳатто, яқин кунларгача бўлган илмий тадқиқотларда ҳам Умар Хайёмнинг маънавий мероси ҳақида гап кетганда, у ашқоло, улуғ ҳаким, математик, астроном сифатида намоён бўлади. Гарчи Умар Хайём улуғ олим бўлиши билан бир қаторда машҳур шоир сифатида бутун дунёга донг таратган бўлса-да, унинг бу шуҳрати яқин кунларгача унинг олимлик шуҳрати олдида нисбатан сояда қолиб кетган эди. ҳолбуки, унинг дунёқарашининг, айниқса, ҳозирги давримиз учун муҳим маънавий аҳамиятга эга бўлган томонларини, хусусан, унинг ҳурфикрлигини, рационализминини, инсонпарварлигини ифодалайдиган меросларидан бири унинг рубойларидир. Шу муносабат билан Ш.Шомухамедовнинг «Ҳазиналар жилоси» китобида келтирилган украин шарқ-

шунос олими А.Кримскийнинг Хайёмнинг Эронда шоир сифатида машҳур бўлмаганлиги ҳақида келтирган ушбу таъкидини келтириш мумкин: «1913 йил октябрида мен бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, ҳозир (яъни, 1914-1915 йилларда - Ш.Ш.) Эрон Ташқи ишлар Вазирлигининг хизматчиси бўлмиш Мирза Ҳамид у вақтларда (яъни 1913 йилда - Ш.Ш.) Москва Давлат университетида билимини такомиллаштирар эди. Эронда жуда мукамал билим олган бу киши менга чин кўнгилдан эътироф қилиб, ҳозирги форслар унинг (Хайёмнинг -Ш.Ш.) шеърларини ўқиганларида уни Хўжа Насриддинга ўхшаган хушчақчақ, масҳабоз киши сифатида тасаввур қиладилар. Ҳиндистонда эса, уни авлиё – сўфий санаб нашр этадилар. Мен то «Эрон ва Эрон адабиёти тарихи» китобини рус тилида мутолаа қилмагунимча, Умар Хайёмнинг улуғ олим, теран фикрли файласуф, донишманд эканлигини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим», деди.<sup>1</sup>

Умар Хайёмнинг буюк шоир сифатидаги сиймоси айрим ўрта аср манбаларидан мустасно тарзда, асосан, ўзидан бир неча аср кейин, даставвал Европа мамлакатларида тарқалди. Кўпчилик Фарб тадқиқотчилари унинг илмий асарларидан ҳам хабардор бўлган ҳолда, асосан унинг рубойлари ҳақида тадқиқотлар олиб бордилар.

Ўзбекистонда Умар Хайёмнинг илмий ва маънавий меросини тадқиқ қилиш ва уни кенг халқ оммасига етказиш XX асрнинг 60-йилларидан бошланди. Хусусан, Хайёмнинг рубойларини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиб нашр этиш ва уларнинг маънавий моҳиятини тадқиқ қилиш борасида юқорида эслатиб ўтганимиз олим Ш.Шомухамедов томонидан салмоқли тадқиқотлар амалга оширилди. Бизнингча, олимнинг айнан ана шу тадқиқотлари туфайли ўзбек халқи Хайём маънавий меросидан хабардор бўлди, ундан руҳий озуқа олиш имкониятига эга бўлди.

Аммо ўша даврдаги ҳукмрон марксистик методологичининг тамойиллари тазйиқи билан мутафаккир дунёқарашининг айрим томонлари бўрттирилди, бирёқлама талқин қилинди. Чунончи, унинг дин ниқоби остидаги айрим рижкорлик ва мунофиқликни фош этувчи рубойлари муслмончилик этиқодига нисбатан шаккоклик сифатида талқин қилинди. Ваҳоланки, ислом ақидалари ва шариат

аҳкомларига шаккоклик руҳида кўриниши мумкин бўлган рубойларнинг аксарияти инсонни маънавий покликка даъват этувчи эзгу ғоялардан иборат эди. Албатта, юқоридаги ҳолатни маълум даражада марксистик методология ҳукмронлиги даврининг мафкуравий шароити тақозоси ва талаблари билан изоҳлаш мумкин.

Унинг дунёқарашидаги марксистик ва атеистик томонларни излаб топишга ёки аксарият рубойларининг мазмун-моҳиятини шу руҳда талқин этишга ҳаракат қилинди. Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ўша ҳукмрон методология даврида ҳам Умар Хайём дунёқарашини таҳлил қилган аксарият тадқиқотчилар мутафаккир дунёқарашининг бош мавзуси ва мақсади инсонпарварлик, инсонни улуглаш, уни эҳтиёжлари учун қайғуриш бўлганлигини таъкидлайдилар. Фикримизнинг исботи сифатида яна юқорида эслатиб ўтганимиз олим Ш.Шомухамедовнинг куйидаги фикрини келтириб ўтмоқчимиз: «Умар Хайём инсоният олдида жуда катта хизмат қилди, зулмат ичида билим машъалини ёқди, инсон тақдирини ўйлаб, унинг «бекордан бекорга кукун бўлаётгани, очилмай сўлаётгани»га қуйғурди, «бу қора тундан» қутулиш йўллари излади».<sup>2</sup>

Шу муносабат билан бир масала ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Маълумки, Куръони Карим оятларида инсонга муносабат масаласида икки хил ёндошув мавжуд. Чунончи, унинг жисмоний ҳолатини назарда тутган ҳолда унга физиологик ҳолат нуқтаи назаридан қаровчи оятлар мавжуд бўлиши билан бирга, унинг руҳий ва маънавий томонини назарда тутган ҳолда унга ижтимоий моҳият сифатида қаровчи оятлар ҳам мавжуд. Инсонни физиологик моҳият сифатида талқин қилинган оятларда инсон бошқа махлуқоту мавжудот-лардан ҳеч қандай афзаллиги йўқ. Чунки у ҳам бошқа махлуқот сингари Аллоҳ томонидан тупроқдан, лойдан, балчиқдан, умуман, моддий унсурдан яратилган ва яна шундай унсурга айланади. Аммо бунга айрим ислом мухолифлари, атеистлар таъкидлаганидек, инсонга нисбатан ҳақорат, инсонни камситишга қаратилган оятлар, деб қирамаслик керак. Энг аввало, ушбу оятларнинг ахлоқий ва тирбиявий томонига эътибор қаратмоқ зарур. Чунки, инсоннинг ҳам ибтидою интиҳоси бошқа махлуқлар сингари моддий унсурларга бориб тақалар экан, унинг манманлик-

ка, кибр-ҳавога, такаббурликка юз тутишига ҳеч қандай маънавий асос йўқ. Шундай экан, у ўзини имкони борича камтар, камсуқум, хокисор тутмоғи зарур. Бунда подшою гадонинг, бою камбағалнинг, амалдору фуқаронинг бири-биридан афзаллиги йўқ, уларнинг интиҳодаги тақдири бир хилдир. Айтиш мумкинки, Умар Хайёмнинг рубоийларида ушбу масала бўйича айтган фикрлари, ғоялари Куръони Карим оятларига ҳамоҳангдир:

Бозорда бир кулол кўрсатиб ҳунар,  
Бир бўлак хом лойни тегиб тишитар.  
Лой инграб айтади «Хой секинроқ теп,  
Мен ҳам кулол эдим сендек, биродар».<sup>1</sup>

Кулол дуконига кирдим бир сафар,  
Дастгоҳда ишларди уста кўзагар.  
Гадо қўлидану шоҳнинг бошидан,  
Кўзанинг бўйнию дастасин ясар.<sup>2</sup>

Тупроқни топтайди нодон оёғи,  
Билмаски бу жонон юзин тупроғи.  
Сарой кунгирасин безаган ҳар ғишт,  
*Султон калласи ё вазир бармоғи.*<sup>3</sup>

Айтиш жоизки, мутафаккирнинг юқоридаги рубоийларида муҳим диалектик ғояларни ифодаловчи ушбу фикрлари катта илмий қимматга эга бўлиши билан бирга, улкан тарбиявий ва маънавий аҳамиятга ҳам эга. Чунончи, уларда инсонга бўлган муҳаббат, меҳр-шафқат шу даражада улуғланадики, ҳатто, оддий тупроқ заррасига, тупроқ зарраларидан ясалган ашёларга ҳам озор бермоқ инсонга озор бермоқ билан тенглаштирилади. Худди шу маънода ҳар қандай инсоннинг жамиятда тутган ўрнидан қатъий назар, физиологик, жисмоний жиҳатдан аввалда ҳам, охирда ҳам бир хил келиб чиққанлиги ва бир хил тақдирга эга эканлиги таъкидланади. Шундай экан, инсон бу дунёда катта бойликка, мансабга, нуфузга, бахт-саодатга эришиши ҳам, шу билан бирга, муҳтожликка, ночорликка йўлиқиши ҳам мумкин. Аммо бу нарса бир гуруҳнинг манманликка кетиб, иккинчи бир гуруҳ одамлар зулм ва адолатсизликка юз ўгиришига, учинчи гуруҳнинг эса,

умидсизликка, тушкунликка тушиб, ҳаётдан четлашишига олиб келмаслиги керак. Чунки:

Хуррамлик асоси, кони олам биз,  
Ситам асли, адл гоёси ҳам биз.  
Пастмизу, баландмиз, етукмиз, кам биз,  
*Занг босган ойна, ҳам жоми жам биз.*<sup>4</sup>

Умринг қачонгача ўзим, деб ўтар,  
*Йуқлик - борлик аро кездим, деб ўтар.*<sup>5</sup>

Шу муносабат билан яна бир нарсани таъкидламоқ зарурки, Хайёмнинг илгари дин пешволари ва раҳнамоларининг кирдикорларини фош қилувчи, деб талқин қилинган рубоийларининг аксарияти ҳам асосан ҳар бир инсоннинг ким бўлишидан қатъий назар ўз жинсдошларига қилаётган зулми ва адолатсизликларини қоралаш, деб ҳам қарамоқ мумкин.

Муфти сендан кўра пуркорроқдирмиз,  
Ўта маст бўлсак ҳам хушёрроқдирмиз.  
Биз ток қонин ичамиз, сен-одам қонин,  
*Инсоф қил, қайсимиз хунхорроқдирмиз.*<sup>6</sup>

Умар Хайём, ҳатто, тасаввуф адабиётида Аллоҳга бўлган ишқ рамзи сифатида ифодаланадиган май тимсолидан ҳам айрим рубоийларида инсондаги такаббурлик, манманлик ва худбинликни қоралашда фойдаланади:

Май ичаман, мастлик қилмайман асло,  
Қадаҳдан ўзгага бўлмайман бало.  
Бода ичишликдан менинг ғаразим-  
*Ўзимга сен каби қўймаслик бино.*<sup>7</sup>

Энди инсонни ижтимоий моҳият сифатида талқин этувчи Қуръони Карим оятларига келсак, унинг асосий тамойили «Лақад каррамно бани одама» («Биз одам зотини албатта ҳурмат-эҳтиромли қилдик») деган оятда ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан инсон ҳамма махлуқотнинг энг афзали, худонинг ердаги ҳалифаси ҳисобланади. Чунки, Аллоҳ инсонга буюк неъмат бўлган ақлни берган. Инсон мана шу неъмат туфайли ҳайвондан фарқ

қилади. Шу нуқтаи назардан инсонга бошқа махлуқотлар сажда қилмоғи керак. Бунинг исботи сифатида Куръони Каримнинг бир неча оятларида, ҳатто, фаришталарнинг ҳам Одамга сажда қилганлиги ва фақат шайтонгина кибр-ҳавога берилиб, инсонга сажда қилишдан бош тортганлиги ва бунинг учун лаънатланиб, жаннатдан қувилганлиги ҳақидаги оятларни келтириш мумкин. Бу оятларнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, кибр-ҳаво фақат шу куйга тушиб қолган одам учунгина катта фалокат бўлиб қолмасдан, балки бутун инсоният учун ҳам катта фалокат эканлиги таъкидланади. Чунки, шайтон лаънатланиб, жаннатдан ҳайдалгандан кейин бутун одамзотнинг душманига айланди. То қиёматгача одамларни васвасага солиб, ёвузликка ундайди.

Шу маънода ҳам Умар Хайём май тимсолидан гедонистик адабиётда талқин қилинганидек, айши ишрат, ҳирс-ҳаловат манбаи сифатида эмас, балки рамзий маънода, яъни, Аллоҳ томонидан яратилган инсонга ҳамма мавжудотларнинг сажда қилишига олиб келувчи бир восита сифатида қарайди:

Ичкилик кеккайган бошни қилур ҳам,  
Майдан ечилмаган бир тугун кам.  
Бир қултум май ичган бўлсайди шайтон,  
*Минг сажда қиларди одамга ул ҳам.*<sup>8</sup>

Бу ерда мутафаккир юқорида эслатиб ўтганимиз, тасаввуф адабиётида майни Аллоҳга бўлган муҳаббат талқинидан фойдаланган ҳолда, бу муҳаббат, аввало, Аллоҳ томонидан яратилган мавжудотлари ичида энг афзали бўлган инсонга бўлган муҳаббат бўлмоғи зарурлигини таъкидламоқдадир. Умар Хайём рубоий-ларида ижтимоий моҳият сифатидаги инсонга нисбатан бундай ғояларнинг таъсирини Аҳмад Яссавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Машраб, Сўфи Оллоёр, Абдулқодир Бедил каби шоир мутафаккирларимиз асарларида кўплаб учратишимиз мумкин. Чунончи, Бедил шундай ёзади:

Афв эт халқдан келса яхши-ю ёмон,  
Аловатдан қочиб роҳат қил инсон.  
Кибру ҳасад бермас кишига ором,

Одамни менсимамай қувилди шайтон.

Дунёнинг ўз раббидан қирғиқчиликнинг ижтимоий моҳият сифатида қарар экан, энг аввало шуни таъкидлаидики, инсон Аллоҳ томонидан яратилган барча махлуқоту мавжудотлар ичида энг афзали, энг муътабари, гавҳаридир. Дунёнинг яратилишдан мақсади ҳам инсон учундир.

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,  
Ақл кўзин қораси, гавҳари ҳам биз.

Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,

*Шағсиз, унинг кўзи-гавҳари ҳам биз.*<sup>9</sup>

Демак, дунёни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан гўзаллиги ва етуклиги инсон туфайлидир. Кўзсиз узук қандай хунук, ўз қимматини йўқотса, инсонсиз дунё ҳам шундай кўримсиз ва маъносиздир. Гавҳарсиз кўз ўз моҳиятини йўқотгани каби, инсонсиз ҳам олам ўз моҳиятини йўқотади.

Мутафаккирнинг инсонни улуғлаш, муқаддаслаштириш борасидаги ғояларининг улкан тарбиявий аҳамияти шундаки, унингча инсон фақат улуғ неъмат бўлган ақлга эгалиги ва у туфайли илм орттирганлиги учунгина бошқа махлуқотдан улуғ ва муқаддас эмас. Унинг улуғлиги ва муқаддаслиги энг аввало сўзи билан қилаётган ишлари бирлиги ҳамда илмига амал қилиши билангина белгиланади:

Фақат илм билан баландмас одам,

Аҳду вафо билан баланд-паст одам.

Сўзи билан иши бир бўлса агар

*Ҳар нарсадан баланд, муқаддас одам.*<sup>10</sup>

Демак, инсоннинг ижтимоий моҳиятини белгилайдиган асосий тамойил фикр, сўз ва амалнинг бирлигидир. Албатта, эзгуликка қаратилган фикр, сўз ва амал бирлигидир. Шу нуқтаи назардан инсон ўзининг етуклигини ёки тубанлигини, адолатлигини ёки зулмкорлигини намоён қилиш имкониятига эга бўлган ижтимоий моҳиятдир. ҳаётдаги хуррамлик ёки қайғу-алам манбаидир:

Хуррамлик асоси, кони олам биз,

Ситам асли, адл мояси ҳам биз.  
Пастмизу баландмиз, етукмиз, кам биз,  
*Занг босган ойна ҳам жоми ҳам биз.*<sup>11</sup>

Бу ерда мутафаккир катта маҳорат билан ривоят-ларда келтирилган Жамшид жоми ҳақидаги афсонадан бадиий тимсол сифатида фойдаланади. Ривоятларда келтирилишича, гўеки етти иқлимга ҳукмронлик қилган афсонавий Эрон шоҳларидан бўлган Жамшиднинг афсонавий жомидан бугун жаҳон кўринган. Хайём инсонни ана шу Жамшид жомига қиёс қилиб, унда бутун борлиқнинг моҳияти намоён бўлишини таъкидлайди. Шу билан бирга, мутафаккир тасаввуф фалсафасининг «Олами асғар» («Кичик олам», яъни инсон)да “олами ақбар” («катта олам», яъни бутун коинот)нинг намоён бўлиши ҳақидаги ғоясида ҳам фойдаланган. Бу ерда ҳам Хайём ғоясининг улкан тарбиявий аҳамияти шундаки, агар инсон маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тубан бўлса, у худди занг босган ойнадек на инсоннинг улуғлигини, на оламнинг етуклиги, гўзаллигини намоиш қила олади. Худди занг босган ойнада қора, хира тасвирлар кўринганидек, бундай инсонда зулм, қайғу-алам тимсоли акс этади. Инсон фақат маънавий ва ахлоқий жиҳатдан юксак даражага кўтарила олсагина, у худди Жамшид жомидек бутун оламдаги адолат, хуррамлик ва бахтни ўзида акс эттира олади.

Биз юқоридан Умар Хайём инсонни физиологик моҳият сифатида талқин қилувчи рубоийларида жон-ли ва жонсиз табиатнинг, умуман бутун махлуқоту мавжудотларнинг ўз ибтидоси ва интиҳоси жиҳатидан бир асосга эга эканлиги, бир-биридан устун эмаслиги ҳақидаги ғояларини келтирган эдик. Мутафаккир инсонни ижтимоий моҳият сифатида талқин қилувчи рубоийларида ҳам шу нуқтаи назардан бою камбағалнинг, тахтда ўтирган шоҳу, тиланчилик қилиб юрган гадойнинг қанча йил ва қандай умргузаронлик қилишидан қатъий назар қиммати бир хил эканлигини таъкидлайди:

Умринг юз йил бўлсин, беш юзми, ҳазор  
Бу кўҳна саройдан кетасан ночор.  
Охири қийматинг битта бўлади,  
*Бозорда гадо бўл, тахтда шахриёр.*<sup>12</sup>  
Агар мулкинг Миср ё Рум ёки Чин,

Ё ҳукмингда бутун ер юзин тутгин.

Охир бу бойликдан олар ҳиссанг, бил,

*Ун газ кафан ила икки газ замин.*<sup>13</sup>

Тўғри, ҳар бир инсон жамиятда бойликка, манса-бу амалга эга бўлиш жиҳатидан, умуман ижтимоий ҳолати жиҳатидан ҳар хил имконият ва мавқега эга бўлиши мумкин. Бунда ҳеч қандай ғайриинсоний, ғайритабиий ҳолат йўқ. Буни мутафаккир жуда яхши англайди:

Эй шох, фалак қилди сени шаҳриёр,

Тагингда арғумоқ, шоҳона от бор.

Ногоҳ босмасин, деб заррин туёғи,

*Ерни кумуш қилди, ул ёғдириб қор.*<sup>14</sup>

Асосий масала шох ўз қўлидаги ҳукмронликдан, бою бадавлат одам тасарруфидаги бойликдан ўз шахсий манфаати йўлида халққа нисбатан адолатсиз-лик ва жабр-зулм йўли билан фойдаланишида эмас, балки адолат ва инсофу диёнат нуқтаи назаридан фойдаланишидадир. Мутафаккирнинг одамларни давлатга, мансабу амалга, бойликка бўлган ҳою ҳавасларга берилмасдан камтарона ҳаёт кечиршига, кибр-ҳавога берилмасдан меҳр-мурувват, раҳм-шафқатга даъват этувчи ушбу ғоялари ҳозирги давримиз учун ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир инсоннинг нариги дунёга олиб кетадиган моддий бойлигининг қиймати бир хилдир. Фақат инсонларнинг бу дунёда қолдириб кетадиган маънавий бойликларининг қийматигина турличадир. Шундай экан, ҳар бир инсоннинг ўзидан кейин қолдирадиган маънавий меросининг қиймати нима билан белгиланади? Бу масалага мутафаккир олий даражадаги инсонпарварлик нуқтаи-назаридан ёндашиб, шундай даъват этади:

Кимсани ранжитма, ранжитма, ҳайҳот,

Ғазабинг бировга сочмагил, эй зот.

Ўзинг ранж чеку, ҳеч кимни ранжитма,

Роҳат десанг агар ўзинг ғамга бот.

Демак, ҳар бир инсон иложи борича қанча ғазаби тўлиб тошмасин, бошқаларга зулм ўтказмаслиги, ранжитмаслиги, ҳатто ўзи бирор ситамга учраганда ҳам бошқаларга ғаза-

бини сочмаслиги зарур. Бошқалар учун ранжу алам билан яшаш ҳақиқий роҳатдир. Мутафаккирнинг бу ғояси тасаввуф фалсафасидаги «ўздан кечиб ўзгалар учун яшамокқа» даъват этувчи ғоя билан ниҳоятда ҳамоҳангдир. Жумладан, машҳур мутасаввиф Аҳмад Яссавий бу ҳақда шундай ёзади:

Суннат эрмиш кофир бўлса берма озор,  
Кўнгли қаттиқ дилозордан худо безор.  
Оллоҳ ҳақ андоқ қулга сижжин тайёр,  
*Донолардан эшитиб бу сўз айтдим мано.*<sup>15</sup>

Маълумки, «сижжин» атамаси қуръони Карим оятларида энг ашаддий осий бандалар тушадиган ва оғир жазоларга йўлиқадиган дўзах маъносида келади. Демак, Яссавий бировларга озор берувчи кишиларни мана шундай азобга маҳкум ҳисоблайди.

Кўриниб турибдики, бу масалада ҳар икки мутафаккирнинг фикрлари ҳамоҳангдир. Инсонларни бир-бирларига нисбатан иложи борица ситамкорлик, дилозорлик қилмасликка, аксинча, меҳр-шафқатли, мурувватли бўлишга даъват этувчи ушбу ғоялар ҳозирги давримиз учун ҳам улкан тарбиявий аҳамиятга ва ўйлаймизки, яна узоқ йиллар давомида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Умар Хайём одамларни ранжитмасликка, меҳр-шафқатли, мурувватли бўлишга даъватни шу даражага кўтардики, ҳатто бу ҳолат ҳар бир мусулмон учун зарур бўлган тоат-ибодатдан ҳам зарурроқдир:

Намоз, рўза дема, бўлса имкониң,  
Кимсадан аяма бир луқма нониң.  
Кишини ранжитма, ғийбатин қилма,  
*Шунда сенга боқар икки жаҳонинг.*<sup>16</sup>

Мутафаккир олийжаноб ҳис-туйғу, юксак инсонийлик ҳиссиёти билан йўғрилган рубоийларида ҳатто меҳр-шафқатлилик ва инсоний мурувватни ҳар бир инсон учун фарз, яъни зарур бўлган тоат-ибодатдан устун қўяди.

Муҳтожлик кўйида кўнглини овла,  
Юракка яқину маъқулни овла.  
Бир дилга турмас юз лойхона Каъба,

*Казбада нима бор, бир дилни овла.<sup>17</sup>*

Бир ғариб кўнгилни қила олсанг шод,  
Яхшидир ер юзин қилгандан обод.  
Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,  
*Афзалдир юз қулни қилмоқдан озод.<sup>18</sup>*

Хайёмнинг ушбу ғоялари ҳам кейинги давр мута-сав-виф шоирлар ва мутафаккирларнинг ижодига катта таъ-сир кўрсатди ва ижодларида уларни давр шароитига мос равишда ажойиб бадиий тимсолларда давом эттирдилар. Чунончи улуғ Навоийнинг

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,  
*Онча борким, Казба вайрон бўлса обод айлағай,*

байтида баён қилинган фикрлар Хайёмнинг юқоридаги ру-бойларидаги фикрлар билан ғоявий жиҳатдан ҳамоҳанг-дир.

Умумбашарият маданий ва маънавий ҳазинасига қим-матбаҳо дурдона бўлиб қўшилган Умар Хайёмнинг рубойи-ларида тараннум этилган ғоялар ҳозирги давримиз учун ҳам катта тарбиявий аҳамият касб этиши шак-шубҳасиздир.

1. Матн таржимаси Ш.Шомуҳамедовнинг “Ҳазиналар жилоси” кито-бидан олинди. 1981. — Б.38.

2. Шомуҳамедов Ш. Ҳазиналар жилоси. Б.70.

3. Умар Хайём. Рубойлар. Ш.Шомуҳамедов таржимаси. —Т., 1989. — Б.38.

4. Умар Хайём. Рубойлар. —Б.75.

5. Уша китоб. —Б.11.

6. Уша китоб. —Б.15.

7. Умар Хайём. Рубойлар. —Б.32.

8. Умар Хайём. Рубойлар. —Б.29.

9. Умар Хайём. Рубойлар. —Б.9.

10. Уша китоб. —Б.110.

11. Умар Хайём. Рубойлар. —Б.75.

12. Умар Хайём. Рубойлар. —Б.99.

13. Уша китоб. —Б.108.

14. Уша китоб. —Б.114.

15. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. —Т., 1991. —Б.47.

16. Умар Хайём. Рубойлар. —Б.120.

17. Умар Хайём. Рубойлар. —Б.24.

18. Уша китоб. —Б.35.

Д.А. ПУЛАТОВА,  
фалсафа фанлари номзоди,  
доцент

## УМАР ХАЙЁМ ИЖОДИ - ЭРКИН ФАЛСАФИЙ ТА- ФАККУР ТИМСОЛИ СИФАТИДА

Маданият ва цивилизация ривожланиб борган сари, миллий ўзликнинг ўсиши натижасида инсон ўзининг тарихига, ўтмиш меросига қайта ва қайта мурожаат этиб боради. Негаки, цивилизация жамият олдига қўядиган барча муаммоларни фақатгина замонавий фан ва техника воситалари ёрдамидагина ҳал этиши мумкин эмас. Хусусан, инсон маънавий дунёсининг камолоти, миллий ўзликни, миллий гурур, шунингдек, умуминсоний қадриятларнинг шаклланиши, жамият-маданият равнақида ижтимоий-гуманитар фанларнинг айнақса, фалсафанинг ўрни беқиёсир.

Жумладан, машҳур Шарқ донишманди Ал-Киндий фалсафанинг бош вазифасини ҳар қандай тадқиқ этилаётган нарсанинг моҳиятини билишда, деб ҳисоблаган, ҳамда фалсафани иккига: билим, яъни Аллоҳ қонунларини билиш билан боғлиқ шахсий руҳий тажриба ва инсон маънавий камолоти билан боғлиқ фаолиятга, яъни назарий ва амалий қисмларга ажратган. Айнан шу таъриф фикримизча, фалсафанинг инсон ва жамият равнақида тутган беқиёс ўрнини тўла очиб берган.

XXI асрнинг биринчи ўн йиллигининг ўрталаридан туриб ўтмиш меросимизга назар ташлар эканмиз, IX-XII асрлар ўрта Осиё ва Эронда илм-фан, фалсафа, маданият гуллаб яшнаган давр бўлган ва у тарихда Шарқ ренессанси номи билан аталиб, нафақат Ислом дунёси, балки бутун башарият цивилизацияси тараққиётига катта таъсир кўрсатганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу даврда Мусо ал-Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний каби машҳур мутафаккирлар қаторида Умар Хайём ҳам бўлиб, у ўзининг ноёб ижоди билан Шарқ ренессансининг асл дурдоналаридан бирига айланган.

Ғиёсиддин ибн Иброҳим Умар Хайём - буюк файласуф, математик, астроном, табиб ва шоирдир. У 1048 йилда Нишопурда таваллуд топган ва 1131 йилда 83 ёшида она шаҳарда вафот қилган. Унинг асарлари Бахда, Самарқанд, Исфаҳон, шунингдек, Ўрта Осиё ва Эроннинг бошқа шаҳарларида ўтказган.

Умар Хайёмнинг «Евклид китобига шарҳлар», «Математика муаммолари», «Донишмандлик тарозуси», «Маликшоҳнинг фалакиёт жадвали», «Борлиқ ва бурч ҳақидаги қайдлар» ва бошқа кўпдан-кўп илмий асарлари маълум. Лекин Умар Хайём бугун дунёга, энг аввало, ўзининг фалсафий рубоййлари билан машҳур бўлган. Бугунги кунга келиб, улар дунёнинг деярли барча тилларига таржима қилинган. Бу рубойларнинг биринчи бор шоирнинг вафотидан сўнг 350 йилдан кейин нашр қилингани, эски қўлёзма нусхаларида мазкур рубойларнинг фақат 70 га яқини қайд этилганлиги ва ғояларининг баъзида бир-бирига зид, ҳозир сони тахминан 400 дан ошиқ бўлган бу рубойларнинг барчаси ҳам Умар Хайём қаламига мансуб эмас, деган нуқтаи назарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Умуман олганда, Умар Хайём рубойларининг нафақат асл сони, балки уларнинг фалсафий мазмун-моҳияти ҳам бугунги кунга келиб Шарқ ва Ғарб мутахассисларини қизиқтириб келаётган муҳим муаммолардан бирига айланиб қолмоқда. Назаримизда, бу энг аввало, мазкур рубойларда ғоявий изчилликнинг йўқлиги билан ва айниқса, уларнинг чуқур фалсафий маънога эга эканлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистонлик машҳур олим, академик Шоислом Шомухамедов Умар Хайём рубойларини тузиб, форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган ва бир неча бор уларни синхрон ўзбек, рус ва форс тилларида нашр этишда жонбозлик кўрсатган.

60-70-йилларда бу рубойларнинг мазмунини бир ёқлама, юзаки таҳлил этган баъзи мутахассилар улар ҳақидаги материалистик ва атеистик характерга эга, деган хулосага келдилар.<sup>1</sup> Аслида Умар Хайём рубойларида кўп учрайдиган май, бода, ишқ, ҳур, санам, жаннат, дўзах каби ибораларни айнан эмас, тасаввуф анъаналарида, мажозий маънода тушуниш лозим.

Шоир рубойларида ўзининг кечинмаларини ифодалаш билан чекланиб қолмасдан, асосий эътиборини ҳаёт ҳақиқатини рационал тушунишга, коинотда сабаб-оқибат алоқадорлигини топишга ҳаракат қилган. Умар Хайём рубойлари фақат чуқур эркин фалсафий тафаккур натижаси бўлибгина қолмай, ўзининг таъсирчан кучи билан ўқувчини ҳам шундай фикр юритишга мажбур қилади. Лекин уларни қандай тушуниш ва талқин этиш ҳар бир ўқувчининг дунёқараши, эътиқоди, илмий савиясига боғлиқ бўлиб қолади.

Умар Хайём фалсафий дунёқарашни ўз рисоаларига нисбатан рубойларида эркин баён этган. Чунки айнан тасаввуфий ғояларни насрдан кўра кўпроқ назмда чуқурроқ, таъсирчанроқ, эркинроқ ифода этиш мумкин. Умар Хайём рубойнавислик санъатини чуқур эгаллаган ҳолда унинг имкониятларидан ўз тасаввуфий фалсафасини баён этишда моҳирона фойдаланган.

Умар Хайём ўз даврида ислом дунёсида ижод этган ҳақиқат қидирувчиларнинг бири сифатида, «ҳаёт ҳақиқати-га интилувчиларни» бир неча гуруҳга ажратган. Булар: мутакаллимлар, файласуф ва бошқа олимлар ҳамда сўфийлардир. Умар Хайём ҳаёт ҳақиқатини донишманд-мутафаккир, файласуф сифатида ўзининг илмий-фалсафий асарларида излаган бўлса, рубойларида ўз хулосаларининг тасаввуфий талқинини баён этди.

Жумладан, фоний дунёнинг ўткинчи, ганимат эканлиги ҳақидаги шоирнинг армонлари қуйидаги мисраларда ўз ифодасини топган:

«Эй дил, бил, ҳар нима тансиқ жаҳонда,  
Шодлик боғин кўкат безар ҳар ёнда.  
Кечкурун кўкатга шабнам сингари  
Бир қўндингу учиб кетдинг азонда».

Умар Хайём инсонпарварликнинг кадр-қиммати ҳақида шундай ёзади:

«Намоз, рўза дема, бўлса имконинг,  
Кимсадан аяма бир луқма нонинг.  
Кишини ранжитма, ғийбатин қилма,  
Шундан сенга боқар икки жаҳонинг».

Қуйидаги мисраларда Умар Хайём инсонни уз умрини Аллоҳга муҳаббат орқали ҳақиқат излашга, руҳини поклашга даъват этади:

«Бутун умр топгил ёр ила ором,  
Жаҳон лаззатини шимир бардавом  
Йуқликка кетмақдир ишнинг охири  
Умринг лаҳза уйқу, тушир вассалом».

Ҳаётни бир шаклдан бошқасига ўтиб борадиган жараён сифатида таҳлил этиб, шоир шундай ёзади:

«Тупроқни топтайди нодон оёғи,  
Билмаски, бу жонон юзин тупроғи.  
Сарой кўнғирасин безаган ҳар ғишт-  
Султон калласи ё вазир бармоғи».

Умар Хайём рубоийларида май, бода, майхона каби ибораларнинг кўп учрашига ишора этиб, уларни юзаки тушунган, тасаввуфий мазмун-моҳиятини англаб етмаган ўқувчилар, уни майпарастликни, ўткинчи дунё лаззатларидан баҳраманд бўлишликни тарғиб этади, деган фикрларга ҳам борадилар. Аслида, Умар Хайём ҳаётнинг маъносини илоҳий ишқда, ўзликни унутиб, Аллоҳ ҳақиқатини англашда, деб билади:

«Олам сардафтари ишқнинг имлоси,  
Ёшлиқ қасидасин жилва зиёси,  
Эй ишқ олаmidан хабарсиз, билгил,  
Ишқ эмасми асли ҳаёт маъноси».

Умар Хайём ҳаётнинг ноз-неъматларидан бутунлай воз кечишга, таркидунё қилишга чақирмайди, у инсон ҳаёт ҳақиқатига ўзликдан кечиш орқалигина эришиши мумкинлигини таъкидлайди:

«Мен майни қувнамоқ учун ичмайман,  
Шодлик деб одобу диндан кечмайман.  
Мақсадим - ўзлукдин кечиб бир нафас,  
Ором олса, беҳуш бўлиб жону тан».

Идрис Шоҳ ўзининг тасаввуф илмини ўрганишга бағишланган «Суфий» номли асарида Умар Хайём рубоий-

ларини ўқиб тўғри таҳлил қилиш учун, энг аввало, уларни форс тилида ўқиш, ундаги тасаввуфий гоёларни тушуниш учун эса ислом дини асосларини яхши билиш лозим, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, Хайём сўфийлик илмининг алоҳида йўналишларидан бўлиб, уни йўл кўрсатувчи устоз ёрдамисиз юзаки ўқиб тушуниш мумкин эмас.<sup>2</sup>

Умар Хайём нафақат тасаввуфий шоир, балки табиат илмининг етук тадқиқотчиси ҳам бўлган. 1074 йилда Марвадаги обсерваторияда олиб борган кузатувлари натижасида ўз даврининг энг тўғри астрономик жадвалларини тузди. Мавжуд йил ҳисобининг номукам-маллигини ҳисобга олиб, у қуёш календарини яратди. Бу календар 33 йилдан иборат бўлиб, улардан 25 йилнинг ҳар бири 365 кеча-кундузга эга, 8 йилида эса 366 кеча-кундуз бўлиб, бу 1 йил 365 кеча-кундуз 5 соат 48 минут 45 1/4 секундга тенг ҳамда ҳозир қўлланиб келинаётган Григорий календаридан кўра мукамалроқдир. Умар Хайём биринчилар қатори алгебрининг геометрия билан ўзаро алоқадорлиги масаласини қўйиб, Европадаги XVIII асрларда қилинган математика кашфиётларидан бир неча асрга ўзиб кетди.

Умар Хайём фалсафий дунёқарашининг шаклланишида Арасту ва Ибн Сино таълимотлари муҳим аҳамият касб этган, уларнинг пантеистик гоёларини давом эттирган. Борлиқ Умар Хайём фикрича, мураккаб моддият (материя) ва оддий (бирламчи ибтидо) асосдан ташкил топган. Умумийлик бўлинувчан ва бўлинмас нарсалардан иборат. Кимки умумий нарсаларни билса, заруратан хусусий нарсаларни ҳам тушунади.

Умар Хайём инсонни табиатга қарама-қарши қилиб қўймайди. Аксинча, уни ижодий тафаккурга эга бўлган табиатнинг энг мукамал кўриниши сифатида тушунади. «Билгинки, - дейди мутафаккир, - тафаккур билинувчини англашда мустақилдир».<sup>3</sup>

Мутафаккир умумий вужудни зарурий вужуднинг оқибатидир, деб ҳисоблайди. Умумий вужуд осмон, сайёралар ва табиат оламидан иборат бўлиб, охириги тўрт унсур: олов, ҳаво, сув ва ердан ташкил топган. Иссиқлик ва совуқлик, намлик ва қуруқлик ўртасидаги ўзаро қарама-қаршилиқ, оламдаги айланма ҳаракат натижасида бу элементлари бир ҳолатдан бошқасига ўтиб туради.

Ер минераллар, ўсимликлар ва махлуқотдан ташкил топган. Махлуқот ҳис этиш ва мустакил ҳаракатланиш қобилиятига эга. Барча махлуқотнинг ичида энг мукаммали ва сўзлашиш қобилияти билан бошқаларидан ажралиб турувчиси - инсондир.

Соҳалар ва уларнинг элементлари бўлинувчан, уларнинг қисмлари ўз ривожига ва таркибий қисмларга ажралишда чексиздир. Шунинг учун Хайём фикрича, инсон умумий вужудни билишга интилиши лозим, акс ҳолда унинг умри билмаслик ва зулматда ўтади.

Борлиқ - чексиз жараён бўлиб, у бир шаклдан бошқасига ўтиб боради. Инсон ҳаёти чекли бўлса ҳам, унда ирода эркинлиги мавжуд. Умар Хайём рубоийларида бу ҳақда шундай дейилган:

«Киши ўзлигидан яхши, ёмон ҳам,  
Қазову қадару қувонч ёки гам.  
Ақл айтур буларни чархга тўнкама,  
Чарх сендан ожизроқ бечора-ю кам».

Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» асарида келтирилган маълумотлар уни нафақат буюк астроном, файласуф, балки этнограф, тарихчи, табиб ҳам бўлганлигидан далолат беради. Хусусан, унда «Ажам подшоҳларининг одатлари ҳақида»ги қисмида шундай фикрларни ўқиш мумкин:

«Ажам подшоҳлари адолат, бинолар қуриш, ўрганиш, фалсафий машғулотлар, олимларга ҳомийлик қилишни одат қилиб, булар учун катта меҳнат сарфладилар.

Бошқа одатлар: ҳар бир шаҳар ва вилоятларга ўз одамларини қўйдилар, улар подшоҳга одамлар орасида бўлаётган барча ишлардан хабар бериб турар эдилар. Подшоҳнинг бу буйруғи шарофати билан ёмон ниятлиларнинг қўли калта эди ва амалдорлар одамларга адолатсизлик қилишдан ҳайиқар, ҳеч кимдан ноҳақ бирор дирҳам ола билмас, фуқародан қонун ва қоидалар белгилаганидан ортиқча нарса талаб қилишга журъат этмас эдилар. Шундай қилиб, уларнинг мулклари омон, хотину фарзандлари осойишта эди. ҳар бир одам подшоҳдан ҳайиқиб ўз иши ва ҳунари билан яшарди...

Ажам подшоҳларининг яна бир одати бундай эди: улар ушга жиноятдан бошқа ҳамма айбларни кечиришарди: би-

ринчиси, уларнинг (бу ўринда давлат деб ўқилсин - А.С.) сирини фош қилиш, иккинчиси, Яздонни ҳақорат қилиш, учинчиси, буйруқни менсимай, уни бажармас-лик. Улар шундай дер эдилар: кимда-ким подшоҳ сирини сақлай ол-маса, унга ишониб бўлмайди, кимда-ким Яздонни ҳақорат қилса - даҳрий, агар бирор кимса подшоҳ буйруғини ба-жармаса - у ўзини подшоҳга тенг тутмоқчи, шунинг учун кулоқ солмайди. Подшоҳлар дунё неъматларидан нимагаки эга бўлсалар, бошқалар ҳам шунга эгадирлар, бинобарин, подшоҳлар билан фуқаро-нинг фарқи битта, яъни подшоҳ-лар буюрадилар ва фуқаро буйруқни бажаради, агар бошқ-алар подшоҳ буйруғига кулоқ солмасалар, у ҳолда улар ора-сида қандай фарқ қолади, - деб юқорида эслатилган учта жинойтга дарҳол жазо берадилар. Яна бир одат: улар саҳро-да карвонлар тўхтайдиган жойларда карвонсаройлар қуради, қудуқ қазир, йўлларни қароқчи ва ёвузлардан қўриқлар эдилар. Агар улар бирор одамга иш ҳақи ва ёрдам учун маб-лағ беришни тайин қилган бўлсалар, ҳар йили ўша одам талаб қилмасдан олдин шу иш ҳақи ва ёрдамни берар эди-лар. Агар амалдорлардан биронтаси вилоят ёки қишлоқдан олинадиган солиқни белгиланганидан ортиқча талаб қилса, ҳеч ким одамлардан минбаъд ортиқча нарса олмасин деб, подшоҳлар ўша амалдорларга бундай ишни топширмай қўяр ва жазо берар эдилар, чунки фуқарони норози қилиш под-шоҳликнинг инқирозга учрашига сабаб бўлади»,<sup>4</sup> Умар Хайём Ажам подшоҳларининг бундай ижобий сифатлари-ни атайлаб, ҳукмдорлар ва фуқароларга ибрат бўлсин, деб алоҳида келтиради, назаримизда.

Мутафаккир ўз рубоийларида майни ўзликдан кетиш, ишқ тимсолига айлантирган бўлса, «Наврўзнома» асарига бир қанча нарсалар қатори майнинг ижобий ва салбий сифатларини санаб шундай дейди:

«Ҳақимлар Жолинус, Сукрот ва Буқрот(Гиппократ), Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Закариё (Бахтишу ва Собит-и курро) айтганларки, инсон тани учун майдан фойдалироқ нарса йўқ, хусусан, узумдан қилинган, талх ва сузук мусал-лас фойдали. У ғамдан фориг қилади, қалбни қувонтиради, семиртиради, қуюқ овқатнинг ҳазм бўлишига ёрдам беради, дудоқларни қизартиради, терини тозалаб оқартиради, эсни ўткирлаштиради, хасисни сахий, қўрқоқни жасур қилади ва касалликларни камайтиради. Май ичадиган одам одатда со-

ғлом бұлады, чунки иситма касалликлар шилимшиқ ва заррарли хилтдан бұлады ва кўп май ичган одамларда бу кам учрайди. Ич ўтган пайтда қоринда ёмон хилтлар йиғилишига йўл қўймайди. Баъзи зийрак одамлар майни ҳақиқий инсонийлик маҳағи<sup>5</sup> дейишади. Баъзилар уни идрок танқидчиси, баъзилар - билим мезони, баъзилар қобилият кўзгуси дейдилар. Улуғлар майни ғамдан аритувчи, баъзилар эса ғам келтирувчи дейишади. Кимда-ким беш жом майи ноб ичса ўзидаги яхшилик ва ёмонликни, яъни ўзининг маънавиятини кўрсатади. У нотанишни дўст қилади ва дўстликни кучайтиради, шу билан бирга, у дўстларни бир даврага йиғади... Унда одамлар учун фойдали жиҳатлар кўп, лекин унинг гуноҳи фойдасидан кўпроқ. Доно одам шундай ичиши зарурки, унинг таъби гуноҳидан кўпроқ бўлсин, қийналмаслик учун ўз руҳиятини шундай тарбиялайдики, ичишни бошлаганидан то тугатгунгача унда на сўзларида ва на хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай кўполлик ва ёмонлик намоён бўлмайди, фақат яхшилик ва кувноқлик бўлади».

Шундай қилиб, буюк мутафаккир Умар Хайём ижоди намуналари билан танишгач, шундай хулосага келиш мумкинки, у ниҳоятда ранг-баранг ҳам дунёвий ва ҳам диний билимларга эга, мустақил фикрини баён этишдан кўрқмайдиган, ҳақиқий эркин ижодкор бўлган. Лекин шунча бой билимларга эга бўлганига қарамай, ҳаёт ҳақиқатини топа (англай) олмаганлиги ҳақидаги фикрларни қуйидаги мисрларда ўқиймиз:

«Дилим илмлардан маҳрум бўлмабди,  
Бир сир қолмадики, мавҳум бўлмабди.  
Туну кун ўйладим етмиш икки йил:  
Онгладим ҳеч нарса маълум бўлмабди».

1. Масалан, қаранг: Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII вв. —М., 1960. С.120-122.; Большая Советская Энциклопедия. —М., 1974. т.18. С.391-392. ва қ.

2. Идрис Шах. Суфии. —М., 2001. С.200-201.

3. Қаранг: Хайям. Книга по требованию (Обо всем сушем) Пер. с фарси Б.А.Розенфельда. —С.Б.Морочник и Б.А.Розенфельд. Омар Хайям — поэт, мыслитель, ученный. С.201-205.

4. Умар Хайём. Наврўзнома. —Т., 1990. Б.18-20. Асрор Самад сўзбошичи билиш.

5. Маҳак — қимматбаҳо тошларни синайдиган тош.

## УМАР ХАЙЁМ АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР ХУСУСИДА

Тафаккурнинг теран ва ноёб фикрлари билан шеърининг нозик шакллари ўргасида уйғунлик яратган, математик сифатида кўп номаълумли тенгламалар ечимини ҳал этган, астроном сифатида жаҳондаги «энг машҳур ва энг мукаммал» календар яратган мутафаккир Умар Хайём фалсафий қарашлари билан, ахлоқий фазилатлар хусусида ҳам, гуманистик ғояларни тараннум этиши билан ҳам из қолдирган буюк алломадир.

Хайём дунёқарашида инсон ва унинг ҳаёти муаммолари, инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган ташвишлар, гуманизм масалалари марказий ўринни эгаллайди. Унинг фикрича, образли ифода билан айтганда одамнинг лойи «жафоя, қайғудан қорилган бўлса-да, у коинотнинг асосий маъносини фаҳмловчи билувчи зот, усиз оламнинг маъноси қолмайди:

Дунёнинг тилаги самарасидирмиз,  
Ақл кўзин қораси, жавҳаридирмиз.  
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,  
Шаксиз унинг кўзи - гавҳаридирмиз.

Бу мисоллардан шу нарса яққол кўришиб турибдики, Умар Хайём инсон қадри топталган бир даврда инсон қадрқимматини, унинг буюқлигини юқори пафосда тараннум этган. У тобелик, эзиш ва зулм бўлмайдиган замонни орзу қилади, ҳаммага бахт бергиси келади.

Умар Хайём жамият учун меҳнат тақсимотини, ишлаб чиқарилган моддий нёъматларни адолатли тақсимлашни муҳим иш деб ҳисоблайди. Бунинг учун худди Форобийнинг идеал шаҳар ҳокимини эслатадиган адолатли ҳукмдор зарурлигини уқтиради. У инсоннинг ижобий фаолияти ғалаба қилинишини, буюк инсоний идеаллар ҳукмрон

бўлган замонни орзу қилади, яхшилар тилакка етишини  
истайди:

Фалакка ҳукм этган тангридай бўлсам,  
Фалакни қилардим ўртадан барҳам.  
Янгидан шундай бир фалак тузардим,  
Яхшилар тилакка етарди ул дам.

Умар Хайёмнинг ахлоқий қарашларида давр ахлоқини танқид қилиш энг муҳим ўрин тутади. Унинг фикрича, ўлим борлиқдан йўқликка ўтишдир. Шунинг учун ҳам ўлим - номақбул нарса. Бошқа олам борми? Йўқ, деб жавоб беради у. Нариги дунё, жаннат ва дўзах тўғрисида у бундай дейди:

Дўзаху жаннатни ким кўрган эй, дил,  
У дунё хабарин ким берган эй, дил.  
Кўрқув ва умидлар манбаи булар,  
Ном-у нишонасин ким билган эй, дил.

Иёнсон қадри менсилмаган замонда бундай фикрларни баралла айтиш Хайёмнинг буюклигидан далолатдир. Мутафаккир ўз қарашларида «Нега ёмонлик бор?» деган саволни кўяди ва унга «зарурият ёмонликнинг сабаби бўла олмайди» дея жавоб беради, яна «бир миқдор ёмонлик ҳам худодан» деган ахлоқ ақидаларига қарши чиқади ва ёмонлик манбаини излашга ҳаракат қилади.

«Оз ёмонликни деб катта яхшиликдан воз кечиш катта ёмонликдир», дейди у.<sup>1</sup> У «Уч саволга жавоб» асарида дунёдаги ёмонлик худонинг хоҳишидан эмас, «ёмонлик жуда тасодифан ва кам учрайдиган», деб айтади, аммо бундай фикр уни мантиқан ва ахлоқан қондира олмайди, шу сабабли буни «ифодалаш мумкин бўлмаган тафсилотлари бор» дейди Хайём.

Умар Хайём бир томондан азалий тақдир ривоятларини инкор қилса, иккинчи томондан эса, инсонда ироди эркинлигини тан олади. У инсон ҳаётининг маъноси мавжуд инсоният жамиятидагина борлигини, инсон ахлоқи, бахтли ҳаёт бўлиши учун хизмат қилиши кераклигини, гуманизмни тарғиб этади. У бир рубойида кишига қиррига: қонун, ибодат, рўзангни туту, баҳоли қудрат, нар-

сангни камбағал оч билан бахам кўр, сахий бўл, мангу-  
«боқий» дунёни ўйламай тур, сенга мукофот ердаги бахт  
бўлади, дейди:

Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод,  
Яхшидир ер юзин қилгандан обод.  
Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,  
Афзалдир юз қулни қилгандан озод.

Умар Хайём инсон умрининг ғаниматлиги ва бу умр-  
ни эзгу ишларга сарф қилиш ҳикмат эканлиги, инсон-  
нинг кадр-қиммати ва инсонлараро аҳиллик, дўстлик, ҳаё  
ва гурур бениҳоя зарурлиги ҳақида мушоҳада юритади:

Гул узра кўкламнинг шабнами яхши,  
Чаманда юз очган ҳамдами яхши.  
Яхшимас кечаги кундан сўз очмоқ,  
Қувнаб қол, бу куннинг ҳар дами яхши.

Ҳаё инсон учун либос, инсонийлик фазилати, кўрки,  
маънавийлик-маданийлик даражасини ифодаловчи мезон-  
дир, ўлчовдир. Умар Хайёмнинг қуйидаги сатрлари шунга  
мисолдир: Эрта тонг лолага шабнамки тегар, Чаманда  
бинафша бўйнини эгар. Рост айтсам, гунчадан жуда рози-  
мен, Чунки у кўтармас на этак, на бар.

Алломанинг аҳиллик, дўстлик ҳақидаги ғазаллари, ру-  
бойилари ҳам инсонга олам-олам қувонч бахш этади, ин-  
сонларда ҳаётга меҳр-муҳаббат уйғотади:

Ариқ лабидаги ҳар гиёҳ, кўкат,  
Малакдай гўзалнинг юзидаги хат.  
Бу сабза лоладек юзлар тупроғи,  
Сабзага авайлаб оёқ қўй ғоят.

Аҳил бўлса олов ичра ҳам инсон,  
Аҳил кишиларга олов ҳам осон.  
Ноаҳил кишилар суҳбатидан қоч,  
Ноаҳил суҳбати ёмондан ёмон.

Хайёмнинг ахлоқий идеалларидан бири - инсон ҳар  
бир дақиқани бахтли шод ўтказсин, ҳаёт неъматларидан  
ва қувончларидан баҳраманд бўлсин, яшашдан мақсад ҳам  
шунга қаратилган бўлиши керак, деган орзу-тилақлардир.

Баъзи тадқиқотчилар, жумладан, С.Б.Морочник, Б.А.-Розенфельд кабилар Ҳайём ахлоқий қарашларини гедонизмга яқинлашиб боради, деб талқин қиладилар.<sup>2</sup> Бу тадқиқотларнинг бундай қарашларини тўғри деб бўлмайди. Гедонизм юнонча, Гейопе — “лаззатланиш” маъносини англатиб, лаззатланиб умр кечириш инсон ҳаётининг асл мазмунини ташкил этиши лозим, деган қарашга асос бўлган гоё ва турмуш тарзига интилишдир. Гедонистлар инсон учун энг яхши жамият — фаровон, моддий бойликлар мўл-кўл бўлган давр, деб ҳисоблай-дилар. Аммо бу қараш, айрим ҳолларда, маънавий қадриятларга эътиборни сусайтиради, улар аҳамиятини тўғри англашга ҳалақит беради.

Аммо Ҳайём ўз ахлоқий қарашларида шодлик, завқланишга чақиргани билан унинг қарашлари кишида инсоний бурч бўлиши кераклигини, таркидунёчиликни рад этиб, реал ҳаётдан лаззатланишни, шахсий бахтни-гина ҳаётнинг асосий мақсади деб эмас, балки инсоният жамиятида шахсий бахт жамоа бахтига боғлиқ эканлигини айтади. Хулоса қилиб айтганда, Ҳайёмнинг ахлоқий қарашларидаги асосий хусусиятлар - гуманизм ва озодликни севиш, ҳур фикрлилик ва адолатпарварлик, оптимизмдир. Шунга қарамай, Умар Ҳайём:

Олам тузоғидан озод эмасмиз,  
Бир нафас олмоқдан ҳеч шод эмасмиз.  
Ҳаётга кўп шогирд бўлдиғу, ҳануз.  
Дунёнинг ишига устод эмасмиз,

деб теран фалсафий хулоса чиқаради.

1. Розенфельд Б.А., Юшкевич А.П. Жизнь и творчество Омара Хайяма. //Омар Хайям. Трактаты. —М.:Изд-во Восточной литературы. 1961. С.157.

2. Морочник С.Б. Философские взгляды Омара Хайяма. —Сталинабад, 1952.; Морочник С.Б., Розенфельд Б.А. Омар Хайям — поэт, мыслитель, учёный. —Душанбе, 1957.

## УМАР ХАЙЁМ ВА УНИНГ ДАВРИ

Ислом маданияти, илм-фани юлдузларидан бири Ғиёсиддин Абу-Фатҳ Умар ибн Иброҳим Нишопурий Хайём (баъзи манбаларда Хайёмий) лақабига кўра, чодир ясовчи уста оиласида туғилиб, вояга етган. Бир рубоийсида олим ва шоир ўз тахаллуси ҳақида лутф қилиб, умрида сон-саноксиз илму дониш чодирларини тиккан-лигини айтади.

Умар Хайём яшаган даврларда Салжуқ султонлари Фарбда Рум-Византия империясига қарши шарқда Туркистон қорахонийларига қарши жангу жадаллар билан машғул эди. Бу даврда салжуқлар Византия империяси устидан ғалаба қозониб, император Роман Диогенни асир олганди. Салжуқ султони Алп Арслон ва унинг ўғли Жалолоддин Маликшоҳнинг маърифатли вазири Низомулмулк (1017-1092) узоқ йиллар илм-фан, санъат аҳлига, жумладан, буюк ислом алломаси имом Абу ҳомид Зайниддин ғаззолийга ва Умар Хайёмга ғамхўрлик кўрсатган.

Низомулмулк аҳли сунна вал-жамоа ҳимоячиси бўлиб, ислом дини ва шариатини исмоилия шиалари ҳужумидан ва Олам ўт тоғида ўрнашиб олган Ҳасан Саббоҳнинг террорчи фидоийларидан ҳимоя қилар эди.

Хуросон ва унинг пойтахтларидан бири Нишопур қадимги Эрон, Юнон, Парфия, Ҳинд, Арабий ва туркий маданиятларнинг туташган жойи бўлиб, Умар Хайём мана шу жаҳоншумул маданиятларга оид барча илмларни пухта ўзлаштирган. У Евклид геометриясини, Муҳам-мад Хоразмий алгебрасини, Абул Вафо Жузжоний ва Беруний астрономияси ва геодезиясини ривожлантирган, бу соҳаларда улкан кашфиётлар яратган ислом алломасидир.

Умар Хайёмнинг илмий мероси кўламини бизгача сақланиб қолган асарларининг номидан ҳам пайқаш мумкин:

1. «Мушкилот ал-ҳисоб».
2. «Ал-жабрга доир рисола».

3. «Рисола фил бароҳин ала масоил ал-жабр вал-муқо-  
бала» («Ал-жабрга доир масалаларни исботлаш ҳақида  
рисола. Бу рисола Парижда, Лейден кутубхона-сида, Лон-  
донда ҳинд маҳкамаси кутубхонасида, Римда, Ватикан  
кутубхонасида, Нью-Йоркда, профессор Д. Ю. Смит ку-  
тубхонасида сақланади).

4. «Шарҳ ал-мушкул мин китоб ал-мусиқий» («Мусиқа  
китобидаги мушкул ўринларнинг шарҳи»).

5. «Шарҳи мушкила мин мўҳодирот китоби Уқлидус»  
 («Эвклид китоби муқаддималаридаги мушкилликлар шар-  
ҳи»).

6. «Мухтасар фит-табиат» («Қисқа физика дарслиги»).

7. «Мезонул ҳикам» («Илми ҳикмат-фалсафа мезонла-  
ри»).

8. «Лавозимул амокина» («Маконлар ҳақида энг зарур  
билимлар, географияга оид рисола»).

9. «Борлиқ ва зарурият рисоласи» (қоҳирада Нуриддин  
Мустафо кутубхонасида).

10. «Ал-жавоб ва саласал масоил» («Уч масаланинг жа-  
воби»).

11. «Аз-зиё ал-ақлий фи мавзу ул-илм ал-куллий» («Бар-  
ча ақлий фанларнинг мавзуси ҳақида ёритгич китоб»).

12. «Рисола фил-вужуд» (Фалсафий рисола. Берлин дав-  
лат кутубхонасида, Эрон, Мажлис кутубхонасида).

13. «Зижи Маликшоҳий» (астрономияга доир рисола).

14. «Рисола фи куллиёт ил-вужуд». («Борлиқнинг уму-  
мийлиги ҳақида рисола»).

15. «Наврўзнама». (Берлин Давлат кутубхонасида, Лон-  
дон кутубхонасида. Ўзбек тилига Урфон Отахон таржима-  
си).

Замондоши Абул-ҳасан Байҳақий “Татиммат ас-Саво-  
ниул ҳикмат” («ҳикмат сандиғи»га қўшимча) асарида Умар  
Хайёмни «Табиий фанлардан ташқари, тилшунослик,  
мусулмонлик ҳуқуқи - фикҳ ва тарих илмларининг би-  
лимдони», деб эътироф этса, жуғрофидон олим Закариё  
қазвиний «Шаҳарларнинг ёдгорликлари ва худонинг бан-  
далари» китобида «У фалсафанинг барча соҳаларини, ай-  
ниқса ал-жабр илмини яхши билувчи донишманд эди»,  
деб таърифлайди.

Самарқандни пойтахт қилган қорахонийлар подшоҳи

Шамсул-Мулк, Умар Хайёмни қадрлаб, унга шароит яратиб берди. Қорахонийлар ва Салжуқлар жангида (1072) Салжуқ подшоҳи Алп-Арслон ҳалок бўлди. Султонлик тахтига унинг жияни Маликшоҳ ўтирди. Кўн ўтмай, қорахоний Шамсул-Мулк Салжуқ султони Маликшоҳга тобелигини билдирди. Шу вақт Маликшоҳ талаби билан замонасининг буюк уламолари Умар Хайём, Абул-Музаффар Исфазорий Маймун ибн Нажиб ал-Воситий ва бошқалар Исфаҳонда расадхона қуриш билан шуғулландилар.

Умар Хайём ал-жабр(алгебра)га доир рисоласида айтишича, Самарқанд қозикалони Абу Тоҳир Абдурахмон ибн Алақ унга самарали ижод қилиш учун моддий ва маънавий жиҳатдан ғамхўрлик қилиб турган. Ёшлигида ёзган бу кичик асарини Умар Хайём кейинчалик ривожлантириб, «Ал-жабр вал-муқобалага доир масалаларни исботлаш ҳақида рисола»га айлантирди. Кейинроқ истеъдодли олимга Бухородаги қорахонийлар подшоҳи Шамсул-Мулк, 1074 йилда у вафот этгач, Исфаҳонда салжуқ султони Маликшоҳнинг ўзи ҳомийлик қилди. Энди у султоннинг вазиру вузаро, амирулумаро, олиму уламолар билан суҳбатларини гуллатувчи яқин дўсти, надими бўлиб қолди. У май ва дўстлик, қазо ва қадар ҳақида ярим ҳазил, ярим чин фалсафий рубойларини худди шу базми жамшидлар вақтида ижод қилган, бошқа вақтларида эса, тоат-ибодат ва илмий изланишлар билан шуғулланди.

Умар Хайём илмий меросида куб илдизли тенгламалар, квадрат, доира, синус, косинус, тангенс, котан-генсларни, шунингдек, шаҳарлар орасидаги масофаларни кўёш ва юлдузлар орқали ҳисоблашга ёрдам берувчи геометрия, тригонометрия формулаларини кашф этиш асосий ўрин тутди. Илмий тадқиқотларида Умар Хайём Уқлидус (Евклид), Пифагор, Арасту, Батлимус (Птолемей), Муҳаммад Хоразмий асарларига суяниб, уларнинг илмий таълимотларини ривожлантирди. Бу кашфиётларнинг барчасидан кейинчалик, Оврупо олимлари Альфонсо, Лев Герсанд, Лагаберт, Р.Декарт, Саккора, Лежандр, К.Гаусс, Лобачевский ва бошқа олимлар унумли фойдаландилар.

Жаҳон маданияти ва илм-фанида Умар Хайём диалектик тафаккурни, этика ва эстетика фанларини ривожлантирган файласуф сифатида кўпроқ шуҳрат топган. Аллома ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиб, илмий кашфиётларини

кенг таҳлил этиб, монография нашр этган математик ва тарихчи олимлар Б.А.Розенфильд ва А.П.Юшкевич ёзишича, Умар Хайёмни «Баркамоллик» сўзидилари боғичида «...» англиз даҳоси В.Шекспир «Ҳамлет» ва бошқа асарларида фойдаланган. Масалан: драма қаҳрамони сохта қирол Полоний айтадики, биз ўзимизни тўйдириш учун бошқа ҳайвонларни боқамиз. Бизни эса ўлганимиздан кейин чувалчанглар, қурт-қумурсқалар ейди. Балиқни тутиш учун уларни чувалчанг билан боқадилар. Чувалчангни еган балиқни одамлар еб, охири ўзлари яна қабрда чувалчангга ем бўладилар ва ҳоказо. Шекспир асаригадики кабристон манзарасида Ҳамлет дўсти Горадио билан суҳбатида подшоҳ Искандарнинг хоки бир замонлар келиб, тупроққа айланиб, деворнинг ёриғини ёпишга ярайдиган бир ҳовуч лой бўлиб қолиши мумкин, дейди. Бу эса Хайём рубоийсининг гоёсидир.

«Наврўзнама» асарида Умар Хайём табиатшунос, геолог, тарихчи, этнограф, файласуф, ахлоқшунос (этика) ва илми бадиа (эстетика, нафосат) фанларининг олими сифатида кўринади. У табиат, инсон ва ижтимоий муносабатларда гўзаллик, меҳр-оқибат, очиқ чеҳрали муомала, баркамолликни истамайди.

XII асрда яшаган Абулҳасан Байҳақий «Татиммат ас-Савониул ҳикма» («Ҳикматлар хазинасига кўшимча») асарида, ал-Кифтий «Донишмандлар ҳаёти» асарида Умар Хайём ижодини анча теран таҳлил этганлар. Ал-Кифтий ёзишича, «Умар Хайём - Хуросон имоми, замонасининг алломаси, юнонлар илмидан сабоқ берувчи, руҳни турли нафс балоларидан поклаб, ягона Раззоқни билишга чақирувчидир. Кейинги давр сўфийлари Умар Хайём шеърларининг ташқи маъносига эътибор бериб, ўз мажлислари ва хилватдаги суҳбатларида унинг сўзларини намуна қилиб келтирадилар. Аслида, бу шеърларнинг ботинида ислом шариати учун заҳарли илонлар ва унга (шариатга) ташланиш учун йиғилган лашкарлар бор». XIII аср муаллифи Нажмиддин Розий «Миръотул-муслимин» (мусулмонлар кўзгуси) асарида Қуръони Каримда ҳақ йўлдан адашган бандалар ҳақида «улар йўлдан адашган молларга ўхшайди» (7-сура, 178-оят), «Улар яқинлари-даги ҳаётни зоҳиран биладилар, ammo келгусидаги (охиратдаги) ҳаётларига бепарво қарайдилар. Агар эътибор берсалар, Худо йўлида ихлос ва завқ-шавқ билан борар эдилар» (30-сура, 6-оят) сўзларини кел-

тириб, баъзи бахтсиз файласуфлар, моддиюнчи ва табиюн-чилар истеъдодли, донишманд, оқил ва билимдон Умар Хайём билан бирга унинг залолатли рубоийларини ўқишдан бошқа чора тополмайдилар, деб ёзган эди.

Шунга қарамай, Умар Хайём фалсафий асарларида, хусусан, «Рисола ал-қавн ват-таклиф» асарида, жамият ва ижтимоий ҳаёт ҳақида қарашларида Форобийнинг «Арроу аҳли Мадинат ул-фозила» (Фозил одамлар шаҳри аҳолисининг райъ-қарашлари) асаридаги умуминсоний ҳамжиҳатлик ғояларига яқинлашади, пайғамбарнинг олий фазлатларини улуғлайди.

Умар Хайём умрининг охирида Бухорога келиб, «Жомеъ ас-Саҳиҳ»нинг муаллифи Имомо ал-Бухорий-нинг қабрини зиёрат қилиб, сўнгги рубоийларидан бирида ўзининг гуноҳлари кўплигини айтиб, Аллоҳдан мағфират қилиб, кечирисини тилайди, чунки у доимо худони бир деганини, ҳеч қачон икки демаганини айтади.

Ё раб, сенга осийлик қилдим,  
Юзим қора, шакийлик қилдим.  
Умидим бир ўзингдан, ё раб,  
Фақат сени ягона билдим.

Умар Хайём «Ажам подшоҳларининг одатлари» асарида Фирдавсий «Шоҳнома»сида тасвирланган тарихий ва афсонавий подшоҳларнинг табиатига хос бунёдкорлик, эл-юрт ободлигини таъминловчи гўзал бинолар ва шаҳарлар қуриш, халқнинг аҳволидан хабардор бўлиб туриш ва золимларни жазолаш учун махсус хабарчилар хизматидан фойдаланиш, меҳмонларнинг кўнглини қувонтириш учун турли анвойи ҳалволар, кулчалар, лавзиналар, ичимликлар билан дастурхонни безатиш каби одатлар ҳақида ёзади. Умар Хайём замонида араб халифалигининг марказий ҳокимиятининг мавқеи анча пасайиб, туркий халқларга мансуб Салжуқ султонларининг сиёсий-ижтимоий мавқеи бениҳоя кучайган давр эди. Атоқли шарқшунос олим Зиё Буниётов ёзишича, хоразмшоҳлар салжуқийлар салтанати даврида, уларнинг ҳомийлигида хизмат қилиб, салжуқийларнинг душманларига қарши жангларда кўрсатган жасоратлари билан шон-шухратга эришганлар.

«Хоразмшоҳ Отсиз (Алоуддин Абул-Музаффар Ибн

Жалолиддин Отсиз) Салжуқ султони Санжарга ўн йил мобайнида (1128-1138) ихлос ва садоқат билан хизмат қилди. Бу даврда у султон Санжарга қарши уруш қилишни ёки унинг фармониغا қарши чиқишни хаёлига ҳам келтирмаган эди». Аммо тарихий манбалар кўрсатиши-ча, Бағдод халифалиги салжуқлар давлатининг куч-қудрати янада ошиб кетишидан хавфсираб, яширин дипломатия йўллари билан хоразмшоҳ Алоуддин Отсизни Салжуқ султониغا қарши қайрай бошладди. Бундан ташқари, айрим бахил, ичи қора одамлар ҳам Салжуқ султони Санжар билан хоразмшоҳ Отсизнинг орасини бузишга эришдилар. Уларнинг ўртасида жиддий низолар чиқишига Бағдод халифасининг қувватлашига ишонган Алоуддин Отсизнинг ўз ҳомийси (Султон Санжар)нинг мулклари бўлган Каспий денгизи бўйларидаги Жанд ва Мангқишлоқ ўлкаларига бостириб кириши сабабчи бўлди. Султон Санжар хоразмшоҳ Отсизнинг бу ўзбошимча-лигидан хабар топгач, унинг таъзирини бериб қўйишга қарор қилди. ҳижрий 533 йилнинг муҳаррам ойида (милодий 1138, октябрь) султон Санжар Хоразм томон қўшин тортиб келди. У хоразмшоҳни жазоламасам, бошқа тобеъларим - қорахонийлар ва ғазнавийлар ҳам исён кўтариб мустақиллик даъво қилишлари мумкин, деб ўйлади (қорахонийлар ярим аср аввалроқ, сомонийлар давлатининг пойтахтларидан бўлган Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини босиб олган ва ғазнавийлар билан иттифоқ тузган эдилар). Шу мақсадда султон Санжар катта қўшин билан келиб Ҳазорасп қалъасини қамал қилди. Бу жангда хоразмшоҳ Отсиз енгилди, у қамалга дош беролмай, қочишни афзал кўрди. Бу жанг тафсилотлари, Адиб Собир Термизий билан Рашидиддин Ватвот ўртасида жанг вақтида бўлган шеърӣ мунозара Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» (Бурибой Аҳмедов таржимаси) асарида аниқ тасвирланган, (Жангда ўлганлар орасида хоразмшоҳнинг ўғли Отлик ҳам бор эди. Бу мағлубиятдан сўнг Алоуддин Отсиз султон Санжар номига тавба-таъзарру билан, узр сўраб, элчилар билан мактуб юборди. Лекин, кўп ўтмай, яна салжуқларга қарши исён қилаверди. Султон Санжар бағрикенглик билан уни яна кечирди, у доно вазири Низомулмулк маслаҳати билан иш юритар эди.

## БУТУН МАВЖУДОТНИНГ САРВАРИ ИНСОН

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,  
Ақл кўзин қораси, жавҳари ҳам биз.  
Тугарак жаҳонни узук деб билсак.  
*Шаксиз, унинг кўзи-гавҳари ҳам биз.*

Умар Хайём ижодида кишилик тафаккурининг бутун бир даври ўз ифодасини топган. Мутафаккир шоир дунёнинг тузилиши, унда одамнинг ўрни ҳақида чуқур фикр қилади. Инсон дунёдаги энг олий мавжудот эканлигини таъкидлайди.

Улуғ мутафаккир шоирнинг асарларида мағрурлик, эркин фикрлик, ҳаётнинг ҳар бир тонгини қувонч ва шодлик билан кутиб олиш мотивлари жуда кучли ифодаланган. Май тимсоли ҳам шоир учун шодлик ва қувноқлик рамзи бўлиб хизмат қилади. У кишилик шахсиятининг эркинлигини куйлайди, инсоннинг мағрур руҳини қул қилган зулм ва ҳақсизликни қоралайди.

Аммо коинотнинг моҳияти ва асоси ҳисобланган инсоннинг қадрсизлигини, унинг фожиали ҳаётини кўрар экан, шоир дунёнинг бир камлигини кўриб хафа бўлади, иложи бўлса дунёни қайта тузардим, дейди.

Умар Хайём кўзимизга кўришиб турган дунёдан бошқа ҳаёт йўқлиги ҳақида гапириб, кўза лойида ҳам, иморат гиштида ҳам инсон танасининг зарраларини - шоҳлар бошини, гадолар қўлини, гўзалларнинг шаҳло кўзларини кўради. Унингча, одам ўлганидан кейин тупроққа айланади: заминда инсон танасининг заррачалари бор, улар ердан униб чиққан гиёҳлар, экинлар воситаси билан яна одам танасига ўтади ва ҳоказо.

Лола юзин ювди ёғингар кўклам,  
Лиммо-лим қадаҳга қўл узат бардам.  
Букун сен сайр этган ушбу кўкатлар  
Эрта тупроғиндан унар жамулжам.

Жонимиз бу танни тарк этиб кетар,  
Икки гишт гүримиз күзин беркитар,  
Кейин бошқа гурга гишт қуймоқ учун  
Бизнинг тупроқларни эзиб лой этар.

Бу ернинг юзида ҳар зарраки бор –  
Бир замон булмишдир ой юзли дилдор.  
Нозанинлар юзин гардин аста арт,  
Гўзал чехра эди бир вақт бу губор.

Умар Хайём охират ва ҳаёт тўғрисида кўп ўйлайди. У  
рубойларининг кўпида у дунёга мана шу реал дунёни  
қарши қўяди:

Афсус ҳаёт кетди, тонгим тун бўлди,  
Ажал дастидан кўп жигар хун бўлди.  
У дунёдан келиб, ҳеч ким айтмади:  
Кетганлар бошида қандай кун бўлди.

Мутафаккир олимнинг умр бўйи ҳақиқат излаб, чуқур  
мулоҳазалар қилиш натижасида у дунё ҳақидаги афсоналар-  
нинг пуч эканлигини кўради. Файласуф шоир охиратни ҳеч  
ким кўрмаганини, бу гапларнинг ҳаммаси одамларни ову-  
тиш ёки кўрқитиш учун тўқилган уйдирма эканлигини очиқ-  
ойдин айтади. Унинг фикрича, бизга кўриниб турган дунё-  
дан бошқа ҳаёт йўқ. Инсон ўлганидан кейин унинг руҳи уму-  
мий руҳга, танаси эса чириб тупроққа қўшилиб кетади: биз  
босиб юрган ернинг ҳар бир гарди қачонлардир шоҳларнинг  
боши ё гадоларнинг қўли ёки гўзалларнинг кўз қорачиғи  
булгандир. Ана шундай тимсолий ўхшатишлар сабабли Хай-  
ём кўкатлар устидан босиб борар ёки йўл устидаги ажойиб  
қасрларга назар ташлар экан, шундай дейди:

Тупроқни топтайди нодон оёғи,  
Билмаски - бу жонон юзин тупроғи.  
Сарой кунгурасин безаган ҳар гишт -  
Султон қалласи ё вазир бармоғи.

Қайдаки гулзордир, шан лозордир -  
У ерда шаҳриёр - шоҳ қони бордир.  
Қайдаки бинафша унади ердан -  
Бир гўзал холи эди, энди губордир.

Дин ҳақида мулоҳаза юришиб, Умар Хайём унинг айрим томонларини, жумладан, тақдири азал ҳақидаги гапларни шубҳа остига олади. Худонинг иродаси, худонинг хоҳиши ҳақидаги диний тушунчаларга қарши Хайём жасурлик билан шундай дейди: Хоҳлаган ишимни хоҳламас худо, Қачон истагимни айлабди бажо? Унинг истаклари тўп-тўғри бўлса, Менинг истакларим барчаси хато.

Ҳамма динлар ҳам қуллик ва бандаликни тарғиб этади, озодликка интилган инсон иродасини букиб, унда қулларга хос хислатларни тарбиялашга интилади. Буни фош қилиб, Хайём: Каъбаю бутхона - қуллик хонаси, Бутхона занги ҳам шум таронаси. Меҳробу калисо, тасбиҳу салиб - Барчаси қулликнинг бир нишонаси, - дейди.

Инсоннинг мағрур руҳи ҳамма нарсадан юқори эканлигини тушунган мутафаккир шоир қуллик ва бандаликка қарши исён кўтаради, ақл ва мантиқ кучини диний ақидалардан юқори қўяди.

Руҳонийлар динни ниқоб қилиб, турли диндаги миллатлар орасига низолар солаётган ўрта асрчилик зулматида Умар Хайём инсоннинг энг яхши фазилатларини, хислатларини: бир-бирига ёрдам бериш, дўстлик, биродарликни улуғлади ва тарғиб қилди, одамларга яхшилик қилишни тоат-ибодатдан ҳам юқори қўйди:

Кўп сусткашлик қилмай ўтказ намозинг,  
Барча билан баҳам кўр кўпи озинг.  
Қасд қилма бировнинг молу жонига,  
Тонг-ла мен жавобгар, бер маю созинг.

Унингча, ҳатто Маккага бориб зиёрат қилиб келиш ҳам бирор кишининг дилини овлаш, кўнглини олиш олдада ҳеч гап эмас:

Муҳтожлик кўйида ҳар дилни овла,  
Юракка яқину маъқулни овла.  
Минг Каъба сафари бир дилча турмас,  
Маккада нима бор, кўнгилни овла.

Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод,  
Яхшидир ер юзин қилгандан обод.

Умар Хайём ўзининг бир қатор рубойларида меҳнат-севарчилик, билим олиш, таълимнинг аҳамияти ва фазолиятлар ҳақида қуйлайди. Унинг фикрича, кишини бахтсизликларга олиб келадиган нарса мол-мулкка ҳирс қўйиш ва тама-гирликдир. Шоир: «Шод бўлмоқ истасанг - элдан тама уз», - дейди ва дунёга ҳирс қўймасликка, қаноат билан яшаш-га чақиради:

Токай рангу бўгга асир бўлурсан,  
Яхши-ёмонни деб дилгир бўлурсан.

Унинг фикрича, меҳнат қилиб топиб ейилган нон қад-рли ва ширин бўлади:

Бир сўнгатка сордек қаноат қилгон  
Афзалдир нокасга бўлгандан меҳмон.  
Нокасининг шиннилик нонидан яхши.  
Ўзинг топиб еган бурда арпа нон.

Киши қанчалик камсухан, меҳнаткаш, камтарин бўлса, унинг фазилатлари шунча аъло, эл ичида эътибори баланд бўлишлигини шоир ажойиб тимсоллар орқали таърифлайди:

Биласанми савсан ҳам сарв тақдирин,  
Оғизларда дoston бўлганлик сирин?  
Бириси юз тили билан жим турар,  
Бириси юз қўлдан узатмас бирин.

Умар Хайёмнинг барча шеърлари гуманизм руҳияти билан йўғрилгандир. Шоир инсоният олдида жуда катта хизмат қилди, зулмат ичида билим машъалини ёқди, инсон тақдирини ўйлаб, унинг бекордан-бекорга кукун бўлаётганини, «очилмай сўлаётгани»га хафа бўлди, «бу қора тундан» кутулиш йўлларини қидирди.

Исёнкор шоир ҳақсизлик ва ситамга барҳам бериш йўлларини топа олмагач, ҳар дамни ганимат билишга чақирди. Умр бир неча кунлик омонат, ундан олганингча олиб қол, қайғу, алам ҳам, шодлик ҳам ўткинчи, шунинг учун бу умрни ғам билан ўтказсанг - ғам билан, қувноқлик билан ўтказсанг - қувонч билан ўтади, деган хулосага келди:

Гул кулиб боқарди, май - жомда ёқут,  
Бир маст булбул кўриб, этолмай сукут  
Юрак тили билан шивирлаб айтди:  
«Умр ўтиб боради, ҳар фурсатни тут!..»

Улуғ мутафаккир нариги дунё ва ундаги ҳақиқий ҳаёт ҳақидаги гапларнинг афсона эканлигини яхши тушунган, реал ҳаётни севган, унинг ҳаётга муҳаббати шунчалик кучли бўлганки, мангу яшаш ҳақида тинимсиз орзу қилган:

Май ич - мангу ҳаёт, ҳайҳот, мана шу!  
Ёшликнинг даврони, эй зот, мана шу!  
Гул фаслида маю маст улфат билан  
Бир дам ўлтир - асли ҳаёт мана шу!

Ҳаётнинг нақадар қисқалигини, энг олий мавжудот - қудратли инсон ҳам охири тупроқ билан қўшилишини кўрган ва ўлимга чора топиш мумкин эмаслигини тушунган шоир: шундай экан, бу дунёга келишнинг нима қизиғи бор эди, деган хулосага ҳам келади:

Келмоқ қўлда бўлса, келмасдим бир дам,  
Кетмоқ қўлда бўлса, кетмас эдим ҳам,  
Жуда соз бўларди - бу ғамхонага  
Келмасам, турмасам, келиб-кетмасам.

Шунинг учун ҳам Хайёмнинг умидсизлик руҳияти бор дейиш мумкин бўлган ҳар бир рубоийсида ҳаётга жўшқинлик муҳаббат қулф уриб туради, мангу ҳаётни орзу қилиш сезилади. Шоир умуман ҳаётга қарши эмас, у ҳаётдаги ўткинчиликка ва носозликка қаршидир.

Лекин буюк мутафаккир қандайдир ички ҳиссиёти билан олам абадий шундай қолмаслигини, инсон охири бошқа бир ҳаётга эришажagini сезади ва асрлар оша ўша ҳаётни кўришни орзу қилади:

Кошки тинч жой топиб, кетиб бўлсайди,  
Ё бу узоқ йўлни ўтиб бўлсайди,  
Юз минг йилдан кейин орзу-умидлар  
Тупроқдан кўкатдек униб кулсайди.

Шоир яна ҳамма нарса шу қудратли инсон қўлида эканлигини қайд қилиб, ёзади:

Умрингдан нафас ҳам ўтса, эй инсон,  
Қўлдан чиқармагил булмайин шодон.  
Қандоқ ўтказурсан - шундоқ Утар умр,  
Ҳушёр бул, шунақа аслида жаҳон.

### ***Фойдаланилган адабиётлар:***

1. Хайём Умар. Рубоийлар. —Т.: Ўзбекистон КП МС нашриёти, 1976.
2. Шомуҳамедов Ш. Жаҳонни мафтун этган адабиёт. —Т., 2000.
3. Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти тарихидан. —Т.: Университет, 1992.
4. Шомуҳамедов Ш. Ҳақиқат излаб. —Т.: Ўзфанакад-нашр, 1961.
5. Шомуҳамедов Ш. Хазиналар жилоси. —Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.

**Г.Т.ҚОБУЛНИЁЗОВА,**  
**фалсафа фанлари номзоди,**  
**доценти**

## **УМАР ХАЙЁМ ИЖОДИДА РУҲИЙ МУҲАББАТ МАСАЛАСИ**

Умар Хайём ижоди ўзига жуда кўп мухлисларни тортади ва уларнинг қалбида нозик ҳис-туйғуларни уйғотади. Бунинг сири нимада? Умар Хайём бизнинг давримизда ҳаётнинг хурсандчиликлари, гўзаллик, севги ва муҳаббат куйчиси сифатида машҳур бўлган. Ваҳоланки, Умар Хайёмнинг бутун дунёга машҳур бўлган рубоийларидан ташқари, кўпгина математика соҳасидаги асарлари, фалсафий рисоалари ва астрономия фанига оид кўпгина тадқиқотлари ҳам бўлган.

Маълумки, салжуқийлар даврида Умар Хайём машҳур бўлган вазир Низомулмулк қошида катта обрў-эътиборга эга бўлган, бундан ташқари у, Султон Малик шоҳнинг нодими ва Исфаҳондаги йирик расадхонанинг раҳбари бўлган. Расадхона ишига Умар Хайём йигирма йиллик ҳаётини бағишлади ва натижада дунёдаги энг аниқ астрономик тақвим-календар яратди. Унинг фалсафа соҳасида ҳам кўпгина асарлари бўлган эди ва улар бизнинг давримизгача ҳам етиб келди. Лекин қизиғи шундаки, Умар Хайём ўзининг илмий тадқиқотлари билан эмас, балки ўзининг гўзал ва нозик шеърляти билан асрлар довонидан ошиб замондошларимиз қалбида самимий қизиқиш ва меҳр уйғота олди. Биз бу сирни ўз мақоламизда очишга ҳаракат қилдик.

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,  
Ақл кўзин қораси - жавҳари ҳам биз.  
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,  
Шаксиз унинг кўзи-гавҳари ҳам биз.

Бу рубоийда Умар Хайём инсон, унинг ички ҳис-туйғулари, борлиқдаги ўрни ва ҳаётнинг ўткинчилиги каби

фалсафий масалаларни тасвирлаган. Умуман олганда, унинг рубоийларида фалсафий масалалар ниҳоятда содда, гўзал ва инсон қалбига яқин бўлган шаклда ифодаланади. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, Умар Хайёмнинг ижоди бир текисда бўлмаган. Уни уч даврга ажратиш мумкин.

Биринчи даврда Умар Хайём ҳаёт қувончлари, муҳаббат ҳис-туйғулари ва май келтирадиган хурсандчиликларни ўз шеърларида ифодалайди.

Иккинчи даврда эса, ҳаётнинг ўткинчилиги, хурсандчилик билан бир қаторда ғам-қайғу ўрин алмашилиши, бу дунёнинг баъра қувончлари ҳам, ҳасратлари ҳам ўткинчи эканлиги ва ҳаёт буюк бир гирдобни эслатиши шеърларида яққол кўзга ташланади.

Ўз ижодининг учинчи даврида Умар Хайём руҳий сокинлик ва хотиржамликка эришганини сезишимиз мумкин. Масалан, Хайёмнинг қуйидаги рубоийсида:

Тақдир лавҳасида ҳукмим бўлгонда,  
Майлимга ёзардим, уни шу онда.  
Қайғуни дунёдан йўқотиб буткул.  
Шодликдан бўларди бошим осмонда.

Шоир инсонни ўз ҳаётида тақдирнинг қийинчилик-ларига чидамли бўлишга ундайди. Унинг қалбидан чиқаётган най садолари гоҳида ғамгин, гоҳида эса қувноқ туюлади:

Десалар майпараст, худди ўша мен.  
Десалар фосиқ, маст, худди ўша мен.  
Сиртимга бунчалар қарама, дилим —  
Бўлса тоза ё паст, худди ўша мен.

Бир қанча муаллифлар Умар Хайёмни тасаввуф таълимотига яқин бўлган шоир деб ҳисоблайди. Тасаввуфда май ҳаёт хурсандчилиги тимсоли сифатида ишлатилади. Инсон бу дунёга ғам-алам чекиш учунгина эмас, ҳаётдан хурсанд бўлиш учун ҳам келади. Инсон қалби муҳаббат ва хурсандчилик боғини ўзига макон қилиб танлайди. Лекин бу боққа ғурбат ва ташвиш қора илон бўлиб кириб олади. Умар Хайём фикрича, инсон руҳи бу моддий оламга қувонч учун келади. Руҳ учун инсон танаси зиндон эмас ва руҳ ундан ҳазар қилмайди, балки улар бир-бирига мойилдир.

Умар Хайёмнинг фалсафий шеъриятида руҳ материяга қарама-қарши қўйилмаган, аксинча, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Умар Хайёмнинг бу фикрини тўққиз асрдан кейин Фридрих Ницшенинг «Зардушт таваллоси» асарида ҳам учратишимиз мумкин. Фридрих Ницшенинг Зардушти ҳам оламни у дунё ва бу дунёга ажратмайди. Олам ягонадир ва унинг гавҳари комил инсондир. Худди шундай, Умар Хайём ҳам тўғарак олам узук бўлса, унинг гавҳарини инсон деб ҳисоблайди. Инсоннинг моддий танаси ердаги барча тоғу-тошлар ва ўсимликларда мавжуддир.

Сен-мендан олдин ҳам тун-кун бор эди,  
Айланган фалак ҳам бутун бор эди.  
Тупроққа авайлаб қадамингни қўй,  
Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди.

Инсон ўз олдига аниқ мақсадлар қўяди ва унга интилади, лекин тақдири унга аён эмас, инсоннинг барча режаларини ўзгартириб юборадиган кучни инсон тафаккур, ақл орқали била олмайди. Тақдир деб, илоҳий кучларнинг парда орқасидаги ўйини айтилади. Бу ўйиндан инсон, умрининг охиригача беҳабар қолади:

Азал сиррин билолмасмиз на сену, на мен.  
Бу жумбоқ, ҳал қилолмасмиз на сену, на мен.  
Парда орқасидандир бу ғувуримиз,  
Парда кетару қолмасмиз на сену, на мен.

Шоир қисматнинг қийинчиликларидан шикоят қилади. Шунга қарамай, у инсонларни хурсандчиликка, муҳаббат ва ғўзалликдан лаззатланишга даъват этади. Умар Хайём ўтмишни ҳам, келажакни ҳам ўйламасдан, ҳозирги кун билан яшаб, ундаги барча яхшиликлардан баҳраманд бўлиш керак дейди:

Кечаги кунингни айламагил ёд,  
Эртанг келмай туриб, этма кўп фарёд.  
Ўтган, келмаганга қайғурмоқни қўй,  
Кувноқ бул, умрингни қилмагил барбод.

Умар Хайём Низомулмулк саройида яшаган пайтидаги беташвиш кунлари ўтиб кетганидан кейин, ҳаёти қийинчилик ва моддий ташвишларга ботиб кетади. Шунга қара-

май, шоир ҳаётнинг гўзаллигини ўз шеърларида куйлашда давом этади.

«Мавжудликнинг умумийлиги» ҳақидаги асарида Умар Хайём ақл, жон, муҳаббат ҳақида фикр юритади. У Ибн Синога ўхшаб ақл ва жонни бир неча шаклларга ажратади. Ақлнинг энг юқори шакли фаол ақлдир. Фаол ақл муҳаббат ёрдамида жонга таъсир этади ва у билан биргаликда оламни ҳаракатга келтиради. Жон эса ўз-ўзини англашга интилади ва муҳаббат орқали фаол ақлга яқинлашади. Умар Хайём фикрича, жон ва фаол ақлни бирлаштирувчи куч — бу муҳаббатдир. Албатта, бу муҳаббат руҳий муҳаббат бўлиб, жонни ўз-ўзини англашга ёрдам беради, фаол ақлни эса, жон билан бирлашишига хизмат қилади.

Умар Хайёмнинг муҳаббат ҳақидаги фикрлари тасаввуддаги қарашларга ниҳоятда яқин бўлган. Сўфийлар таълимотида Худо бутун борлиқ билан бирлашиб кетган, унинг нури борлиқнинг ҳар бир заррачасида, ҳар бир вужудида мавжуд. Шунинг учун сўфийлар дунёқарашида Оллоҳга бўлган муҳаббат бутун борлиқ билан бирлашиб кетишидир, ўз «Мен»лигини енгишдир, ўз иродасидан воз кечишдир. Умар Хайём фикрича, ўз «Мен»лигидан воз кечиш анча мураккаб жараён бўлиб, зиддият ва қийинчиликларга бойдир. Умар Хайёмнинг бир қанча рубойларида руҳий муҳаббат олқишланган бўлса, бошқа бир қисмида ер муҳаббати афзалроқ кўринади:

Гул фасли, сув бўйи, кўкаламда гар.  
Бўлса уч-тўрт улфат, ой юзли дилбар,  
Кадаҳни сипқорғил, тонгда ичганлар —  
Масжиду черковдан қутулгандирлар.

Умар Хайём ўз «Мен»лигидан кечиш, инсон учун ниҳоятда мураккаб жараён деб ҳисоблайди ва бу нарса руҳий эркинликни йўқотишга ҳам олиб келиши мумкин деб ўйлайди. Бу эса, ўз навбатида, инсонни бошқаларнинг акси, нусхасига айлантириб қўйиши мумкин. Умар Хайёмнинг бу фикри ҳам олмон файласуфи Фридрих Ницшеннинг инсоннинг руҳий эркинлиги ҳақидаги фикрларига ўхшаб кетади. Ф. Ницшеннинг фикрича, инсон комилликка ўзининг руҳий эркинлигидан, «Мен»лигидан ва иродасидан воз кечмасдан ўтиши керак.

Шундай килиб, Умар Хайём фикрича, руҳий муҳаббатга эга бўлиб инсон моддий оламнинг барча гузаллигига, ҳис-туйғуларидан воз кечмайди. Ҳис-туйғулар масалан, майга ва гузал маъшуқага бўлган ҳиссиётлар руҳий муҳаббатнинг бир кўриниши, шакли деб ҳисобланади. Умар Хайём шеъриятида руҳий муҳаббат энг кучли ҳаётий бир қувватдир. Инсон ҳаёти қисқа, лекин ўлим инсон танасидаги руҳни енга олмайди, ҳатто, тана ҳам изчил ҳаётдан йўқолмайди. У тупроқдан ўсимликка, ўсимликдан тошга, сувга, ҳавога айланади. Моддий тана материянинг айланма ҳаракатида тинимсиз иштирок этади. Руҳ эса тананинг ўлимидан кейин оламий руҳга қўшилиб кетади. Ўлим - бу йўқ бўлиб кетиш эмас, балки бир шаклдан бошқа бир шаклга ўтишдир.

Умар Хайём ҳаётни чексиз ва бепоён уммонга ўхшатади, айрим инсонларнинг ҳаёти эса, бу уммонга қўшилиб оқётган дарёлардир. Хайём фикрича, барча дарёлар ҳам денгизга қўшила олмайди, айримлари йўлда саёзлашиб туриб қолган кўлмакларга айланиб қолади. Ҳаёт дарёсида тўғри сўз ва ҳалол инсонлар оқимга мослаша олмай чўкиб кетишлари мумкин, иккиюзламачи ва нопок шахслар эса, оқимга мослашиб ҳаётнинг барча лаззатларидан баҳраманд бўладилар. Ҳаёт ўзи катта бир томошага ўхшайди, инсон эса томошабинга. Бу томошани саҳналаштирувчи Оллоҳ инсон тафаккури учун парда орқасида яширинган ажойиб бир сирдир. Оламнинг бу сирини ҳеч қандай донишманд ва олим била олмайди.

Бизлар қўғирчоғу, фалак кўрчоқбоз.

Бу сўзим чин сўздир, эмасдир мажоз.

Йўқлик сандуғига бир-бир тушамиз,

Вужуд палосида ўйнагач бир оз.

Умар Хайём Ибн Сино фалсафий таълимотининг та-рафдори бўлган ва унинг жон ҳақидаги кўпгина фикрларига қўшилган. Ибн Синонинг «Асхавия» («Нурла-ниш») асарида инсон жони ўлимидан кейин маъод оламига қайтади ва у ерда ўзининг қилган яхши ва ёмон ишларининг таъсирини ва куч-қудратини ҳис қилади, дейилган. Ибн Сино бу асарида таносух таълимотини тан олади ва инсоннинг руҳий ривожланиш жараёнида унинг муҳим ўрни-

ни кўрсатади. Материя айланма ҳаракат жараёнида қатнашгандай, руҳ ҳам комиллик даражасига кўтарилмагунча. ер ва маъод олами ўртасила. абалий қайтиш жараёнида қатнашади. Бу абадий қайтиш ва айланма ҳаракат гирдобидан руҳни фақат комилликка эришиш озод қилиши мумкин. Бу масалада Умар Хайёмнинг фикрлари Ибн Синоникига қараганда зиддиятлироқдир. Бир томондан, Умар Хайём руҳнинг абадий қайтиши ва таносухни тан олган бўлса, иккинчи томондан, бир қисм рубойларида инсон ўлимидан кейинги ҳаёт борлигига шубҳа қилади:

Дузаху жаннатни ким кўрган, э дил,  
У дунё хабарин ким берган, э дил.  
Кўрғув умидимиз шулардан, аммо —  
Ному нишонасин ким билган, э дил.

Умар Хайёмнинг бу шубҳалари тасаввуф таълимотидаги фано ҳолатини охиригача қабул қила олмаганлигидан далолат беради. Хайём фикрича, инсон ўз «Мен»лигидан ва шубҳаларидан ҳеч қачон озод бўла олмайди. Инсон қалбида ўзлигига бўлган ҳиссиёт Оллоҳга бўлган муҳаббатига жой бўшатиб бера олмайди. Умар Хайёмнинг юқорида келтирилган сўзларини эслар эканмиз, буюк сўфий аёл Робия Адавиянинг ҳам сўзларини эслаймиз. Робия айтдики, унга на жаҳаннам, на жаннат керак. У ёр висолидан бошқа ҳеч нарса истамайди. Робия учун ёр - бу Оллоҳдир ва унинг бутун қалби Оллоҳга бўлган муҳаббат билан лиммо-лимдир. Бундай фано ҳолатида Робия ўзлигини ҳам, шубҳаларини ҳам унутади ва бутун вужуди билан Оллоҳга қўшилиб кетади. Оллоҳга бўлган муҳаббат орқали фано ҳолатида инсон руҳи, ўлим устидан тантана қилади ва мангу ҳаётга эришади. Тасаввуфнинг бу ажойиб ҳолатини тафаккур орқали тушуниб ҳам, тушунтириб ҳам бўлмайди.

Умар Хайём ўзининг «Шайх ва шайтон» ҳақидаги ҳикосида айнан шу фано ҳолатини ҳис қилолмаганлиги ва бу ҳолатга етиша олмаганлиги очиқ ва равшан кўриниб туради. Шунинг учун, Умар Хайёмнинг руҳий муҳаббат ҳақидаги тасаввурлари бир-бирига қарама-қарши ва зид бўлган. Умар Хайём тасаввуф чўққиларига кўтарила олмаса ҳам,

кўпгина сўфийларни танқид қилган бўлса ҳам, унинг руҳи мангулик ва эзгуликка интилар эди.

Умар Хайём рубойларида биз унинг руҳий интилишлари ва бу йўлдаги хурсандчилик ва азиятлари-ни ҳис қилишимиз мумкин. XIX асрнинг ўрталарида Фарбий Европада ҳам Умар Хайёмнинг фалсафий ғояларга тўла шеърияти кенг тарқалди ва қисқа вақт ичида шухрат қозонди. Хайёмнинг фалсафий қарашлари Европада машҳур бўлган Ф.Ницше ва А.Шопенгауэр фалсафий ғояларига яқин бўлган. Гўзал шеърлари содда бадий тимсоллар шаклида берилганлиги учун мухлисларнинг қалбига осонроқ етиб борган. Комилликка эриша олмаган ўз руҳий эркинлигини барча нарсалардан устун қўйган инсоннинг бадий тимсолини биз Умар Хайём шеъриятида ҳам, фалсафий ижодида ҳам топишимиз мумкин. Руҳий муҳаббат йўлида Умар Хайём кўп изтироб чекди. Унинг руҳи ўзининг абадий манзилига етиб бора олмаган бўлса ҳам, буюк шоирнинг барча интилишлари зое кетмади. Хайём бизнинг қалбимизда ҳаёт хурсандчиликларига, муҳаббатга интилиш каби эзгулик уруғларини сочмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Хайём Умар. Рубойлар. —Т.: Ўзбекистон КП МС нашриёти, 1976.
2. Султонов Ш., Султонов К. Жизнь замечательных людей. — М., 1987.
3. Шомухамедов Ш. Умар Хайём. —Т.: Фан, 1962.
4. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. —Т.: Ўзбекистон, 1998.

## УМАР ХАЙЁМ ФАЛСАФИЙ ВА ХУСУСИЙ – ИЛМИЙ ТУШУНЧАЛАР ТУЁРИСИДА

Умар Хайёмнинг фалсафа ва хусусий фанлар, уларнинг тушунчалари, категориялари ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қарашлари у яшаган даврдаги илмлар таснифи ва фалсафий таълимотлар, хусусан борлиқнинг субстанцияси, унинг шаклланиши, турлари, уларни билиш шакллари ва усуллари ҳақидаги мавжуд тасаввурларга таянади. Унга, айниқса антик натур фалсафанинг анъаналари, хусусан Эмпедокл, Аристотель фалсафаси голярининг, шунингдек Ибн Сино ва ҳатто суфийлар таълимотларининг кўрсатган таъсирини алоҳида таъкидлаш зарур.<sup>1</sup> Мутафаккирнинг математика, астрономия, физика бўйича олиб борган тадқиқотларининг фалсафий таҳлили унинг фалсафий ва хусусий-илмий билимларнинг табиати ва ўзаро муносабати тўғрисида янги муҳим фикр-мулоҳазаларни билдиришига олиб келди. Улар олимнинг бизгача етиб келган математикага оид иккита, физикага тегишли битта, фалсафага тааллуқли тўртта китобида, хусусан «Борлиқ ва мақбулот тўғрисида», «Учта саволга жавоб», «Мавжудот тўғрисида», «Талаб бўйича китоб» («Дархостнома») ёки «Мавжудликнинг ялпи умумийлиги («Куллиёти вужуд») асарлари ҳамда машҳур «Рубойлар» ида мужассамланган.

Умар Хайём натурфалсафа анъаналаридан келиб чиқиб, математика ҳамда бошқа хусусий фанларни фалсафанинг бўлимлари деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, фанларни ўрганиш, уларни исботлар асосида эгаллаш эркинлик ва абадий бахт-саодатга эришиш учун зарур бўлган нарсалардан биридир: бу, айниқса жон, унинг абадийлиги, Аллоҳ ва фаришталар, уларнинг сифатлари, шу жумладан дунёнинг яратилиши ва ундаги тартибнинг белгиланиши тушуниб етиш учун керакли бўладиган умумий қонунлар, тушунчалар, қоидаларга тегишлидир.<sup>2</sup>

Олимнинг таъкидлашича, хусусий фанлар жузъий предмет ва ҳодисаларни ўрганеди. Умумий фалсафа эса уларнинг негизини ташкил этувчи субстанцияларни, моҳиятларни ўрганеди. Масалан, геометрия нуқта, чизиқ, юза, бурчак, айлана, тўғри чизиқ, текис юза каби тушунчаларни яратади. Лекин уларнинг моҳиятини, мазмунини, таърифланишини тадқиқ этиш билан фақат умумий фалсафа фанини чуқур эгаллаган кишиларгина шуғулланиши мумкин.<sup>3</sup>

Умар Хайём тушунчалар, категориялар, принципларни мавжуд предметларни ифода этадиган билиш шакллари деб ҳисоблайди. Хусусан, алгебра ва алмуқобаланинг ўрганиш предмети мутлоқ (абсолют) сонлар ва ўлчанадиган катталиклар бўлиб, улар ўз ҳолича номаълум ҳисобланади. Лекин улар маълум бир нарсалар билан, аниқроғи, ўзлари акс эттирадиган нарсалар, масалан, миқдор ёки муносабат билан боғлангандагина маъно-мазмунга эга бўлади. Мазкур фаннинг - санъатнинг мақсади ҳам айнан ана шундан иборат. Бу олим фикрича, Аристотелнинг «Категориялар» ва «Биринчи фалсафа» асарларида узлуксиз миқдорларнинг тўртта турини ифода этувчи тушунчалар: чизиқ, юза, жисм ва вақт тушунчалари мисолида батафсил баён қилинган.<sup>4</sup>

Умар Хайёмнинг айтишича, борлиқдаги мавжуд якка, жузъий предмет ва ҳодисалар ҳисобсиз сабабларга эга бўлгани учун уларни бир хил тартибда ўрганиб бўлмайди, буни ижодкор ақл тўла тушуниб етишга қодир эмас; фақат ҳиссий мушоҳада, хаёл, фикр билан билинадиган нарсаларнигина тушуниш мумкин. Шундай экан, категориал билимларнинг табиати, турлари ва ўзаро алоқаларини аниқлаш учун борлиқнинг тузилишга мурожаат қилиш зарур.

Буюк алломанинг таъкидлашича, тушунчалар, категориялар ифода этувчи борлиқ объектлари умумийликдан иборат. Бу умумийлик турли шаклларда мавжуд бўлиб, маълум тартибда пайдо бўлади ва жойлашади. Хусусан энг умумий мавжудот, бутун борлиқнинг яратувчиси худо. У ягона, бошқа умумийлар билан уни тенглаштириб бўлмайди, чунки улар ана шу бирламчи умумийнинг, зарурий вужуд (ёки вужуди зарур)нинг маҳсули ва ундан келиб чиқади.

Яратувчидан бошқа барча умумий мавжудотлар субстанция бўлиб, улардан иборат. Субстанциянинг икки турли мавжудот моддий жисм ва мутлоқ (абсолют), улардан биринчиси қисмларга бўлинадиган ва бўлинмайдиганлар орасидаги тафовутга борлиқдаги тартибга нисбатан олинганда кўрилади. Хусусан, мутлоқни тартибга нисбатан олсак, унинг иккита умумий шакли мавжудлигини кўрамиз. Улардан бири ақл, иккинчиси - жон бўлиб, ҳар қайсиси ўн босқичдан иборат. Масалан, биринчи ақл ижодкор ақл, бошқа барча ақлларнинг яратувчиси, иккинчиси - бутун осмоннинг бошқарувчи-си, учинчиси - осмонларнинг осмонини идора этувчи, тўртинчиси - Сатурн, бешинчиси - Юпитер фаолиятини ташкил этувчи ва ҳоказо.<sup>5</sup>

Буёқ аллома билиш жараёнида ақл ва қалбнинг ўзаро муносабати масаласига тўхталиб, ақлни қалбга, руҳга эга ва ўз навбатида, ҳеч бир жонни ақл-идроксиш яшай олмайди, деб ҳисоблайди. Улар биргаликда само-ни, сайёраларни бошқаради. Бунда руҳ, қалб самони ўз фаолияти билан ҳаракатга келтирса, ақл уни ишқ-муҳаббат билан ҳаракатга келтиради ва шунинг учун ҳам ақл руҳга, қалбга нисбатан юқорироқ туради, зарурий вужудга яқин бўлади. Шу сабабга кўра ҳақиқатни билишда ақл мустақил, руҳ эса унинг кўмагига муҳтождир.

Ақл ва руҳ, уларнинг бирлиги, Умар Хайёмнинг таъкидлашича, самони ҳаракатга келтирувчи куч бўлибгина қолмай, балки уни билиш воситаси ҳамдир. Зарурий вужуд ва борлиқни билиш, улар тўғрисида билимларга эга бўлиш, тушунча ва категорияларни яратиш ана шу мавжудотларнинг табиати, самонинг ҳаракати билан белгиланади. Математика тилида мутафаккир уни қуйидагича изоҳлайди: «Бу ҳаракат, самонинг қисмларини ҳисоблашнинг тақозо этади ва умумий учун зарур бўлмиш сонларга олиб келади. Тўлиқ сон зарурий равишда чексиз, чунки чегарали сон қисмдан иборат бўлиб, у тўлиқ сонни тенг ярим бўлақларга бўлиш натижасида ҳосил бўлади ҳамда жуфт ва тоқ бўлиши мумкин».<sup>6</sup>

Мутафаккирнинг фикрича, шуни назарда тутиш лозимки, умумий вужуд, абадий бўлгани ҳолда, зарурий вужуднинг натижаси ҳисобланади. Зарурий вужуд мутлоқдир. «Мутлоқнинг таърифи қуйидагича: унинг узунлиги,

эни ва ҳоказолари йўқ, у барча нарсаларнинг манбаи ва уларнинг шаклини белгилаб беради». <sup>7</sup> Зарурий вужуд пайдо қиладиган ҳамда тушунчалар, категорияларда акс этадиган умумийлик, яъни умумий вужуд учта кўринишда: ижодкор ақл, умумий руҳ ва умумий жисм шаклида мавжуд. Умумий жисмнинг ҳам уч тури мавжуд: само, материя ва барча туғилган мавжудотлар. Бунда само ва ёритгичлар пайдо бўлмайди ҳам, йўқолмайди ҳам. Унинг кетида материялар бўлиб, улардан биринчиси олов, иккинчиси - сув, учинчиси - ер. Туғилган мавжудотларнинг биринчиси минераллар, кейингиси - ўсимликлар, ундан кейингиси - ҳайвонлар ва охиригиси - одам.

Умар Хайём мавжудотларнинг тартибини алфавит ҳарфлари ва сонлар қаторига қиёс қилади. Бунда у зарурий вужудни алфавитдаги «Алиф»га ва сонлар қаторидаги «Бир»га ўхшатиб, барча ҳарфлар «Алиф»-дан, барча сонлар «Бир»дан келиб чиқади, деб таъкид-лайди.

Буюк аллома фикрича, жисмлар категориал билимлар объекти сифатида материя ва шаклдан таркиб топиб, сифатга эга, бу сифат умумийда руҳ, хусусийда моддий сабаблар орқали берилган. Қадимда хусусий ҳолатларни ўрганишга кўп аҳамият беришмаган, асосий эътиборни умумийни билишга қаратишган. Чунки, умумий доимий бўлиб, у ҳақидаги илм ҳам мустаҳкам. Умумийни билган киши хусусийни, жузъийни ҳам тушунади. <sup>8</sup>

Умумий, яъни фалсафа ва хусусий фанлар тушунчаларида ифода этиладиган сифат, Умар Хайёмнинг таъкидлашича, беш турда: жинс, тур, бўлим, алоҳидалик ва акциденция кўринишда бўлади. Буларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда умумийдир. Масалан, жинс тўпلامни қамраб оладиган умумий сўз ва демак, тушунчадир. Субстанция бунга мисолдир. Субстанция деганимиз - у яратувчи, тангридан бошқа барча билиш мумкин бўлган жисмлардир. Умумий моҳият сифатида у икки турга бўлинади: ўсадиган ва ўсмайдиган. Ўсадигани ҳам, ўз навбатида, икки турда бўлади: ҳайвонлар ва ҳайвон эмаслар. Ҳайвонлар ҳам икки турда: сўзлайдиган ва сўзламайдиган. Бу ерда тур бўлинмайдиган жинс - сўзловчи ҳайвон ўрин олган. Бошқалари оралиқ турлар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз олдида турганига нисбатан тур, кетида турганига нисбатан умумийдир.

Демак, уларнинг ҳар бири ҳам умумий, ҳам жузъийдир. Масалан, субстанция сўзидан ҳисобланган ҳайвон ва ҳайвон эмасларга нисбатан жинсдир. Уз навбатида, юқорида тур бўлиб, ҳисобланган ҳайвон сўзлайдиган ва сўзламайдиган ҳайвонларга нисбатан умумийдир.

*Субстанция*, мутафаккирнинг таъкидлашича, шундай умумийки, у барча жинсларни қамраб олади. *Бўлим* эса умумийни умумийдан, жузъийни жузъийдан фарқ қилишга имкон берадиган умумийдир. Масалан, ҳайвон сўзлайдиган ва сўзламайдиганларни ўзида ифода этувчи битта сўздир. Сўзлайдиган ҳайвон бўлим бўлиб, у инсонни нутққа эга ҳайвон сифатида бошқалардан фарқ қилади. *Алоҳидалик* - бу шундай хусусиятки, уни субстанциядан ҳаёлда ҳам ақлда ҳам ажратиб бўлмайди. Масалан, намликни сувдан ажратиб бўлмайди. Умумий *акциденциялар* тўққизга бўлинади: сон, сифат, муносабат, ўрин, вақт, ҳолат, эгалик, таъсир ва азият. Бунда сон - нечта эканликни, сифат - қандай эканликни, муносабат - нима қайсига эканликни, ўрин - қаерда эканликни, вақт - қачонни, ҳолат - қайси кўринишда эканликни, эгалик - нимагани, таъсир - нима қилишни, азият - нима бошдан кечираётганлигини англатади.<sup>9</sup>

Маълумки, мазкур тўққиз категорияни буюк Грек мутафаккири Аристотель ўзининг «Категориялар» асариде махсус таҳлил қилган. Уларнинг барчасини юнон олими субстанция категориясини аниқлаштирадиган, уни таърифлайдиган тушунчалар, деб ҳисоблаган. Бу ҳолат Аристотель мантиқий таълимотининг Умар Хайёмнинг билиш ва унинг категориал шакллари тўғрисидаги қарашларига кўрсатган катта таъсирини билдиради.

Худди шунингдек, Аристотелнинг умумий ва хусусий, материя ва шакл, зарурийлик ва тасодифийлик, сабаб ва оқибат категориялари тўғрисидаги фикрларининг ҳам Умар Хайём ижодида ўзига хос акс этганини ва ривожлантирилганини пайқаб олиш қийин эмас. Сабабият тўғрисидаги Умар Хайёмнинг қуйидаги сатрлари диққатта сазовардир:

*Сабаб саҳросида кимки саргардон,  
Ишларин унингсиз юритар яздон,  
Букун бир баҳона ўртага ташлаб,  
Эрта бажо бўлур тақдири осмон.<sup>10</sup>*

Мутафаккирнинг умумийнинг жуда кўп турларини фарқ қилиши ва уларни тавсифлаб бериши ҳам эътиборга лойиқдир.

Умар Хайём зарурий вужудни билишни вужуди мумкинни билишга қараганда мураккаброқ деб ҳисоблаб, уни амалга оширишни донолар иши деб тушунган ва уларнинг тўрт гуруҳини ажратиб кўрсатган ҳамда тавсифлаган.

Биринчиси, мутакаллимлар бўлиб, улар анъанавий исботга асосланган фикрга қўшилишади. Бу муқаддас ном билан аталувчи яратувчини билиш учун етарлидир.

Иккинчиси, файласуфлар ва олимлар ҳисобланиб, улар тангрини мантиқ қонунларига асосланган соф ақлий исбот ёрдамида биладилар.

Учинчиси, исмоилийлар (ва таълимийлар). Уларнинг таъкидлашича, яратувчини, унинг мавжудлиги ва хислатларини билишнинг ишончли йўли пайғамбарлар ва бошқа йўл бошловчилар берган хабарлардир. Исботга асосланган билишда жуда кўп мураккабликлар, зиддиятлар бўлиб, уларни англашда ақл ожизлик қилади ва шунинг учун ҳам кўп адашади.

Тўртинчиси, сўфийлар бўлиб, улар тангрини муҳокама юритиш, ўйлаш билан билишга уринмайдилар. Улар руҳни ахлоқий камол топтириш негизида табиат, жисмлар нопоклигидан тозалайдилар ва бунинг натижасида субстанция покизаланиб, фаришталар билан тенглашади ҳамда унда яратувчининг образи намоён бўла бошлайди.<sup>11</sup> Мутафаккирнинг фикрича, айнан мана шу охириги зарурий вужудни, унинг қудратини, кароматини ва буюк хислатларини билишнинг ишончли ва тажрибада синалган йўлидир. Бу Умар Хайёмнинг тасаввуф фалсафасининг жиддий таъсирида бўлганидан ҳам гувоҳлик беради.<sup>12</sup>

Буюк мутафаккир тангри яратган ва инсон билиши мумкин бўлган нарсаларнинг барчасини бошқа бир жойда учта турга бўлган: зарурий, эҳтимолий, мумкин бўлмаганларга. Зарурий нарса бу мавжуд бўлган моҳият. Эҳтимолий нарса бу мавжуд бўлиши ҳам мумкин, ҳам мумкин эмас нарсалар. Мумкин бўлмаган нарса бу мавжуд эмас нарсалар. Барча муносабатларда ва доимий мавжуд нарса зарурий вужуд, яъни тангридир.<sup>13</sup> Уни билиш ва тушунтириш фалсафий ва диний онларнинг доирасида амалга

ошади. Ундан пастроқ турган умумийларни ўрганиш хусусий-илмий билишнинг тасарруфидадир.

Олимнинг бу мулоҳазалари унинг фалсафий ва хусусий-илмий тушунчаларда акс этадиган умумийлик-ларни етарли даражада аниқ тасаввур қилганлигидан ва фарқлаганидан далолат беради.

Шундай қилиб, Умар Хайём антик фалсафа анъаналари, айниқса, Аристотелнинг ҳамда перипатетиклар, шу жумладан, Шарқ перипатетиклари амалга оширган илмлар таснифи, фалсафа (метафизика) ва хусусий фанлар орасидаги муносабат тўғрисида билдирган фикрларига таяниб, уларни ижодий ривожлантириб, ўзининг фалсафий ва илмий билиш, уларнинг категориал шакллари ва ўзаро алоқалари ҳақида чуқур мулоҳазаларини таклиф этди. Хусусан, зарурий вужуд, субстанция-ларга ва акциденцияларга оид умумийни билишни фалсафанинг вазифаси, жисмларга хос умумийни билшини хусусий фанларнинг иши деб ҳисоблаши у яратган таълимотдан келиб чиқадиган хулосадир.

1. Қаранг: Соколов В.В. Средневековая философия. —М., 1979. С.211.
2. Омар Хайём. Комментарий к трудностям о введении книги Евклида. —М., 1961. С.113.
3. Қаранг: Ўша ерда. С.114.
4. Қаранг: Омар Хайём. Доказательствах задач алгебры и алмукабалы. Трактаты. —М., 1961. С.69.
5. Қаранг: Омар Хайём. Трактат о всеобщности существования. //Трактаты. —М., 1961. С.182.
6. Омар Хайём. Трактаты. С.182.
7. Ўша жойда. С.183.
8. Қаранг: Ўша жой. С.183.
9. Қаранг: Ўша ерда. С.184.
10. Умар Хайём. Рубойлар. —Т., 1981. Б.94
11. Омар Хайём. Трактаты. —М., 1961. С.186.
12. Қадимги дунё ва Ўрта аср фалсафаси. С.Йулдошев ва бошқалар. —Т., 2003. Б.138.
13. Қаранг: Омар Хайём. Трактаты. —М., 1961. С.185.

## УМАР ХАЙЁМ ДУНЁҚАРАШИНING МОҲИЯТИ

Умар Хайём гениал ақл соҳиби сифатида ўзида шундай хилма-хил қирраларни жо этганки, уларнинг бир шахсда намоён бўлиши юзаки қараганда жуда зиддиятли кўриниши ва ҳатто, Хайём таълимотининг изчиллигига, ҳақиқийлигига шубҳалар уйғотиши табиий ва шундай бўлиб келган ҳам.

Бу борада кўпчилик олимлар рус олими В.А.Жуковскийнинг Умар Хайём ҳақидаги куйидаги фикрлари тарзида хулоса чиқарадилар: «У - хурфикрли, динга ғорат келтирувчи; у - худосиз ва материалист; у - мистикани масхараловчи пантеист; у - диндор мусулмон, изчил файласуф, ўткир кузатувчи олим; у - шалоқ юрувчи, бузук одам; у - риёкор, мунофиқ; у - Худони оддийгина таҳқирловчи эмас, балки дину имонни бутунлай рад этишнинг тажассуми; у - юмшоқ табиат, ҳаёт лаззатидан кўра илоҳий нарсаларни кузатишга берилган киши; у - скептик, эпикурчи; у - форсларнинг Абуаълоси, Вольтери, Гейнеси».

Умар Хайём дунёқарашига хос деб ҳисобланган ушбу зиддиятларни бартараф этишга кўплаб олимлар уринганлар. Лекин ҳануз бу масалада қониқарли тўхтамга келинмаган. Бу масалани ёритишда ҳозирги давр ўзбек олимларидан Нажмиддин Комиловнинг изланишлари, бизнингча анча илгарилаб кетган. Шунинг учун бугунги кунда биз Умар Хайём дунёқарашининг моҳиятини аниқлашда айни шу изланишларга таянишимиз ва уларни бир қадар ривожлантиришга ҳаракат қилиб кўраимиз.

Н.Комилов Умар Хайёмнинг ўзига, унинг ўз устози Абу Али ибн Синонинг ўзи ҳақида айтган «Мен шунчалик улғайдимки, олам менга сигди-ю, аммо мен оламга сизмадим», деган сўзларига таяниб, «Хайём ҳам шундай дея

оларди». деган фикрни билдирати ва Ҳайём дунёқараши-ни тушунишдаги зиддиятларни жамият маънавий қашшоқ-лиги билан жамиятдан беқиёс илгарилаб кетган тафаккур орасидаги зиддият фожеаси дея баҳолайди.<sup>1</sup>

Биз шу фикрга тамомила қўшилаемиз ҳамда ушбу зид-дият афсуски, бугунги кунда ҳам тўлиқ бартараф этилма-ган деб ҳисоблаймиз. Чунки бугунги кунда бизнингча, дин, фалсафа, фан, хурфикрлилик орасидаги фарқ ва умумият масалалари тўлиқ ечилган эмас. Умар Ҳайём дунёқараши-даги изчилликни эса юқоридаги масалага аниқлик кирит-май туриб ечиб бўлмайди.

Дин, хурфикрлилик, фалсафа ва фан орасидаги фарқ ва умумият масаласини ёритишида эса ё тасаввуф фалса-фасининг ғояларидан ё ҳозирги давр фалсафий тафакку-рининг энг янги ёрқин намояндаларининг ғояларидан фойдаланиш мумкин. Бизнингча, кейинги йўл ҳозирги кунда маъқулроқ. Чунки мунаққидларнинг кўпчилиги та-саввуф ўтмиш даврга хос, бугунги тафаккур эса кечаги-дан бойроқ ва илғорроқ деган ақидага асосландилар. Шунга кўра биз машҳур француз ёзувчиси Ромен Роллан «Даври-мизнинг бағоят буюк мутаффақкири» дея шарафлаган, Робиндранат Тагор эса «ҳиндистон қалбини ўзида тажас-сум этган овоз», дея ифтихор этган Шри Аурабиндо Гхош нуқтаи назаридан фойдаланиш мумкин ва мақсага муво-фиқ бўлса керак деб ўйлаймиз.

Шри Аурабиндонинг тушунтиришига кўра, турли дин-лар орасида, дин билан тариқатлар орасида, дин билан фалсафа, дин билан фан, ҳиссий ва ақлий билиш, ақлий ва иррационал билишлар орасида моҳиятан зиддият йўқ. Зеро, унингча, «Билимларнинг барчаси ҳам беистисно худони билиш илмидир».<sup>2</sup> Гхош дунёқарашлар орасидаги ва билимнинг барча шакллари орасидаги умумиятни шу тариқа очиб бераркан, кейин уларнинг бир-биридан фар-қини ёритишга ўтади: «Дастлаб ҳис-туйғулар билимни та-шқи ҳаёт воситасида излашга мажбур бўладилар; зеро, менталитет етарли даражада ривож топмагунича руҳий билимга эга бўлиш мумкин бўлмайди, ҳамда ақлий билим ривожига пропорционал равишда руҳий билим имкони-ятлари ҳам бойроқ ва тўлароқ бўлиб бораверади».

Мутафаккир шу умумий фикрни олдинга суриш би-

лан чекланиб қолмайди, балки маънавий маданиятнинг барча асосий соҳаларига татбиқан бирма-бир очиб ҳам беради.

Фан, санъат, фалсафа, ахлоқшунослик, психология, одам ва унинг ўтмиши ҳақидаги билимлар, амалиёт - буларнинг барчаси худонинг табиат ва ҳаётда яратган нарсаларини ва қилган ишларини билиш воситаларидир. Даставвал бизни ҳаётдаги мавжудотлар ва табиатдаги турли шакллар ўзига жалб қилади, лекин агар биз бу жараёнларга чуқурроқ кириб борсак ва тобора кенгроқ қараш ва тажрибага эга бўлиб борсак, буларнинг ҳар бири бизни Худо билан юзма-юз бўлишга қадар олиб чиқа олади. ҳатто, чекланган фан ҳам, материяни ўрганувчи илм ҳам чекланган бўлишига қарамасдан, бир кун келиб, охир оқибатда оламнинг чексизлигини, универсалликни, руҳни, илоҳий ақл ва иродани билиб олишга мажбур бўлади. Психологик тадқиқотлар эса бу натижага яна ҳам осонроқ олиб келадилар.

Бизнинг борлигимизнинг олийроқ ва нафисроқ даражалари ва қувватлари хусусида иш олиб борадиган бошқа оламларнинг кўзимизга кўринмайдиган, сезги органларимизга сезилмайдиган, лекин жуда нафислашган ҳолда онг ва ҳиссиётларимиз тасдиқлай оладиган, мавжудотлар ва ҳодисалар билан контактга киришиши мумкин бўлган психология бу натижага осонроқ етиб келади. Санъат ҳам айни шу натижага етиб кела олади: эстетик қобилиятга эга бўлган инсон табиат бағрига чуқур кириб бора оларкан, у ўз эстетик ҳис-туйғулари воситасида охир-оқибатда руҳий туйғуларга қадар етиб бориши ва нафақат чексиз ҳаётни, балки ундаги чексиз мавжудликни (илоҳиётни) ҳам кўра олиши керак; инсон ҳаётидаги гўзаллик бағрига сингиб бораркан, пировардда у инсониятдаги илоҳийликни, универсалликни, руҳийликни ҳам кўра бошлаши керак. Воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг бош ғоялари (принциплари) билан шуғулланувчи фалсафа шу принципларнинг Принципини билиш, унинг табиати, атрибутлари ва амалиётининг моҳиятини тадқиқ этишга қадар етиб келиши керак. Ахлоқшунослик ҳам яхшилик қонуни Илоҳий қонун эканини ва бу қонун ўз эгаси (Худо)нинг борлиги ва табиатига боғлиқ эканини пировардда албатта, тушуниб олади.

Психология тирик мавжудотларнинг онги ва жонини

ўрганишдан ҳамма нарсалар ва мавжудотлар учун умумий бўлган ягона жон ҳамда ягона Ақл мавжудлигини билишга қадар етиб келади. Тарих ва инсон ҳақидаги фанлар табиат тарихи ҳақидаги фанлар каби коинотнинг абадий ва ягона универсал қуввати ва ягона борлиқ борлигини ва улар инсон эволюцияси натижалари бўлган фикр ва ирода шаклида ишлаб чиқиладиганлигини тушунишга йўналишлари мумкин.

Хатти-ҳаракатларимиз ҳам бизнинг фаолиятимиз воситасида ишлайдиган, ундан фойдаланадиган ва уни бошқарадиган илоҳий қудрат билан боғланишга бизни мажбур қила олади. Бора-бора интеллектимиз тушуна бошлайди, англаб ета бошлайди, хоҳлай бошлайди ва ҳурмат қила бошлайди.

Табиат ва инсон илоҳийликсиз мавжуд бўла олмаслигини ва ҳаракатлана олмаслигини фақат шу илоҳийликни онгли билиш туфайлигина олий имкониятларга эришиш мумкинлигини англаб етилиши натижасида иродамиз ҳам илоҳ хизматига юз буради.

Айни шундай натижага эришилгач Йога<sup>3</sup> амал қила бошлайди. Йога илоҳийликка эришиш йўли билан билимларимиздан, ҳис-туйғуларимиздан, амалий фаолиятимиздан фойдаланишдан ўз ишини бошлайди.

Зеро, Йога бу Илоҳиётга онгли ва комил интилишдир; қолган ишларнинг ҳаммаси эса жаҳолат ва онгсиз интилишлардир. Ишнинг бошланишида Йога қуйи билимлар ва услублар таъсиридан ўзини ажратади. Зеро, қуйи билимлар Илоҳиётга тўғридан тўғри, ичдан эмас, балки ташқаридан туриб яқинлашадилар ва ҳеч қачон унинг энг яширин тубларига кира олмайдилар, Йога эса Унга ичкаридан, бевосита яқинлашишга чақиради; қуйи билимлар уни интеллектнинг воситасида қидирадилар ва демак уни парда ортидангина кўришга муваффақ бўладилар. Йога эса комилликка эришув натижасида Уни бевосита кўради, яъни пардани очади ва айнан ўзини кўришга эришади...<sup>4</sup>

Ушбу фикрлар сўфийлик таълимотига ҳам тегишли бўлгани учун улардан Умар Хайём дунёқарашини ойдинлаштиришда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун, аввало, Хайём яшаган давр маънавий маданиятининг мазмунига, эволюцион даражасига қисқача назар солиш зарур. Бунин-

гсиз «Умар Хайём ислом маънавий маданияти муҳтида шаклланган олим, файласуф, шоир», деган тезисдан на- рига ўта олмаймиз.

Ваҳоланки, ислом маънавий маданияти жуда мураккаб ҳодиса бўлиб, ўз бағрига турли қирраларни, поғоналар ва структуравий элементларни жо этади. Демак, аввало, ис- лом маънавий маданияти нима эканини қисқача эслаб ўти- шимиз керак. ҳар қандай диний маданият каби, ислом маъ- навий маданияти ҳам пайғамбарсиз шаклланмаган. Пайғ- амбарлик эса «ваҳийлик» ҳодисаси билан, яъни Худодан бевосита (нисбатан бевосита) олинадиган билимлар, (ха- барлар) билан узвий боғлиқ бўлади. Шу жиҳатдан бу би- лим сирли (мистик) табиатга эга бўлиб, бизнинг ташқи ва моддий дунёни ҳодисаларини сезгиларимиз, ҳис-туйғула- римиз ва ақлимиз орқали қабул этиш воситасида ҳосил қиладиган билимларимиздан тамомила фарқ қилади. Айни шу сирли билимларни халққа етказиш керак, зеро пайғам- барликнинг моҳияти айни шунда. Халқ эса бир хил онг да- ражасидаги индивидлар тўпламидан иборат эмас, албатта. Шунга кўра, бундай олий илоҳий билимни умматлари қабул қилиши учун мослаштириш эҳтиёжи вужудга келади. Бунда мавжуд фалсафий таълимотлар, махсус хусусий ва амалий билимлар ҳамда ривоятлардан имкон борича фойдаланиш- га тўғри келади. Айни замонда озми-кўпми даражада ўзини комилликка етказиб, сирли билимни манбанинг ўзидан олиш имкониятига эришадиган инсонлар, яъни авлиёлар ҳам бўлади. Шундай шарт-шароит диний маданият мазму- нида 3 хил қатлам мавжудлиги ҳақидаги хулосага олиб ке- лади. Биринчи, энг қуйиси ваҳийни ахлоқий қонун-қоида- лар, расм-русумлар (шариат) кўринишида қабул қилини- шидир. Бундай билимлар диннинг расмий, ташқи қисмини ташкил этади. Иккинчи даражада диний билимни ақл орқ- али англаш даражасидир. Бунда тушунчалар, улар орасида- ги боғланишлар ёрдамида ваҳийни ҳамда умуман илоҳиёт- ни талқин этишга уринадилар. Бу қатлам вакиллари фақат ваҳий мазмунини мантиқий тафсир этиш билан чеклан- майдилар, балки бошқа динларнинг ментал мазмунини таш- кил этадиган таълимотлардан ўз динлари мазмунини ин- теллектуал ёритишга жалб этиш учун ҳам ҳаракат қилади- лар. Масалан, христиан диний гностиклари, Платон, Ари-

стотель ва бошқаларнинг фалсафии таълимотларини жалб этгани маълум. Шу маънода диндаги иккинчи қатламни диннинг рационалистик (ақлий) қисми деб номлаш мумкин. Фалсафий таълимотлар ва уларни жалб этилиши жараёни хилма-хил бўлгани учун бу қатлам мазмунида турли зиддиятлар кучли бўлади. Ушбу зиддиятларни ечишда пайгамбарнинг айтганлари ҳамда унинг айтганларини ақлий изоҳлашда жалб этилган таълимот хусусида хилма-хиллик, тафовутлар кучли бўлади. Натижада бу қатлам вакиллари турли мактабларга ажралиб кетадилар ва ўз мактабларини ташкил этганлар. Шу маънода, уларни гарб фалсафасида схоластлар деб, ислом маданиятида эса «қол аҳли» деб юритилган. Кейинчалик махсус фанлар шакллангач, динни асослашга хизмат қиладиган фалсафадан бошқа фанга асосланадиган фалсафа мустақил бўлиб ажралиб чиқди. Бу фалсафа илмий билимлар тўплаган маълумотларгагина таяниб, дунё нима, инсоннинг моҳиятини нима ташкил этади каби дунёқараш масалаларига мустақил жавоб излаш тамойилини ташкил эта боргани бизга маълум.

Диний дунёқарашнинг учинчи даражасида турувчилар нафсни покланиш орқали ўз инсоний сифатларини комиллик даражасига етказиш йўлидан борганлар. Улар, ҳозирги илмий тил билан айтганда, «экспериментал психология» билан шуғулланганлар, яъни ўз руҳиятларини ўрганиш орқали ғайри оддий интуитив ва ундан ҳам юқори-роқ иррационал (ғайри ақлий) билимларни ҳосил қилиш билан машғул бўлганлар. Бу билим фақат муайян экстаз (жазава) ҳолатининг маҳсули ўлароқ вужудга келгани учун «илми ҳол» деб юритилган. Бу илм инсонни ёмон нафслардан покланиши эвазига ҳосил бўлгани учунми ёки юксак ҳикматларни ифодалагани учунми («соф» сўзини ўзак деб олсак) ёки юнон фалсафасининг ўзаги бўлган (ҳикмат «софия» сўзига эътиборни жалб этсак) ҳар қалай ислом маданиятида сўфийлик деб юритилган.

Умар Хайём яшаган даврда шу уч қатлам бир-биридан ажралиб турган ва улар орасидаги зиддиятлар кучли эди. Динни фақат қатъий қонун-қоидалар тизими деб ҳисоблайдиган «қол аҳли» динни ақлий билиш воситаси бўлган фалсафадан ва дунёни ташқи билиш воситаси бўлган фанлардан ажратиб, догмалаштириш йўлига тушдилар. Улар

ўз диний ақидаларини асослашда турли таълимотларни турлича талқин этганлари учун ўз ораларида яқдилликдан кўра ажралишлар кучли эди. Мутакаллимлар билан муътазила оқими, сунна аҳли билан шиа аҳли ва умуман, исломдаги 73 мазҳаб шундай келишмовчилик натижаси эди. Пайғамбар Муҳаммад с.а.в.нинг башорат этиш қобилиятларини ифодаловчи ҳадис: *«Мендан сўнг умматларим 73 мазҳабга бўлиниб кетадилар. Улардан фақат биттаси жаннатга тушади, қолганлари дўзахий бўладилар»*, мана шу ҳолат содир бўлиши кутилганини кўрсатади.

Хуш, Умар Хайём ислом динининг қайси мазҳаби ёки қайси қатламга мансуб эди ёки у аслида динсиз эдим?

Буни аниқлаш учун Умар Хайёмнинг «Дархостнома» («Талабгор учун ёзилган хат») трактатининг «Худони билишга интилувчилар»ни таърифлашга бағишланган бобидаги фикрларига эътибор бериш керак. «Билгил-ки, дейди у мазкур бобда, пок ва олий зот бўлмиш Худони билишга интилувчилар тўрт тоифада бўладилар:

Биринчиси, *мутакаллимлар* бўлиб, улар анъанага айланиб қолган исбот-далилларга асосланган фикрлар билан қаноатланадиганлар тоифасидир.

Иккинчиси, *файласуфлар ва олимлар* бўлиб, улар мантиқ қонунларига асосланган соф илмий исботлар ёрдамида билим ҳосил қиладилар.

Учинчиси, *исмоилӣлар ва таълимийлар* бўлиб, улар билимни исботлашда қийинчилик ва зиддиятлар жуда кўп бўлгани учун ақл адашади ва заифлашади, шунинг учун фақатгина тақводорнинг Худо ҳақидаги, унинг мавжудлиги ва сифатлари ҳақидаги берган хабари Худони билишнинг тўғри йўлидир, деб ҳисоблайдилар.

Тўртинчиси, *сўфийлар* бўлиб, улар фикрлаш ва ўйлаш йўли билан Худони билишга ҳаракат қилмайдилар, балки, ахлоқий комилликка эришиш ёрдамида ўз қалбларини табиатлари ва жисмларини нопокликдан поклашга интиладилар... ҳаммасидан афзали шу йўлдир». Бундан кўринадики, хайём, албатта, тўғри ва афзал йўл сўфийликни танлаган бўлиши аниқ.

Бу борада биз А.Мюллернинг қарашига ҳам эътиборни жалб этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Унинг фикрига кўра: «ўз билимларини бойитиб боргани, фалса-

фа, математика ва табиатшунослик билан машғул бўлган-  
тиги учун Умар Хайём ёзган кинётига сўфийлик лоира-  
си билан чекланиб қолмади: у пантеистик ушга хошликка  
эга бўлган ҳурфикрли скептикка айланди, лекин, аввало  
у сиёсий илоҳиётчилар иккиюзламачилигининг энг қатъ-  
ий душмани бўлган...».<sup>5</sup> Бу ерда Умар Хайёмнинг сўфий-  
ликка берган таърифи билан Мюллернинг қараши ораси-  
да зиддият бордай кўринади. Лекин, агар кенгроқ нуқтаи  
назардан, яъни Шри Ауробиндонинг юқоридаги тушун-  
тиришидан келиб чиқадиган бўлсак, булар орасида асло  
зиддият йўқлигини кўрамиз. Зеро, Умар Хайём фақат ми-  
стик руҳий тажрибалар, яъни ҳис-туйғуларни нафислаш-  
тириш билан чекланиб қолмаган, балки айни замонда  
чуқур илмий тадқиқотлар ҳам олиб борган ва бу борада  
жуда салмоқли натижаларга эришган. Ёки аксинча айтсак  
ҳам бўлади, яъни у қомусий олим бўлиш билан ҳам чек-  
ланиб қолмаган, балки тариқат соҳиби ҳам бўлган. Ушбу  
хулосамизда биз Н.Комиловнинг изланиш натижаларига  
ҳам таянамиз. Бундан ташқари, Умар Хайём ҳақидаги фик-  
римизни далиллашда рубойларига мурожаат этиш мум-  
кин. Масалан, У:

Ақлга ҳеч қулоқ солмаслик керак,  
Бу иш худди ҳўкиз соғишлик демак.  
Аблаҳлик тўнини кийиб ол букун,  
Ақлингни баҳоси пишмаган таррак.

- дейди, (Ш.Шомуҳаммедов таржимаси).

Бу рубойдан Умар Хайём ўша даврдаги жамиятда ақл-  
нинг баҳоси ниҳоятда пастга тушиб кетганидан хафа бўлиб,  
киноя қилган, деган хулосани чиқариш ҳам мумкин. Бу  
киноя ортодоксал тамойил вакилларининг фалсафа ва фан  
арбобларига ашаддий муносабатлари, айниқса, ўз издо-  
ши бўлган Ибн Синонинг фожеаси таъсирида юзага кел-  
ган дейиш ҳам мумкин.

Лекин, Умар Хайём майни айнан мистик илмга Ҳаққа  
бўлган кучли интилиш мажози сифатида ишлатганини  
аниқроқ тасдиқловчи мисралар бошқа рубойларда ҳам  
учрайди. Масалан, у қуйидаги рубойида:

Мастлигу ҳушёрлик оралиғи бор,  
*Ҳаёт шу унга қул бўлсам яхшироқ* —, дейди.

Тасаввуфда «ҳол» деб, рус тилида «маскавин» ёки «экстаз» деб номланган шу оралиқ вазият ҳолати мистик тажрибанинг шундай жиҳатики, унда киши илҳом завқу-шавақига тўлади. Ҳозирги давр руҳшунослигида ва иррационалистик фалсафасида айни шундай ҳолатда билим ёки ғайришуурий равишда шеър ёки бошқа санъат намуналари ақл иштирокисиз вужудга келишини уқтиради. Агар янги билим вужудга келган бўлса, уни интеллектуал интуиция натижаси деб ва агар шеър ёки бошқа санъат намуналари вужудга келса, эстетик интуиция натижаси деб ажратиш ҳам қабул қилинган (Шеллинг).

Ушбу ҳолат Ауробиндо Гхош томонидан ҳам батафсил ёритилган : «Фикрлаш, — деб ёзади у, - жуда ажойиб қобилиятдир, лекин киши ўзини фикрлашдан тўхтата олиши ундан ҳам буюкроқ қобилиятдир. Амалда барча кашфиётлар бизнинг фикр машинамиз, ҳеч бўлмаганда баъзи дақиқалар ишламай турган чоғида содир этилган... ». Шундай қилиб, Умар Хайём «ҳол» билан жуда яқиндан таниш бўлган ва у ҳам олим, ҳам шоир сифатида ҳам интеллектуал, ҳам эстетик ижод сири унга маълум бўлган. Демак, уни бемалол юксак эътиқодли сўфий деб ҳисоблашамиз мумкин.

Лекин, Умар Хайём жуда «намунали», яъни ортодоксал, догматик талаблар қолипидаги мусулмон-лардан бўлган, деб бўлмайди, албатта. Бу унинг «Наврўзнома» асарида ўрин олган «Майнинг фойдаси ҳақида» деган қисмининг мазмунидан кўринади. Асарда Хайём майга нафақат сўфиёна мажоз сифатида, балки тадқиқотчи олим сифатида ҳам ёндашади.

Айни шуни эътиборга олган баъзи изланувчилар Умар Хайём чиндан ҳам майхўр бўлган деган хулосага келадилар. Лекин, бизнингча, бу юзаки ёндашув бўлар эди. Чунки юқорида кўриб чиққанамиздек, Умар Хайём оддий шахс эмас, у серқирра ижодий тафаккур эгаси. Демак, унинг дунёқарashi, шахси қандай бўлганини аниқлаш унда намоён бўлган барча қирраларни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Агар биз, шундай ёндашишга интиладиган бўлсак, Хайём рубоийларида «май» ибораси камида уч хил вазифани бажаришини кўра оламиз. Булар-

дан биринчиси ва энг олийси мистик (сўфий) ошиқнинг Ҳаққа (Худого) бўлган буюк интилиш кайфияти «қоли» шавқу завқининг нақадар буюклигини ифодалаш вазифаси, иккинчиси, қонун-қоидалар қолипи ёрдамида тафаккурнинг ижодий эволюцияси йўлига қўйиладиган ақида-парастлик говини олиб ташлаш вазифаси ва ниҳоят, олим сифатида инсон соғлиғи тақозо этган ҳолларда майдан дори ўрнида фойдаланиш имкониятини истисно этмаслик вазифаси.

Рубоийларда ушбу вазифалар жуда аниқ кўриниб туради ва тегишли кўрсатмалар билан тўлдирилади. Хусусан, майнинг кишида меъёр ҳиссини йўқолишига олиб келадиган зарарли таъсирига кўп урғу берилган. Яъни, ақлли инсон ҳушёр ҳолида қиладиган ишларнинг кўпини ақли ёрдамида меъёр доирасида ушлаб тура олади. Май эса, айти шу меъёрни назорат қилувчи ақлни «хизмат»дан бўшатиб юборади. Шунинг учун тўғри маънода ҳам, мажозий маънода ҳам майни ҳушёрликни асло йўқотмайдиган ҳамда соғлиқ учун буюрилган ҳоллардагина ичиш мумкинлиги келиб чиқади. Умар Хайём айтганидек, «Ичганда ақлдан бегона бўлма...», «Май ичсанг, оқилу доно билан ич...», «Мастлигу ҳушёрлик оралиғида...», «бўлишига ҳаракат қил» ва ҳ.к.

Лекин, айти шу кўрсатмаларга фақат буюк ақл соҳиблари амал қила оладилар, оддий одамлар бунга қодир бўла олмайдилар. Оддий одамларнинг аксарияти ўз олдларига ҳаёт томонидан қўйилаётган муаммоларни ечишдан қочиш, ўз феъл атворларидаги камчиликлардан *вақтинча* қутулиш учун ичадилар. Ваҳоланки, оддий одамларнинг ҳам эволюция қилиши шарт. Модомики, улар олимлар ёки сўфийлар каби онгли эволюция йўлидан боришга ҳали тайёр эмас эканлар, демак, улар ҳеч бўлмаса ҳаётнинг ўзи қўндаланг қилиб турган муаммоларни еча бориш йўли билан ривож топиш имкониятига эга бўла оладилар. Баъзи ҳолларда бу «ҳаёт фалсафаси» махсус ташкиллаштирилган билимлардан ҳам мукамалроқ бўлиб чиқиши мумкин. Шу маънода буюкларга мумкин бўлган ҳар қандай ишлар оддий одамларга ҳам ҳаминча раво бўлавермайди. Шунга кўра ортодоксал диннинг мазмунида ичкилик «ҳаром» экани ҳақидаги қоидаси барча оддий (ҳос бўлмаган) кишилар учун тўғри-

дир. Лекин, ортодаксал дин вакиллари ҳамма вақт учун ярайдиган қонун-қоидаларни биладилар деб бўлмайди. Улар кўпчилик омма ҳаётида содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олмай, ҳаммани беистисно бир қолипга солмоқчи бўладики, Умар Хайёмдек эркин фикрли инсон бу ҳолни ҳақли равишда кишиларни умрбод қулликка маҳкум этадиган ҳолат эканини кўра олади:

Масжиду бутхона қуллик демақдир,  
Қўнғироқ - тарона қуллик демақдир.  
Меҳробу калисо, тасбеҳу салиб –  
**Барчаси нишона, қуллик демақдир.**

Умар Хайёмнинг «бузуклиги» ҳақидаги хулоса ҳам унинг «майхўрлиги» каби таҳлилга муҳтож. Суфийлар учун май Илоҳга етишув йўлидаги кучли интилишни ифодалагани каби «ёр», «маъшуқа» образлари мажоз ролида ҳам, инсоний маъшуқа ролида ҳам кела олади. Зеро, ҳар икки ҳолатда ҳам инсон қалбининг энг теран ва гўзал сифати ҳақида, инсоннинг ўз-ўзига эгоистик меҳри эмас, балки ўзидан бошқа гўзал зотга муҳаббати, ғам-ташвишларга ботган бенаво ғариблик эмас, балки висол қувончи ҳақида гап кетади. Ушбу муҳаббат ҳаттоки, Худога қаратилган бўлмаган ҳолида ҳам жуда буюк ва теран туйғуни ифодалайди:

Сенинг воқеангдан берайин хабар,  
Уни икки сўзла этай мухтасар:  
Ишқинг тупроқ қилса меҳрингдан яна  
Бошимни кўтариб, булай жилвагар.

Албатта, бундай теран ишқ ё ўз объектини илоҳийлаштиради ёки у фақат Худога қаратилган бўла олади. Ҳар икки ҳолда ҳам шундай мислсиз буюк туйғу ифода этилмоқдаки, уни фақат айни шундай туйғуга қобил буюк инсонгина баён эта олади.

Энди В. А. Жуковскийнинг Умар Хайём ҳақидаги зиддиятли таърифини тўғрилашга уриниб кўрайлик. Умар Хайём ҳурфикрли инсон эканлиги ҳақидаги фикр тўғри. Лекин унинг динга ғорат келтирувчи, Худосиз ва материалист экани ҳақидаги хулоса тўғри эмас. Умар Хайём динга эмас, динга юзаки қарашларга ғорат келтирмоқчи бўлган. Шунингдек, у материалист, Худосиз эмас. Бунга биз унинг

фалсафий трактатларида баён этилган борлиқ ҳақидаги ғояларидан келиб чиқиб ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. У ўзининг «Борлиқ ҳақидаги рисола», «Борлиқнинг умумийлиги ҳақидаги рисола», «Коинок ва унинг вазифалари» номли трактатларида Арастунинг Худонинг мавжудлиги ва унинг бутун борлиқнинг моҳияти ва биринчи сабаби экани ҳақидаги ғояларини ҳимоя қилади ва ривожлантиради. Шунинг учун уни худосизликда, динсизликда ҳамда материалистликда айблаш тўғри эмас.

В. А. Жуковскийнинг Умар Хайём «мистикани масхараловчи пантеист» деган фикрига келсак, Умар Хайём Ибн Синонинг изчил издоши сифатида чиндан ҳам пантеист бўлган. Зеро, унинг учун ҳам, Арасту, Афлотун таълимотларига хос бўлган пантеизм руҳи хосдир (Бизнингча, Афлотун, Арасту, Гегел каби файласуфлар ҳам пантеист бўлганлар. Фақат уларнинг таълимотларини юзаки баҳолаган кейинги давр файласуфлари уларга «идеалист» деган тамғани босганлар). Лекин, у мистикани, яъни ваҳий орқали келадиган буюк илмни масхараловчи бўлган эмас, аксинча, бундай илмдан хабарсиз бўлсалар ҳамки, ўзларини уни тушунадиган қилиб кўрсатадиган тақлидчиларни, чин ҳақиқатни билмай туриб, фақат расм-русумлар билан чекланишлар оқибатида чин имонга эга бўла олмаган ақидапарастларни масхара қилади. Бундайларни жамиятнинг энг паст табақаларидан, масалан, фоҳишалардан ҳам тубан ҳисоблайди. Буни биз қуйидаги рубоий мисолида кўрамиз:

Шайх фоҳишага дер: Нима бу ишинг,  
Май ичиб қўлма-қўл кўниб юришинг?!  
У дер: Мен шундайман, аммо сен айт-чи,  
Сиртинг кўрсатгандай покми, қилмишинг?!

Умар Хайём, В.А.Жуковский таъриф этганидай «изчил файласуф, ўткир кузатувчи олим...», лекин у «дину имонни бутунлай рад этувчи» эмас. Аксинча, у бошқа сўфийлар каби, шунингдек, В. Соловьёв, Ауробиндо Гхошга ўхшаш мутафаккирлар каби диннинг расмий жиҳатини чин эътиқод деб билмайди, балки, чинакам имонга рационал ва иррационал билим ҳамда юксак муҳаббат туйғуси

орқали эришилади деб ҳисоблайди. Айни шундай эътиқодда унингча риё, мунофиқлик йўқ.

Шунингдек, Хайёмда «Худонинг таҳқири» ҳам бўлиши асло мумкин эмас, аксинча, В.Соловьёв кўрсатганидай, кимки бировни билмай туриб муҳаббат эътироф этса, бу ҳол муҳаббат объектини таҳқирлаш демакдир.<sup>6</sup>

Хайёмнинг «скептиклиги» ҳақидаги таърифга эса қўшилиш керак. Чунки, теран фикрлайдиган, зукко олим ва файласуф сифатида у ҳар қандай фикрни фанатларча қабул қилиб олавермайди, балки қабул қиладиган илмларини шубҳалар, текширувлар чиғириғидан ўтказилиши керак. Бу борада, унинг исботланадиган мантиқий мушоҳадага таянадиган математик олимлиги ҳам гувоҳлик беради.

Умар Хайёмнинг «эпикурчи»лиги ҳақидаги хулоса эса қисман тўғри. Бу хулоса унинг ҳаётдан лаззатланиб, шоду хуррам яшашга даъват этган рубоийларидан чиққан хулоса бўлиб, унда инсониятга зарарли жиҳат йўқ, аксинча, улар инсонга кўтаринки руҳият бахш этади. Инсонни минг хил чекланишлар қолипига соладиган, Худога буюк меҳр туфайли эмас, балки қўрққанидан бўйсунушга мажбур этадиган ақидапарастликка хуррам ва эркин яшаш кайфиятини қарама-қарши қўяди. Зеро, Умар Хайём яшаган даврда шундай ақидапарастлик меъёридан ошиб кетган, эркин фикрлаш ва эркин яшаш имкониятлари эса жуда торая бошлаган эдики, аввало, бу Мансур ҳаллож, Ибн Сино каби шахсларнинг фожиавий ҳаёти мисолида ёрқин намоён бўлган эди. Шундай қилиб, ўз дунёқарошига кўра Умар Хайём, аввало, ҳурфикрли буюк сўфий. Кўпчилик бошқа суфийлар каби у ҳам комиллик сафарини амалга оширган ва ўз қалбининг энг нафис торларини тебратиб рубоийлар ёзган. Ушбу рубоийларда Хайёмнинг жуда теран донишмандлиги, юксак пафосли шоирона фалсафий ҳикматлари ажиб маҳорат билан, ниҳоятда ихчам шаклга солиниб жуда гўзал баён этилган. У юксак илмий тафаккур соҳиби, қомусий олим, теран мутафаккир ҳамдир. Унинг рационал онги, унинг юксак ҳис-туйғуларига қарама-қарши эмас, балки улар бир-бирини тўлдиради. Шунингдек, унинг рационал тафаккурнинг сўфийлик тариқатига мансублигини истисно этмайди. Аксинча, Шри Ауробиндо таъбиридан фойдаланиб айтсак, Умар Хайём

руҳий билимлари, унинг ақлий билимларига пропорционал равишда юксакдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Умар Хайём. Рубоийлар (Ш.Шомухаммедов таржимаси). – Т., 1958.
2. Умар Хайём. Наврузнома. –Т.: Меҳнат. 1990.
3. Шри Ауробиндо. Синтез йоги. –М.: Никос. 1993.
4. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. –Т.: Маънавият. 1999.
5. Марочник С.Б., Розенфельд Б.А. –Сталинабад: Таджикгосиздат. 1957.
6. Соловьёв В. Спор о справедливости. –Харьков: Эксмо Пресс. 1999.
7. Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII веков. –М., 1960.

- 
1. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. –Т.: Маънавият. 1999. Б.193.
  2. Шри Ауробиндо Гхош. Синтез Йоги. –М.: Никос. 1993. Б.476.
  3. Йога – Ҳинд маънавиятига мохиятан суфийлик билан айнан бир бўлган таълимот.
  4. Шри Ауробиндо Гхош. Синтез Йоги. –М.: Никос. 1993. С.476.
  5. Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII веков. –М., 1960. С.116.
  6. Соловьёв В. Спор о справедливости. –Харьков, 1999. С.807.

Д.ФАЙЗИХЎЖАЕВА  
филология фанлари номзоди

## УМАР ХАЙЁМ ИЖОДИДА ТАҚДИР ВА ИРОДА ЭРКИНЛИГИ МАСАЛАСИ

Ирода эркинлиги ва тақдир масаласи асрлар давомида инсониятни қизиқтириб келган. Шунинг учун ҳам қадимги ёзувларда, зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»-да, ёзма ёдгорликларда, халқ оғзаки ижодида файласуфлар, табиатшунос олимлар, шоирлар ва диний илм вакилларининг асарларида бу масалага кенг ўрин берилган.

Ирода эркинлиги ва тақдир масаласи Шарқнинг буюк шоири ва файласуфи Умар Хайём ижодидаги асосий масалалардан биридир.

У ислом ақидаларидан бири бўлган тақдирга ишонч ғоясини эътироф этиб, рубоийларидан бирида «Тангри ўзинг шундай яратдинг мени» деса, бошқа бирида «Ёмонманми, яхши, мен қандоқ қилай? Тақдир манглайини берган ўзингсан» деб ёзади. Шоир фикрича тақдир зарурят ўзига тасодифлар орқали йўл очади:

Сабаб саҳросида кимки саргардон,  
Ишларин унингсиз юритар Яздон.  
Бугуни бир баҳона ўртага ташлаб,  
Эрта бажо бўлур, тақдири осмон.

Хайём рубоийларини ўқир эканмиз уни фаталист шоир деб шошилиб хулоса чиқариш нотўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Шоир тақдирни тан олган ҳолда пассив ҳаёт кечириш керак деган фикрни инкор этади.

Танангда бор экан томир суяк пай,  
Яшайвер тақдирнинг уйдан чиқмай  
Ёв Рустам булса ҳам буйнингни эгма,  
Миннат чекма дўстинг булса хотам Той.

Маълумки, тақдир ва ирода эркинлиги масаласи ниҳоятда мураккаб масаладир. Қуръони Каримнинг қўплаб

сураларида ҳар бир воқеа ҳодиса Яратганнинг ихтиёри, хоҳиши асосида бўлиши таъкидланади (Инсон сураси 30-оят). Лекин шу билан бирга бу дунё инсон учун синов эканлиги (Мулк сураси 2-оят), иззат-икром, бойлик билан хорзор қилиш, камбағаллик билан бўлмаслиги (Фал-Фажр сураси 17-оят) кўрсатиб ўтилади.

Шоир тақдирни билиш инсонни билиш каби мушкул эканлигини таъкидлаб «Наврўзнома» асарида «...Одам еру кўкнинг яратуғ чисининг оятларига ёзилган ва табиат ипи билан боғланган, дил узугининг муҳри билан муҳрланган ва бошдаги ақлга тааллуқли бўлган бу олам муҳрининг номасидир» - деб ёзади. Шоир сўзи билан иши бир бўлмаган одамларни қоралайди:

Фақат илм билан баландмас одам,  
Аҳду вафо билан баланд паст одам.  
Сўзи билан иши бир келса агар  
Ҳар нарсадан баланд, муққадас одам.

У инсонни ақлига, билим олиш қобилиятларига ишонч билан қарайди. Шоир инсон ақлининг қудратини эътироф этган ҳолда фақат ақлни устун қўйиш нотўғри эканлигини қуйидаги рубойида ифодалайди:

Ҳар ким ақл сўзига соларкан қулоқ,  
Чиндан оқибатда бу ҳукиз соғмоқ!  
Ғўр ақлнинг зўр келиб май сотмаяпсан,  
Аблаҳлик тўнини кий, шу маъқулроқ!

Умар Хайём ўз рубойларида инсон ақли етган нарсаларга нисбатан етмаган нарсаларнинг кўп эканлигини таъкидлаган ҳолда дунё тилсимотларининг тубига етиб бўлмаслиги ҳақида рубойлардан бирида шундай деб ёзади:

Дилим илмлардан маҳрум бўлмабди,  
Бир сир қолмадики мафҳум бўлмабди.  
Туну кун ўйладим етмиш икки йил,  
Онгладим - ҳеч наrsa маълум бўлмабди.

Ер юзида ҳамма наrsa омонат эканлиги, шу боис ҳаётни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиб, қаноат ва шукроналик билан яшаш, бўлмаган ишлар учун ташвиш чекиб ўзни қийнамасликка ундайди.

Беҳуда ўзингга айлама ситам,  
Улушингдан ортиқ тиламагил ҳам  
Азалдан номинга нима ёзилса,  
Ўша сенинг баҳранг, булмас ортиқ-кам.

Маълумки, Умар Хайём яшаган даврда сўфийлик расмий ислом томонидан тан олинмаган эди. Шу сабабдан, сўфийлар ўз ғояларини рамзий ифодалар орқали баён қилар эдилар: Умар Хайём тасаввуфдаги орифона ва ошиқона йўналишнинг ва вакили бўлган. Унинг шеърлятидаги ёр, ишқ май, мастлик тушунчалари рамзий маъноларда қўлланган:

Ишқдир абадийлик авжида офтоб,  
Ҳаёт чаманида толедан хитоб,  
Булбул каби нола қилмоқ ишқ эмас,  
Ишқ - нола қилмаслик булсанг юз хароб.

Шоир тақдирнинг жафоларидан нола қилмаслик ҳақиқий ишқдир, яъни чин имон-эътиқод белгисидир, деб ҳар бир дамни шукрона ўтказиш, дунё ишларини ўйла-масдан қаноат билан яшаш зарурлигини таъкидлади.

Кимнинг бор эса бир бурда нони,  
Ўзига яраша уй ошиёни,  
На биров унга қул, на у бировга,  
Айт, шод яшайверсин хушдир замони.

Умар Хайём инсон ҳаётидаги ҳар бир яхши, ёмон ҳодисани тақдири азалга тўнкаш нотўғри эканлигини уқтириб, инсонга фаолият ва ирода эркинлиги бериб қўйилганлигини эътироф этади:

Киши ўзлигида яхши ёмон ҳам,  
Казову қадару қувонч ёки ғам.  
Ақл айтур буларни чархга тўнкама,  
Чарх сендан ожизроқ бечораю кам.

Ҳақиқатдан ҳам Куръони Каримнинг Балад сураси 8-10-оятларида «Ахир биз унга икки кўз, тил ва икки лаб ато қилмадикми? Ва биз уни икки баландликка йўллаб қўйдикку» деб ёзилган. Бу оятлар инсонга кўриш учун кўз, кўрганларини мушоҳада қилиб сўзлаш учун тил ва лаб

яхшилик ва ёмонликни фарқлаш ва уларни танлаш учун берилганлиги таъкидланган.

Унинг фикрича дунё сирини билган, тушунган инсонларгина яхши-ёмоннинг фарқини тушунадилар, ғам-ташвишдан озод бўладилар:

Масжиду бутхона қаъбада ё-ху,  
Жаннатдан умиду, дўзахдан қўрқув.  
Фақат дунё сирин англаган қалбдан  
Абадий қувилмиш бу ташвиш қайғу.

Хайём дунё сирларини била олдим, ғаму ташвишдан озод бўла олдим?

Бор йўқнинг зоҳири - юзини билдим,  
Баланд паст илдири - изини билдим,  
Мансаб деб мастликнинг ўзин билмасам,  
Билимим ҳайф кетсин, ўзини билдим.

Шоир мастликни, яъни дунёвий ташвишлардан қутилиб, руҳий хотиржамликка эришишни бахт-саодатнинг калити деб тушунади.

Сенинг мафтунингман, берайин хабар,  
Уни икки сўзла жойлай мухтасар:  
Ишқинг тупроқ қилғай, аммо меҳрингдан  
Бошимни кўтариб, бўлгум жилвагар.

Инсоният ҳақиқий бахт-саодатга эришиши учун 4 нарсага: иймонга, эзгу амалга, ҳақ йўлга ва шу йўлда чекиладиган машаққатларга сабр-тоқат қилиши зарурлиги Хайём ижодида яққол ифодалангандир. Хулоса қилиб айтиш жоизки, Умар Хайём тақдир ва ирода эркинлиги масаласини сўфиёна ҳал қилган. Унинг бу масалада билдирган фикрлари асрлар оша барча инсонлар учун кўрсатма бўлиб хизмат қилмоқда.

## “НАВРЎЗНОМА” – БОҚИЙ АСАР

Умар Хайём рубоийлари дилни қитиқлайди, ақлни чархлайди, мушоҳадага чорлайди. Эзгулик, муҳаббат, инсоний қадр-қиммат, дўстлик, гурур каби ахлоқий мезонлар шоир ижодининг бош мавзуларидир.

Умар Хайём бадииятининг дуру-гавҳарлари мана неча асрларким жаҳонни баҳраманд этиб, кўнгил мулкимизни обод қилиб келмоқда. Улуғ зот жаҳон маданияти тарихида нафақат бадиияти, балки фалакиёт, математика – алжабр, тарих, этнографияга оид илмий асарлари билан ҳам катта ҳисса қўшган.

“Наврўзнома” шундай асарлардан биридир. Мутафаккир илмий салоҳияти ва иқтидори нишонаси бўлган ушбу асар гўзал байрамимиз Наврўз, унинг келиб чиқиш тарихи ҳақидагина маълумот бериб қолмай, миллий анъаналаримиз, маънавиятимиз, аждодларимизнинг урф-одатларини чуқур билганлиги, фалакиёт илмининг етук билимдони, бир сўз билан айтганда қомусий билим эгаси бўлганлигидан ҳайратланасиз. Тиббиётдан маълумки, фаслдан-фаслга ўтиш жараёнида инсон руҳий ва жисмоний жиҳатдан толиқади. қишдан сўнг баҳорда инсон танасида ҳорғинлик сезилади. Хайём табиб бўлмасада, бу ҳолатни яхши тушунган ва асарида бир қанча тиббий маслаҳатлар бериб ўтади. Арпанинг хусусиятлари тўғрисида “Арпа дориликка емакка ҳам ярайди... Айтишларича уни еганда қон ҳеч қачон бузилмайди ва томирдан қон олишга ҳожат қолмайди”.<sup>1</sup>

Унинг 24 хил касалга даво эканлигини айтади. “Наврўзнома”да тирандозлик, чавандозлик каби халқ ўйинлари – спорт турларига таъриф берилади. Бугунга келиб ушбу анъаналар тикланди. Кўпқари, кураш, чавандозлик наврўз байрами кунлари бот-бот ўтказилиб турилади. Халқ сайиллари байрам шукуҳини янада безайди. Наврўз дилларни, халқларни бирлаштиради. Табиатнинг мўъжизаси

бўлган Наврўзнинг келиб чиқишини Умар Хайём тарихий изчиллик билан баён этади.

“Наврўзнама”нинг “Ажам подшоҳларининг одатлари ҳақида” деб аталган бобида “Ажам подшоҳлари адолат, бинолар қуриш, ўрганиш, фалсафий машғулотлар, олимларга ҳомийлик қилишни одат қилиб, булар учун катта меҳнат сарфлайдилар”<sup>2</sup> дейилади. Илм-фанга ҳомийлик, бунёдкорлик, яратувчанлик подшоҳларнинг вазифалари бўлиб, шоҳ вафот этгач, ўгли шу ишларни давом эттирган. Шу каби эзгу одатларнинг бир қанчасини Умар Хайём санаб ўтади. Бу эса эзгулик, яхшилик уруғини қадаш – ўша даврларда анъанага айланганидан далолат беради.

“Наврўзнама” мавзу жиҳатдан бой ҳамдир. Қалам, ёзув, ҳуснихат унинг хосияти хусусида ҳам тўхталиб ўтилган. “Соҳибқаламлик фазилати юксак фазилатдир ва ҳеч қандай фазилат унга тенг келмайди... Иншо этиш фазилатига эга одамлар ҳам олим, имом, фақиҳ ва мунший даражасига кўтарилдилар”.<sup>3</sup> Шарқда ҳуснихат масаласига жиддий қаралган. Форобий, Жомий, Навоий асарларида ҳам ёзувнинг аҳамияти таъкидланган. Умар Хайём ҳарфларнинг ёзилиши эстетик қонуниятлар мавжудлигини назарий жиҳатдан асослаб берган. “ҳуснихат тўрт талабга жавоб бериши зарур: биринчидан, ҳарфлар маълум катта кичикликда бўлиши, иккинчидан, у маълум шаклда бўлиши, учинчидан, у гўзал ва равон бўлиши керак. Бу қаламнинг ўткирлиги ва ҳатто қўлнинг маҳоратига боғлиқ. Тўртинчидан, ёзишда мутаносибликка эътибор бериш керак...”

“Наврўзнама”да нафосатга оид фикрлар анчагина. “Гўзал юз фазилатлари ҳақида” бобида “Айтадиларки гўзал юз дунёга саодат сабабчисидир. Агар гўзал юз яна яхши хулқ билан уйғунлашса, бахт-саодатнинг энг юқори даражаси бўлади.

...Агар одам ҳам ташқи кўринишида, ҳам табиати билан яхши бўлса худо ва одамлар учун сеvimлидир”.<sup>4</sup>

Гўзаллик қадимдан файласуфларни жалб этиб келган муаммолардандир. Инсоний гўзаллик оламни яшнатувчи, инсон қалбини поклантирувчи, эзгу амалларга чорловчидир. “Эзгулик ва гўзаллик эгизакдек ёнма-ён. Эзгулик бор жойда гўзаллик, гўзаллик бор жойда эзгулик бор. Умар

Хайём гўзал чеҳра ҳақида бир қанча ҳикоятлар ҳам келтириб ўтади.

“Бу китобни ёзувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам хайрли бўлсин, деб яхшилик аломати гўзал юз билан ниҳоясига етди” деб асарига нуқта қўяди мутафаккир. Дарҳақиқат, ҳар бир мақсад ва муддаонинг пироварди гўзаллик билан ниҳояланса, ҳаётимиз бундан-да гўзал, бундан-да равон бўлур эди. “Наврўзнама” эса пурмаъно ҳикматлари билан келажак авлодларга хизмат қилаверади.

1. Умар Хайём. Наврўзнама. —Т.: Меҳнат. 1990. 29-бет.

2. Умар Хайём. Наврўзнама. —Т.: Меҳнат. 1990. —Б.18.

3. Ўша асар. -Б.38.

4. Ўша асар. —Б.55.

## КАЛОКАГАТИЯ ОМАРА ХАЙЯМА

Калокагатия определяется как идеал физического и нравственного совершенства, который сложился в среде аристократов гомеровской и архаической эпохи, когда физическая сила и ловкость, приносившие успех в атлетических соревнованиях, ставились в один ряд с высшей добродетелью - доблестью воина. Идеал калокагатии был затем усвоен греческой демократией и ярко проявился в классическую эпоху (V в. до н.э.) в скульптуре, в частности в творчестве Поликлета и Фидия, и в поэзии, в особенности в эпиникиях Пиндара и в трагедиях Софокла.<sup>1</sup>

Идеал телесной и духовной красоты после возникновения монотеистических религий претерпел значительные изменения. Тело стало восприниматься как источник греховных помыслов, которое тем самым противостоит духовнонравственным устремлениям личности, а потому должно быть подвергнуто жесткой аскетезе.

Философия освобождения духа от грешной плоти имела свое различное выражение в искусстве живописи и поэзии, обсуждалась в религиозно-нравственных трактатах где так или иначе, провозглашалась одним из самых действенных средств достижения божественного спасения.

Понимание тела как греховного обосновывалось в христианской мифологии тем фактом, что Адам и Ева, вкусив (по наущению сатаны) запретного плода от Дерева Познания, осознали свою наготу и устыдились своего телесного несовершенства. Они в этот момент познали разницу между прекрасным и безобразным и тем самым впали в грех. Суть этого греха состоит в том, только Всевышний обладает абсолютным правом судить о совершенстве и несовершенстве. Так как и Адам и Ева были созданы из одного и того же материала, у них появилось желание слияния, чтобы создать более совершенное, и тем самым было

опять нарушено священное право Всевышнего на монополию в творчестве. Но первым грехом считается грех непослушания, ибо и Адаму и Еве было запрещено вкушать плодов от Дерева Познания. За это они были наказаны - Адам вечным трудом, - «Будешь добывать себе хлеб в поте лица своего», а Ева муками при родах, - «Будешь в муках рожать потомство свое». С тех пор плотские желания (не только сексуального характера) стали называться греховными. Кстати, наверное, именно этот момент в христианской мифологии можно считать началом возникновения нравственности и эстетического восприятия действительности.

В связи с тем, что ислам во многом перенял мифологическую основу христианства и иудаизма, понятие грешности плоти, а также наказания за нарушение перекочевало в мусульманскую религию, но приобрело своеобразное отражение. В частности трехкратное нарушение религиозных предписаний мусульманином каралось смертной казнью. Например, Амир Тимур часто руководствовался этим принципом в своей военно-политической деятельности.

На рубеже VII-VIII в.в. среди мусульман возникли расхождения в понимании веры (ал-иман) и в отношении к человеку, совершившему тяжкий грех (ал-кабира).

Наиболее радикальную позицию занимали хариджиты (ал-хаваридж). Рассматривая веру как совокупность всех действий повиновения Аллаху, они утверждали, что человек, совершивший тяжкий грех перестает быть мусульманином и становится неверующим (кафир). Противоположную позицию занимали муджииты (ал-мурджиъа). Исходя из того, что вера есть признание истинности Аллаха и всего того, что содержится в Коране, они отодвигали действия человека на задний план и считали мусульманином каждого, кто сохраняет в сердце чистоту веры, даже если тот совершил тяжкий грех.

Промежуточную позицию занимали мугазилиты (ал-мугазила), разработавшие учение о «среднем состоянии» (ал-манзила байнал - манзилатайин) - между «правоверным» и «неверным» - мусульманина, впадшим в тяжкий грех. Этот тезис, ставший в последствии одним из пяти

элементов («корней» - усул) богословской системы мутазилитов, призывал мусульман в конфликтных ситуациях занимать нейтральную позицию.<sup>2</sup>

Различные подходы в понимание Добра и Зла в мусульманской религии привел к расколу его представителей на различные течения, которые занимались философско-религиозным обоснованием идей предопределения и ответственности человека за свои поступки, природы и атрибутов Бога, природы Корана (его сотворенности или несотворенности), проблем «правоверия» и «заблуждения» и т.д.

На рубеже X-XI в.в. особенно обострились отношения между суннитами-традиционалистами с одной стороны, и шиитами-имами, мутазилистами и ашаритами - с другой. Именно в это беспокойное бурное время творил один из выдающихся мыслителей, ученых Среднего Востока - Омар Хайям.

Автор всемирно известных рубаи Омар Хайям, известен также как выдающийся ученый-философ, сведущий во многих спорных проблемах мусульманского богословия. О многогранности его таланта свидетельствуют написанные им трактаты: «Трактат о бытии и долженствовании мудреца Омара ибн Ибрахима Ал-Хаййами», «Свет разума о предмете всеобщей науки. Сочинение мудреца Омара ибн Ибрахима ал-Хаййами», «Трактат о существовании шейха имама доказательства истины для людей Омара ибн Ибрахима ал-Хаййами», «Ответ на три вопроса: Необходимость противоречия в мире детерминизма и долговечности» и др.

В трактате о бытии и долженствовании Омар Хайям с религиозно-философских позиций обосновывает решение вопросов бытия и долженствования, где в результате строгой логики, основанной на религиозных представлениях, приходит к выводу, что на самом деле все причины существующих вещей приводят к причине, не имеющей причины. В божественной науке объясняется, что причина, не имеющая причину, есть необходимо существующая по своей сущности, единая во всех отношениях и свободная от всех недостатков. Омар Хайям в своих доказательствах апеллирует не столько к вере, сколько к практическому

разуму. Если от вас требуют доказать наличие этих существующих вещей, то совершенно ясно, что чувства, необходимые наблюдения и заключения разума, освобождают нас от каких-либо других доказательств, - к этой категории относятся все существующие вещи и свойства, которые были до нас, поскольку нашим телам и судьбам предшествовало небытие.

Возникновение Зла объясняется Омаром Хайямом как необходимость в процессе сотворения мира Всевышним соединения взаимно противоположных, но встречающихся вместе свойств в одной вещи в одно время с одной стороны. Если скажут, почему Он создал несовместимые противоречия в существовании, ответ будет таков, что воздерживаться от большего блага из-за необходимости малого зла есть большое зло. Всеобщая истинная мудрость и всеобщая истинная щедрость дали всем существующим вещам присущее им совершенство без уменьшения доли хотя бы одно из них. Однако, они в зависимости от их близости или дальности (по времени сотворения) различаются по благородству.

Время сотворения Всевышним мира понимается Омаром Хайямом как нисходяще-восходящая эволюция. От создания чистого разума до праха разложившегося сущего по нисходящей и от этого тлена по восходящей линии до создания человека, как самого благородного творения среди сложных существующих вещей, а следовательно, самым близким к творцу среди благородных созданий и самым удаленным от праха среди сложных благородных существующих вещей.

Такая концепция нисходяще-восходящей эволюции очень ярко прослеживается в индийской религиозной философии. Например, в современном религиозно-духовном учении по интегральной йоге Шри Ауробиндо Гхош.<sup>3</sup>

Понимание человека, как самого благородного творения Всевышнего из всего мира существующих вещей глубоко гуманистично по своей сущности и противоречит христианскому пониманию греховности плоти. Омар Хайям в связи с этим пишет, что отдельные люди различны по своей способности к добру и злу и к приобретению

добродетелей и пороков, что объясняется как состоянием их тел, так и состоянием их душ.

Калокагатия Омара Хайяма получила свое отображение и в его поэтическом творчестве, где он, говоря о бренности тела и вечности духа, тем не менее, не отрицает чувственных удовольствий, хотя духовно-нравственные устремления им оцениваются, несомненно, выше.

1. Философский энциклопедический словарь. Изд. 2-е. — М.: Советская энциклопедия. 1989. С.243.

2. Ислам. Энциклопедический словарь. — М.: Наука. 1991. С.108.

3. См. Например: Шри Ауробиндо. Практическое руководство по интегральной йоге. — Киев: Пресса Украины. 1993.

## ПРЕДМЕТ ФИЛОСОФИИ В ВОЗЗРЕНИЯХ ОМАРА ХАЙЯМА

Концепция предмета, которым должна заниматься философия, по мнению Омара Хайяма, глубже всего разработана в его трактате «Свет Разума о предмете всеобщей науки. Сочинение мудреца Омара ибн Ибрахима ал-Хайями». Естественно, что речь идет о богословском понимании предмета религиозной философии, ибо светской философии тогда не существовало.

Тем не менее, отточенная четкой логикой философская мысль Омара Хайяма не может оставить равнодушным ни одного современного философа. Философия в его понимании это всеобщая наука, которой подчинены все науки и ее предметом является сущее. То есть в современном понимании - объективная реальность, Он говорит, что сущее и подобное ему есть первоисточник представлений о всех вещах, а вещь также очевидна. Необходимо, чтобы сущее существовало в душе, и если говорят о том, что чем-то действительным является то, что существует в вещах, то оно может существовать только в соответствии с тем, что ты познаешь существующее в разделении (на существующее в вещах и в душе), и поскольку это существующее не существует в вещах, необходимо, чтобы оно существовало в душе. Омар Хайям имеет в виду то, что объективная реальность таковой и остается независимо от способа ее отражения, то есть либо при непосредственном восприятии, либо в памяти. Нет вещи, говорит он, которая не существовала бы с необходимостью в одном из двух существований. В противовес древнегреческим софистам, Омар Хайям утверждает реальность бытия, вследствие его вещественности, материальности. Он говорит, что к необходимым свойствам вещей принадлежит вещественность, не вздумай считать вещь или сущее вообра-

жаемым, если ты это сделаешь, ты попадешь в порочный круг. Поскольку сущее и вещь являются всеобщими, более первичным как предмет всеобщей науки является сущее, так как оно более очевидно. Известно, что софисты в своем большинстве были приверженцами релятивизма, то есть относительности бытия и воспринимали бытие как воображаемую действительность.

Омар Хайям раскрывает сущность порочного круга софистов в их собственных философских силлогизмах. Если бы существование было вещью помимо самого существующего, а нет сомнения, что существование, считаешь ли ты его существующим в вещах или в душе, есть случайное явление, - оно было бы причиной свойства существования субстанции, так как субстанция становится существующей в силу своего существования, и если нет существования, то она не может существовать. Поэтому причина существования есть субстанция, что вытекает из истины случайного, и объяснение становится круговым.

Омар Хайям в определенной степени солидарен с Платоном, говоря об истине, заключенной в каждой вещи. Если же вещь относительная, существующая в душе, то необходимо, чтобы у всякой вещи имелась истина, которой она характеризуется и отличается от других. Это утверждение первично и находится в соответствии с разумом, если у этой истины есть разум, то есть в некотором разуме получается впечатление от этой истины и этот разум относит указанную истину и сущность полученному образу, существующему в вещах. Поэтому бытие в вещах является делом, помимо самой этой сущности, и истины и вещи помимо самого существующего.

Таким образом, заключает Омар Хайям, существование существующего в вещах существует само по себе и понятие о его существовании, помимо его самого имеет место только для понимания его разумом и поистине, разум понимает это свойство только после того, как познает его и превращает в познанную сущность. Этим тезисом Омар Хайям признает познаваемость объективной реальности, но оговаривает эту возможность познания. Для нас нет познанного в чистом виде, и оно невозможно, так как наши познания необходимо искажены воображе-

нием, которое воспринимает только единичное. Поэтому возможно, что мы что-нибудь вообразили и разум сделал здесь свое дело, то есть отвлекся от индивидуальных случайностей, а душа не признает этого, вследствие смешения этого познанного с воображением, или вследствие близости друг к другу, считает, что это единично.

Таким образом, мы видим, что Омар Хайям раскрывает нам сущность абстрактного мышления, которое должно идти от единичного к множественности. Он так и пишет, что множественность достигается при его познании и превращении в познаваемую сущность, к которой добавляется то познаваемое понятие, которое называется существованием. Следовательно, предметом философии, по Омару Хайяму является объективная реальность, которая познаваема через единичное к множественности, которая является основой всех существующих вещей.

Дилором АБДУЛЛАЖОНОВА,  
ЎзМУ аспиранти

## МИЛЛИЙ ТАРИХИЙ ХОТИРА МУТАФАККИРЛАР ТАЛҚИНИДА

Ҳар қандай тушунчанинг мазмунини англашда мавжуд қарашлар, ёндашувлар, фикрларни қиёсий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу орқали ушбу тушунчанинг мазмунини чуқурроқ англаш мумкин. Шу жумладан, тарихий хотиранинг ҳам. Тарихий хотирага инсоннинг келажақдаги хатти-ҳаракатларини тўғри изга солишга ва фаолиятини бунёдкорликка қаратишга ёрдам беришдек муҳим хусусият хос бўлиб, унинг бундай хусусияти жуда қадимдаёқ тўғри англаб етилган. Зеро, “антик даврдаёқ юнон ва рим тарихчилари тарихни панд-насиҳат бериш кучига молик деб ишонганлар ва бутун ҳукмрон донралар ундан тўлиқ хабардор бўлишлари шарт деб ҳисоблаганлар”.<sup>1</sup> Дарҳақиқат, ўтмиш сабоқлари ва у орқали шаклланган тарихий хотира мамлакатни ва халқни хатолардан сақлаш қудратига эга эканлиги тажрибалардан маълум.

Нафақат форс-тожик, балки жаҳон адабиёти тарихида ҳам ўзига хос ўрин тутган файласуф шоир Умар Хаёмнинг рубоийларида халқ тарихий хотирасига хос жиҳатлар зикр этилган дейиш мумкин.

Биз келиб кетувчи тўгарак жаҳон,  
На боши маълуму на сўнги аён.  
Ҳеч кимга ростини айтиб беролмас:  
Биз қайдан келди-гу кетурмиз қаён.

\* \* \*

Бу кун келар экан қўлингдан, бир бор-  
Азизлар хотирин шод эт, эй дилдор.  
Билиб қўй, чиройинг қолмас абадий,  
*Тусатдан қўлингдан кетишга тайёр,*<sup>2</sup>

- дейиш билан у аждодларни ёддан чиқармаслик халқ тарихий хотирасига хос бўлган муҳим жиҳат эканлигини қайд этган.

Ўрта аср араб дунёсининг йирик тарихчи олими бўлган Ибн Халдун ушбу масалага тўхталиб, “Хотира бу қабул қилинаётган, тасаввур этилаётган ва эшитилаётган (нарсаси) миёнанинг орқа қисмида сақланишидир. У ҳудди кераги бўлиб қолганда олиш мумкин бўлган хазинага ўхшайди”, - деган фикрни билдирган.

Тарихий хотиранинг аҳамиятини чуқур англаб етган Амир Темур “ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирада сақладим ва хушахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларнинг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим”,<sup>3</sup> - деб ёзганди.

Тарихий хотирада ахборотлар кўпроқ фактлар, саналар, урф-одатлар, маросимлар билан боғланган, яъни сараланган шаклда жамланади, сақланади ва ижодий қайта ишланган ҳолда, шахсий фикр тарзида муҳрланади. Зарурят туғилганда эса, қайта эсга туширилади.

Тарихий хотиранинг субъектига кўра фарқланувчи шакли бўлган миллий тарихий хотирага хос хусусиятлар мутафаккирларимиз қарашларида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Форобий, Беруний, Алишер Навоий, Фитрат каби алломалар асарларида миллий тарихий хотира тушунчаси ишлатилмаган бўлса-да, мазмунан, бугунги кунда ушбу тушунчада ифодаланадиган мазмун ҳақида гапирганларини кўрамиз. Жумладан, Форобий “ҳар бир халқнинг ёки бир шаҳар аҳолисининг нарса-ҳодисаларга доир тасаввурлари ўзларига таниш тасаввурлардир. Айрим халқларнинг муайян хилқат ҳақидаги энг машҳур (кенг тарқалган) тасаввурларида ҳам озми-кўпми фарқлар бор. Чунки, ҳар бир халқ ўша нарса-ҳодисани ўзича англаб, ўзича акс эттиради”,<sup>4</sup> - дея таъкидлайди. Форобийнинг ушбу сўзларида ҳар бир халқнинг тарихий хотираси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши қайд қилинган дейиш мумкин.

Миллий тарихий хотиранинг айрим услубий-назарий томонларини талқин қилишда Абу Райҳон Берунийнинг

қарашлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Аллома ўзга халқларни камситиш, бирини иккинчисига нисбатан юқори қўйиш мумкин эмаслиги ҳақида фикр юритар экан, “Бу ахлоқлик, даъвоси йўқ бир касалликдир, шундайки, уларнинг эътиқодларида дунёда ўз ерларидан бошқа ер йўқ, ўз жинсларидан бошқа халқ йўқ, ўз бошлиқларидан бошқа подшоҳлар йўқ, ўзлариникидан бошқа илм йўқ ва динларидан бошқа дин йўқ”,<sup>5</sup> - деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, ўз миллатини бошқалардан устун қўйишнинг оқибатлари нималарга олиб келиши мумкинлиги тарихий тажрибадан маълум. Чунки, бошқа халқлар, миллатлар қадрини билмаган одам ўзининг халқи, миллатининг ҳам қадрига ета олмаслиги айни ҳақиқат.

Иккинчидан, аллома томонидан ўзга халқларни камситишдек ҳолат миллий тарихий хотиранинг нотўғри шаклланган томонларидан бири экани очиб берилган.

Учинчидан, бундай қарашлар авлоддан-авлодга ўтиб бориши мумкин. Бу эса келгусида халқлар ўртасидаги муносабатга ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Ушбу фикр орқали мутафаккир ўша даврдаёқ миллий тарихий хотиранинг миллатлараро муносабатларга қай даражада таъсир қилиши мумкинлигини англаб етганини кўрамиз.

Тўртинчидан, унинг таъкидлашича, миллатнинг тарихий хотирасида тўғри қарашлар билан бир қаторда нотўғри қарашлар ҳам муайян жой эгаллаб қолиши мумкин. Бу ҳол эса миллий тарихий хотиранинг нотўғри кечишига сабаб бўлади.

Ушбу мулоҳазалардан миллий тарихий хотиранинг механизмларидан бирортасининг нотўғри ишлаши жамият ҳаётида акс этиши мумкинлиги ҳақидаги хулосани чиқариш мумкин.

Халқ тарихий хотираси ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришда давом этган ҳолда Беруний “...қадимги миллатлар ҳақидаги ривоятлар ўтмиш аجدодлар тўғрисидаги хабарларни билдиришади, чунки буларнинг кўпчилиги у миллатлар авлодидан ва буларнинг расм-русум ва қоидаларидан иборатдир”,<sup>6</sup> - дея таъкидлайди. Ушбу фикр орқали миллий тарихий хотирада миллатга мансуб ривоятлар ҳам муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланади. Чунки, ҳар

бир миллатга хос хусусият-лар ўша миллатнинг ривоятларида, халқ оғзаки ижодида муҳрланган бўлади. Агар бу ривоятлар ўтмиш тажрибасининг бир шакли сифатида тарихий хотирада сақланмаганда эди, улар бугунги кунгача етиб келмаган бўларди. Мана шу ерда миллий тарихий хотиранинг ўтмиш тажрибасини сақлаш ва зарурат туғилганда қайта тиклай олиш қобилияти намоён бўлади.

Шунингдек, миллий тарихий хотира миллий ифтихор ва гурур билан узвий боғлиқдир. Беруний фикрича, ҳар бир халқ жаҳон маданияти ва илмий тараққиётига ўзининг маълум ҳиссасини қўшади, шу билан бошқа халқлар орасида ўзига яраша жой олади, бу муваффақиятлар билан фахрланса, гурурланса арзийди. “ҳар бир халқ қандайдир фан ёки тажрибани ривожлантирганлиги билан фарқланади”,<sup>7</sup> - деб ёзади у.

Халқ тарихий хотирасининг мазмун-моҳиятини, унинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини улуг мутафаккир олим Алишер Навоий ҳам яхши англаганини манбалардан билиш мумкин. Хусусан, мутафаккир миллат тарихий хотирасини шакллантиришнинг асосини халқнинг ўз тарихини яхши билишида деб ҳисоблаган. Шу билан бирга, ўтмишни билиш орқали “не ишдин мамлакат обод, қаю ишдин улус барбод бўлган” лигини англаш мумкинлигини, тарих тажрибасидан тўғри хулосалар чиқариб улардан ибрат олиш, унумли фойдаланиш лозимлигини таъкидлаган.

Миллий тарихий хотира тушунчасини чуқурроқ англашда жадидчиликнинг йирик намоёндаси Абдурауф Фитрат ўзининг “Раҳбари нажот” китобида “ҳар бир қавм ўзи босиб ўтган ижтимоий, сиёсий аҳволини билиши керак, ўзини ўша ўтган тарихий даври билан таққослаб ўша даврдан қанчалик ривожланганлигини билиши жоиздир. Ҳар бир миллат агар яшашни ҳоҳласа, ўз қавмининг ўтмиши, тарихига мурожаат қилади ва агар бирор қавм ҳалокатга маҳкум бўлган бўлса, унинг сабабларини ўрганиб, бу ҳалокатга боғлиқ бўлган одатларини тарк қилиши керак. Бошқа бир миллатнинг тараққиётига сабаб бўладиган қоидаларни ўзига қабул қилиши заруриятдир”, - дея таъкидлайди.

Бу мулоҳазаларда халқ тарихий хотирасининг уч жиҳати намоён бўлади. Биринчидан, ҳар бир халқ агар миллат

сифатида қарор топишни истаса, ўз ўтмишини, аجدодлари босиб ўтган тарихий йўлни англаши зарур. Иккинчидан, ўзга халқлар тарихидан, шу жумладан, уларнинг хатоларидан сабоқлар чиқариши лозим. Учинчидан, бошқа халқларнинг тараққиётига сабаб бўлган омиллардан фойдаланиши, уларни ҳисобга олиши керак.

Юқоридаги фикрлардан англаш мумкинки, тарихий хотирани мунтазам равишда шакллантириб бориш муҳим. Агар ундан ўрин олган ноҳолис жиҳатлар вақтида бартараф этилмас экан, бу ҳол жамият ҳаётини ҳалокатга олиб боради. Зеро, ҳақиқий, тўғри шаклланган миллий тарихий хотира инсонларни эҳтиёткорликка, ўтмишдан тўғри хулосалар чиқаришга, тарихни “оқ” ва “қора” жиҳатларини бир бутунлигича кўра олишга ўргатади. Шунини ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, аллома ва мутафаккирларнинг юқорида келтирилган фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Вақт олий ҳакам, у бизга ўтмишга назар ташлаб иш кўриш лозимлигини яна қайта эслатади. Зеро, мозийга қараб иш тутишни хайрли дейдилар.

Дарҳақиқат, ўтмиш ва бугун орасидаги изчилликни таъминлай олсаккина келажакни яратишга энг қулай имконият топамиз.

1. Аҳмедшина Ф. Тарихий хотира — халқ маънавиятининг асоси. // Мулоқот. 2000. №3. —Б.21.
2. Умар Хайём. Рубоийлар. —Т., 1958. —Б.221.
3. Амир Темури ўғитлари. —Т.: Наврўз. 1992. —Б.6.
4. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. —Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. —Б.168.
5. Беруний Абу Райҳон. Ҳиндистон. —Т.: Фан. 1966. —Б.35.
6. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. —Т.: Фан. Т.1. 1968. —Б.40-41.
7. Ўша мадба.

*Илмий нашр*

**УМАР ХАЙЁМ НИШОПУРИЙ – ШАРҚНИНГ БУЮК  
МУТАФАККИРИ**

**Халқаро илмий анжуман материаллари**

Масъул муҳаррир: С. Йўлдошев  
Нашрга тайёрловчи: Ж. Муҳаммад  
Муҳаррир: Э. Ҳамроев  
Мусахҳих: А. Рузиқулов  
Компьютер ишлари: К. Бурхонов

Теришга берилди: 09.11.2004. босишга рухсат этилди 15.11.2004. Ҳажми  
12,0 б.т. бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Офсет қоғози адабий гарнитур. 1000 нусха.  
Буюртма №385-К.

«Маърифат - Принт» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. 700031, Тошкент  
шаҳри, Чилонзор тумани, Сўғалли ота, 7а.